

Умарали Норматов



УСТОЗ
ИБРАТИ

Умарали Норматов

УСТОЗ ИБРАТИ

(Мушоҳада, муҳокама, хотира, суҳбатлар)

Маъсул муҳаррир: **Абдусалом Умаров**,
социология фанлари доктори.

Тақризчи: **Ҳамидулла Болтабоев**,
филология фанлари доктори, профессор.

Норматов, Умарали.

Устоз ибрати: (Мушоҳада, муҳокама,
хотира, суҳбатлар) Умарали Норматов;
Маъсул муҳаррир А. Умаров. — Т.: Алишер
Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти, 2007. — 128 б.

ББК 83.3(5У)6

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 2007 йил 8 январда қабул қилган «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор тавалудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарориди «Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ижодий меросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасида муҳим аҳамиятта эга экани» алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Адабиётшунос Умарали Норматовнинг сўз заргари Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳақидаги аввалги китоблари — М. Қўшжонов билан ҳамкорликда яратган «Маҳорат сирлари»(1968) монографияси, «Қаҳҳорни англаш машаққати»(2000) рисоласидан фарқли ўлароқ, қўлингиздаги янги китоби адибни яқиндан билган шогирдининг устоз, унинг ижодий мероси, бу ноёб мероснинг ёш авлод тарбиясидаги беқиёс аҳамияти, айрим асарлари устидаги ўй — мушоҳадалари, баҳслари, хотиралари, суҳбатларидан ташкил топган. Уларда муаллиф улкан сўз санъаткорининг ижод сирлари, умр сабоқларидан мароқли ҳикоятлар қилади. Умид қиламизки, улар Сиз азиз китобхонларни бефарқ қолдирмайди.

ISBN 978-9943-06-006-4

№ 212 — 2007 Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 й.

Биринчи бўлим

МУШОҶАДА, МУҶОКАМАЛАР

ШИЖОАТ

Абдулла Қаҳҳор 1963 йили «Шижоат ҳақида» мақоласида «Агар ёзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, мен ҳалоллик билан шижоатни биринчи модда қилиб қўяр эдим, чунки ёзувчининг бошқа ҳамма хислатлари унинг қай даражада ҳалол, нақадар шижоатли зеҳнига боғлиқдир», деб ёзган эди. Бу гап шунчаки ўғит, қуруқ шиор бўлиб қолмади. Адибнинг ўзи бутун ижодий, ижтимоий фаолияти давомида, то умрининг сўнгги дақиқаларига қадар айна шу «кодекс»га амал қилди. Бу ноёб истеъдод соҳибининг умр йўли ҳалолликка асосланган шижоатлар силсиласидан иборат.

Сафдошлари Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, Миртемирлар каби А.Қаҳҳорнинг қизғин ижодий фаолияти XX асрнинг энг фожеий палласида, мудҳиш 30 – 50 – йиллар шароитида, мустабид яккахоким мафкура, шўро адабий сиёсати тазйиқи остида кечди. Бу ҳол ёзувчининг ижодий тақдирида муайян асоратлар қолдирди. Айна пайтда Аллоҳ берган беназир истеъдод, ноёб шахсий фазилатлар, ўзига хос ўткир нигоҳ, қатъият, ирода – бардош, ҳалоллик ва шижоат туфайли замонаси зуғуми, талотумларидан юқори кўтарила олди. Адибнинг дилбар ҳикоялари унга катта шухрат келтирди, «Синчалак», «Ўтмишдан эртақлар» қиссалари, «Сароб», «Қўшчинор» романлари, «Шоҳи сўзана», «Тобутдан товуш» комедиялари, ўткир публицистик чиқишлари, адабий – танқидий мақолалари, заргарона таржималари аср адабиёти, маънавий – маданий ҳаёти тарихида ёрқин ва ўчмас из қолдирди.

Абдулла Қаҳҳор «Сароб» романини ёзишга киришганида 23 ёшда эди, 25 ёшида уни ёзиб тугатди. Ўтган аср 20 – йиллари ўрталарида ижодини бошлаган, бир қатор ҳикоя, фелъетонлар машқ қилиб юрган ёш қаламкашнинг бирданига роман жанрига

қўл уриши катта жасорат эди. Биламизки, ўша кезлари Абдулла Қодирийнинг қўлма – қўл бўлиб ўқилиб турган романлари тарихий ўтмишдан олиб ёзилган. Абдулла Қаҳҳор эса ҳали адабиётда бутунлай «очилмаган қўриқ»қа – замонавий мавзуга, айти 20 – йиллар ҳаётига қўл уриб, маҳорат бобида Қодирий романларидан қолишмайдиган асар яратишга муяссар бўлди. Устоз Озод Шарафиддинов бу асарни ҳақли равишда «Ўткан кунлар»дан кейинги «иккинчи чўққи» деб атаган. Бу романнинг ўша кезлари жаҳон адабиётида пайдо бўлган Ф.Кафканинг «Жараён», М.Горькийнинг «Клим Самгиннинг ҳаёти», М.Шолоховнинг «Тинч Дон» асарлари билан бир қатор муштарак жиҳатлари бор. Асарда замоннинг энг ўткир муаммоси – тоталитар режим шароитида шахс қисмати муаммоси қаламга олинади. «Сароб» муаллифи октябр тўнтаришидан сўнг ўлкада, хусусан, ижодий зиёлилар ҳаётида содир бўлган талотумларни, «икки тўлқин» кураши жараёнида шахс руҳиятида кечган зиддиятлар силсиласини фавқулодда бир маҳорат билан кўрсатади. Асар бош қаҳрамони Саидий бир миллат фарзандларини икки қутбга ажратиб ташлаган шароитда шўролар томонида туриб шўро одами, аксилнқилобчилар сафига кириб аксилнқилобчи бўлолмайди; шахсий ҳаётда ҳам бахтини тополмайди. Аслида бахт учун туғилган, ҳар жиҳатдан баркамол икки ёшнинг – Раҳимжон Саидий билан Мунисхоннинг мудҳиш муҳитда ушалмай қолган, сароб бўлиб чиққан, пировардида барбод бўлган орзу – умидлари ифодаси ўқувчини ларзага солади. Дадил айтиш мумкинки, «Сароб» жаҳон адабиётидаги увол бўлган умр, хазон бўлган муҳаббат ҳақидаги энг сара асарлар қаторида туришга ҳар жиҳатдан ҳақли.

Абдулла Қаҳҳор 30 – йилларнинг иккинчи ярмида, асосан, ҳикоя жанрида қалам тебратди, ўша кезлари бирин – кетин «Анор», «Бемор», «Ўғри», «Адабиёт муаллими», «Санъаткор» каби ҳикояларини эълон этди. Бу асарлар ҳам улкан ижодий жасорат, шижоат маҳсули сифатида майдонга келди. Айти шу асарлар туфайли муаллиф ўзбек миллий ҳикоячилигининг асосчиси, ҳикоя устаси деган ном олди. Умрининг охирига қадар бу жанрга содиқ қолди. Қаҳҳорнинг ҳикоялари, мана, етмиш йилдирки, ўқув дастурларидан тушмай келади, улар жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима этилган, фақат ўзимизда эмас, хорижий мамлакатлар танқидчилигида ҳам жаҳон

новеллистикасининг энг яхши намуналари қаторида турадиган асарлар сифатида эътироф этилган.

Адиб «Анор», «Бемор», «Ўғри» каби ҳикоялари номлари остига «Ўтмишдан» деб ёзиб қўйган. Бироқ бу ҳикояларда қаламга олинган ҳодисалар, инсоний жумбоқлар ўтмишгагина дахлдор эмас, балким ҳамма замонларнинг муаммосидир. Ёзувчи кафтдек ҳикоя сатҳида ижтимоий тенгсизлик, қўли қисқалик, қаллоблик азобини чеккан, чекаётган оддий одамларнинг қалб изтиробларини, дарди дунёсини кўз олдингизда ҳудди суратдагидек ёрқин гавдалантириб беради, улар бир умрга хотирангизда ўрнашиб қолади, сизни ўй — мушоҳадаларга ундайди; ҳикояларга эпиграф қилиб олинган ўша асарларнинг асл моҳиятини ифода этувчи «Уйлар тўла нон, оч — наҳорим болам. Ариқлар тўла сув, ташнаи зорим болам», «Осмон йироқ, ер қаттиқ», «Отнинг ўлими итнинг байрами» жумлаларида намоён бўлган туйғу — фикрлар қалбингизни тугёнга солади.

Абдулла Қаҳҳорнинг ўтмишдан олиб ёзган ҳикоялари яна бир жиҳатдан эътиборга сазовор. Ҳикоялардаги жабрдийдалар, муте, ночор, хўрланган одамлар қисмати билан танишганда, бир томондан, улар ҳолига беҳад ачинасиз. Иккинчи томондан, беихтиёр Чўлпоннинг «Тириксан, ўлмагансан. Сен — да одам, сен — да инсонсан» деган сатрлари ёдга тушади. Шахс эрки, ҳуқуқи, мутелик, қуллиқ психологияси ифодаси талқини бобида ХХ аср адабиётида Чўлпон аъёналарини энг изчил давом эттирган адиб айна шу Қаҳҳорнинг ўзидир. Адибнинг юқорида тилга олинган ҳикоялари, кейинроқ яратган «Ўтмишдан эртақлар» персонажлари худди Чўлпондаги каби мустабид тузум шароитида инсон шаънини, қадрини, ҳақ — ҳуқуқини поймол этилишига қарши ўзига хос исёндир.

Абдулла Қаҳҳор қиссалари, айниқса, «Синчалак» билан «Ўтмишдан эртақлар» ёзувчига катта шуҳрат келтирди. «Синчалак»да ХХ асрда халқимиз босиб ўтган тарихий йўл, аниқроғи, аёллар қисмати билан боғлиқ мураккаб зиддиятли ҳодисалар ўзгача нигоҳ, ажиб бир киноялар орқали бадий идрок этилади. Қиссадаги Қаландаров образи ХХ аср ўзбек адабиётининг жиддий кашфиёти, Қаҳҳор реализмининг буюк эҳсонидир. Таниқли қаҳҳоршунос олим О.Шарафиддинов таъкидлаганидек, Қаландаров тимсолида тоталитар тузумнинг ичдан чириган, чуқур таназул ҳолатини кечираётгани кўрсатилган, бу таназул фақат иқтисодий характерга эмас,

биринчи гада, ижтимоий — психологик моҳиятга эга эканлиги ҳам очилган.

«Ўтмишдан эртақлар» ёзувчи ижодининг ўзига хос яқуни, сўнги чўққиси бўлди. Гарчи «Ўтмишдан эртақлар»дан кейин ҳам бир қатор ҳикоялар, «Муҳаббат» қиссаси яратилган, уларда қаҳқорона битилган саҳифалар бўлса — да, бадий етуклик жиҳатидан «Ўтмишдан эртақлар» билан тенглаша олмайди. Қиссада қаламга олинган муаллиф болалигида бошдан кечирган «ўқувчида жуда оғир таассурот қолдирувчи» зулмат — «тарихнинг маломатли саҳифалари», «қора бўёқлар»нинг қуюқлиги, нури жиҳатларнинг заифлиги нуқсон эмас, асарнинг ўзига хос хусусияти, аниқроғи, фазилатидир. Қисқаси, ўзбек адабиётида маънисиз ҳаётнинг бу хилдаги мудҳиш манзаралари ҳеч қачон бу қадар шафқатсизлик билан ифода этилган эмас. Ёзувчи ҳақиқат олдида ўз яқинлари, ҳатто отасини ҳам аямайди. Бу жиҳатдан «Ўтмишдан эртақлар» жаҳон янги адабиётининг ноёб бадий дурдоналари қаторидан ўрин олишга ҳақлидир.

Абдулла Қаҳҳорнинг саҳна асарлари ҳам адиб ижодий меросида, XX аср ўзбек адабиёти, театр санъати, миллий комедиячилигимиз тарихида ўзига хос ўрин тутди. Комедиялари орасида, айниқса, иккитаси катта шухрат қозонди. 60 — йиллар бошларида саҳна юзини кўрган тоталитар режимнинг асл қиёфасини мардона кўрсатган, режим етиштирган ажиб тонфа кимсалар тимсолини моҳирона кўрсатган «Тобутдан товуш» сатирик асари бутун республикани ларзага солди. Томошабин уни олқишлар билан кутиб олди, бироқ бу саҳна асари юқори доира одамларининг кескин қаршилигига учради. Унга ҳамлалар уюштирилди. Асар томошаси тўхтатиб қўйилди. Жоҳил кимсалар «Тобутдан товуш»ни «Сўнги нусхалар»га айлантиришга муваффақ бўлдилар.

Драматургнинг ўн йил бурун 50 — йиллар бошларида дунё юзини кўрган «Шоҳи сўзана» комедияси жаҳон кезган асар сифатида тарихда қолди. Асар ўзимизда, собиқ иттифоқ республикаларининг 70 дан ортиқ машҳур театрларида, хорижий мамлакатларнинг 30 дан ортиқ театр саҳналарида намойиш этилди.

Хўш, «Шоҳи сўзана»нинг бундай довруғи сабаби нимада? Орадан ярим асрдан мўлроқ вақт ўтиб, унча — мунча оқ — қорани таниб, адабий — танқидий тафаккурдаги эврилишларни сарҳисоб

қилиб, «Шоҳи сўзана» доврўғи сирлари ўз даврида айтилганидек, унинг илғор замондошлар образини яратганлигида, одамларнинг чўлни ўзлаштиришдаги шижоати ифодасида, асарнинг «қаҳрамонлик комедияси» эканлигида, ҳаётдан орқада қолган, «қолоқ» кимсалар устидан кулиб, ўз ўтмиши билан хайрлашаётганида эмас, балки ўша «қолоқ» кампирлар сиймосида тажассум топган миллатнинг менталитетида, онажонларимиз табиати — бор бисоти, улуғлиги ва ожиз томонлари, ўйлаш, фикрлаш тарзи, самимияти фавқулодда бир маҳорат билан бадий кашф этилганида экан. Онажонларнинг «қолоқлик», «эскича тушунча» бўлиб туюлган аксар гап — сўзлари, хатти — ҳаракатлари, қирқ йиллик турмуши, қўшничилик, «намоз ўқимаса ҳам жаннати одамлар» бўлган эрлари ҳақидаги хотиралари ажиб самимият, теран инсонийлик туйғуси билан йўғрилган. Жамики ожиз, кулгили жиҳатлари билан улар ўз қадри, шаънини биладиган тутадиған меҳри дарё асл ўзбек аёлларидир. «Ўткан кунлар»дан, Ўзбек ойимдек ноёб онахонидан маҳрум этилган ўзбек томошабини гўё Холнисо ва Ҳамробувилар тимсолида йўқотган бисотини топгандай, маънавий ташналигини қондиргандай бўлди. Жаҳон томошабинлари эса ўша онажонлар тимсолида мустабид тузум талотумлари гирдобида ўзлигини, шаънини, қалбини сақлаб қололган ҳақиқий ўзбекни кўрди ва уларга қойил қолди.

Қаҳҳорнинг Сталин вафотидан кейинги ўн йилдан ортиқроқ ҳаёти ва ижодий фаолияти гоёт сермахсул ва самарадор бўлди. Шаҳста сифиниш, мустабид сиёсатнинг танқид остига олиниши, мамлакатда қисман демократияга йўл берилиши туфайли Абдулла Қаҳҳор ўзини эркин ҳис эта бошлади. Ўзбек халқининг, хусусан, миллат кўпчилигини ташкил этган пахтакор деҳқоннинг ночор аҳволи, пахта далаларида одамларнинг қийналаётгани, аёлларнинг майиб бўлаётгани, болаларнинг пачоқ бўлиб ўсаётгани ҳақида бонг уради. «Мавсумда бир неча тонна пахтани битталаб териш, шунча юкни бўйнига осиб, неча юзлаб километр йўл босиш учун афсонавий Рустамнинг ҳам қуввати етмайди» дейди адиб, мана шу юмушни қишлоқдаги ўзбек аёли адо этаётганидан надоматлар чекади. Мустабид сиёсатнинг нохуш оқибатлари — «кўпгина оилаларда болалар ўз она тилисини мутлақо билмаслиги», бу ҳол «ота — онани заррача ҳам ташвишга солмаётгани», «баъзи бир оилаларда бола ўз она

тилисида гапиргани номус қилаётгани», шу нарса «интернационализм» деб аталаётгани ҳақида 60 – йилларда дангал гапириш – бу ҳазилакам иш эмас эди. Эл – юрт, миллат, миллий адабиёт, она тилининг софлиги йўлидаги жонбозликлари, адабиётдаги халтурага қарши чиқишлари, бу борада ёзувчиликка даъвогар энг юксак мартабадаги шахсларни ҳам аямаслиги – чиндан – да катта жасорат эди. Абдулла Қодирий таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуманда сўзлаган нутқи, Қодирий каби буюк сиймоларни баҳолашда «культ даври қоқиб кетган темир қозиқ атрофидан йироқ кетилмаётгани» хусусидаги аччиқ истеҳзоси, ўзининг олтмиш ёшлик тантанасидаги нутқи – булар аждаҳо комига ўзини тутиб бериш билан баробар эди. Абдулла Қаҳҳор бунга журъат эта олди.

Бундай шижоат, журъат республикадаги маънавий, адабий ҳаётга кучли таъсир кўрсатди, ўнлаб ижодий зиёлилар кўзини очди, хусусан, ёш истеъдодлар кўнглига ўт солди, мустабид ҳукмдорларни эса ҳушёр торттирди, талвасага солди. Қаҳҳор шижоати, ҳақ сўзи, шахсий ибрати билан виждонли, чин истеъдод соҳибларини худди оҳанрабодек ўзига тортди. Ўша кезлари Қаҳҳор атрофида О.Ёқубов, П.Қодиров, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев каби ўнлаб ёш истеъдодлар, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов каби етук адабиётшунос танқидчилар уюшган эди. Қаҳҳор миллий адабиётдаги соғлом кучларнинг раҳнамосига айланди. Айни ана шу соғлом кучлар XX аср иккинчи ярми миллий адабиётимизнинг дарғаларига айландилар. Қаҳҳор руҳи, қаҳҳорона шижоат мустақиллик йилларига ҳам етиб келди, бу руҳ янгича кўринишда давом этаётир.

Президентимизнинг «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида» деб чиқарган қарори адибнинг ана шундай улкан шижоатларига берилган муносиб баҳодир.

2007 йил январ

УНИВЕРСИТЕТ ИЛҲОМЛАРИ

Санъаткорнинг шахс ва ижодкор сифатида шаклланишида ўнлаб ҳаётӣй – маънавий омиллар қатори у таълим олган муҳит, устозлар таъсири нақадар муҳим ўрин тутиши кўпчиликка аён. XX аср миллий адабиётимизнинг ёрқин сиймоларидан бири Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий тақдири ҳам бундан мустасно эмас. Адиб умри поёнида битган "Озгина ўзим ҳақимда" сарлавҳали таржимаи ҳолида, "Ўтмишдан эртаклар" автобиографик қиссасида, шунингдек, "Биринчи домлам", "Мактабдошлар", "Хат" каби мақола ва суҳбатларида бу хусусда қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Ёзувчи ўзининг ижодий тақдирида дорилфунундаги талабалик йиллари аҳамиятини алоҳида мамнуният билан таъкидлайди. Бу ҳақида сўзлашдан олдин Абдулланинг таълим бобида университетгача босиб ўтган йўли устида озгина тўхталиб ўтсак.

Абдулла илк сабоқни, адабий таълимни оилада, отасидан олган. "Отам китобга ниҳоятда ишқибоз бўлиб, деярли ҳар куни ишдан кейин онамга қизиқ китоблар ўқиб берар эди. Бу китоблардан эсимда қолганлари: ҳар хил жангномалар, "Далла ва Мухтор", "Баҳори дониш", "Бобо Равшан". Мен сатрларни кузатиб, отамнинг ёнида ўтирар эдим. Отам ҳеч қачон ҳеч қаерда ўқиган эмас, "мен тушимда хат таниганман", дер эди. Шундай бўлса ҳам ажаб эмас, лекин тушида хат танишига ёрдам берган нарсани унинг китобга ишқибозлиги орқасида, менга ўхшаб, *саводли киши китоб ўқиганида сатрларни кузатгани бўлса керак*"¹, — деб ёзади у таржимаи ҳолида. Ота таъсирида шакланган айни шу малака илк бор Бувайда қишлоғида отин ойна мактабига борганида иш берди, бир неча ойда хат танийдиган бўлди. Сўнг Валихон сўфи отлиқ мактабдор қўлида саводини давом эттирди. Ота домланинг чаласавод бир кимса эканидан огоҳ бўлгач, Абдуллани сўфи мактабидан чиқариб олиб уни ўзи ўқитишга тушади. Шу тариқа икки — уч йил ўтади. Ниҳоят, Абдулла ўн — ўн бир ёшларга етганда унга Оққўрғондаги Муҳаммадjon қорининг янгича усулдаги мактабида ўқиш насиб этади. Бу маскан аввал таълим олган ибтидоий қироатхонликка

¹ Адабиётимиз автобиографияси. Т., Ф.Ғулом номидаги нашриёт, 1973, 184 — 185 — 6

асосланган мактаблардан тубдан фарқ қиларди. Қисқа фурсат ичида Абдулла бу муътабар аллома кўлида "Устои аввал" деган китобдан ўқиш ва машқ қилиш учун яхши сабоқ олди; икки ой ўтар – ўтмас "Гулшани дилафгор", "Болалар боғчаси", "Ажойиб ул – махлуқот" сингари китобларга, Абдулла Авлоний, Тавалло, Сўфизода, Сидқий, Завқийнинг "абёт"ларига тиши ўтадиган, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг иншо китобидан мактуб, турли ҳужжатлар нусхаларини чиройли қилиб кўчирадиган бўлади².

Афсус, жоҳил кимсалар бу табаррук алломани "жадидчилик уруғини сочгани келган"ликда айблаб у очган мактабни ёпишга эришадилар, янгича мактаб жиҳозларига ўт қўядилар. Бироқ Муҳаммаджон қори ёққан чироқ нури умр бўйи адиб қалбини чароғон қилиб келди; ёзувчи устозга бўлган эҳтиромини аъло даражада адо этди, "Ўтмишдан эртақлар"нинг энг ёрқин саҳифаларини унга бағишлади, ҳатто ҳаётининг сўнгги дақиқаларида вафотидан сўнг ўша устоз жаноза ўқишини васият қилди. Адибнинг васияти тўла – тўкис бажо келтирилди, унинг жанозасини устози ўқиди, устози тиловат қилган Қуръони карим оятлари садоси остида лаҳадга қўйилди.

Шогирд Абдулла вақти келиб қўлига қалам олар экан, илк ижодий машқларини устоз Муҳаммаджон қори қалбига жо этган жадидчилик ғоялари руҳидаги жаҳолатга қарши асарлар билан бошлади, бутун ижоди давомида мутеликка, хўрликка қарши исён кўтарди, халқини кишанлардан халос бўлишга, бўйин эгмасликка, инсонлик шаънини балаңд тутишга чорлади.

Қаҳқорлар оиласининг бир неча йиллик дарбадар турмушдан кейин киндик қони тўкилган Қўқон шаҳрига узил – кесил қайтиши эл – юрт, жумладан, Қўқон тарихидаги энг мудҳиш, қора кунларга – Мухторият тор – мор этилган дамларга тўғри келди. "Ўтмишдан эртақлар"нинг "Қўқон харобалари орасида" деб сарлаваҳаланган бобида бу кўҳна шаҳарнинг ўша кезлардаги аянчли манзаралари ҳаққоний гавдалантирилган.

Авваллари эскича қироатхонлик, янгича жадид мактабида таълим олган Абдулла энди шаҳарда шўро мактабларида ўқишни давом эттиради. Дастлаб "Истикбол"да, сўнг интернатда таълим олади, ундан "Коммуна" мактабига ўтади, ўзбек билим юртининг

² Абдулла Қаҳқор. Асарлар. Олти томлик. Иккинчи том. Т., Ф. Фулом номидаги нашриёт, 1967, 112 – 113 – б.

тайёрлов бўлими "Намуна – татбиқот" мактабида, ундан кейин билим юртининг ўзида ўқийди. 20 – йиллар бошларидаги миллий таълим тизимидаги эврилишлар, мафкуравий жараёнлар – барчаси ёш Абдулла ҳаётида муайян из қолдиради. Бир томондан, дунёвий билим, ҳарбий интизом, иккинчи томондан, диний – исломий таълим; айни пайтда миллий – туркий ифтихор ва шу билан баробар инқилобий шўровий тарғибот ёнма – ён давом этади. Абдулла инқилобдан бурунги мактабларда Қуръон оятларини қуруқ ёд олган бўлса, энди бу оятларнинг маъно таржимаси билан таниша бошлади; миллий – инқилобий шарқияларни кўпчилик бўлиб куйлади. Муҳаммаджон Холиқий, Пўлатжон домла, Қори Ниёзийлар назарига тушди. Адабиёт кечаларида ўша вақтнинг машҳур шоирлари Чўлпон, Ҳамза Ҳакимзодалар билан учрашди; энг муҳими, ёш Абдуллада журналистикага ва адабиётга майл уйғонди. Билим юртида у истеъдодли ва садоқатли дўстлар орттирди. Кейинчалик Фанлар Академиясининг академиги, техника фанлари доктори бўлиб етишган Муҳаммаджон Ўрозбоев, медицина фанлари доктори Муҳаммаджон Қулматов, академик Теша Зоҳидов, химия фанлари доктори Йўлчи Тошпўлатов каби мактабдошлари бир умр адиб учун чин маслакдош, машаққатли ҳаёт йўлида таянч ва суянч, маслаҳатгўй бўлиб қолди. Дўстларининг ҳар бири адибдаги ноёб истеъдодни ниҳоятда қадрлар, имкон қадар уни авайлашга ҳаракат қилар, қўлидан келган маслаҳат ва мададни аямас эдилар.

"Муштум"даги фельетон ва ҳажвиялари билан кўзга ташлана бошлаган Абдулла 1925 йил бошларида Тошкентга "Қизил Ўзбекистон" газетасига ишга таклиф этилди. Ёш ижодкорнинг қизгин журналистик фаолияти бошланади. Шу орада мактабдош дўсти Муҳаммаджон Қулматов Абдуллага "катта иш ва кўп пул" деб саводсиз қолаётганини айтиб кўнглига ғулғула солади, бир йил тайёргарлик кўриб келаси йилда Москва университетининг адабиёт факультетига киришни маслаҳат беради; ўзи Москва университетига ўрин олиб кетади, дўстига хужрасини инъом этади ва Павел деган бир ўртоғи билан таништиради. "Павел университетнинг иккинчи курс студенти, сариқ соч, кўк кўз, жуда келишган ва хушчақчақ бир йигит эди, – деб ёзади адиб кейинчалик таржимаи ҳолида. – Шу йигит бир йил шуғулланиб, мени Москва университетининг адабиёт факультетига эмас, Ўрта

Осиё Давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети — У.Н.) ишчилар факультетига ҳамма фанлардан тайёрлади. Мен ўқиган мактабларда рус тили жуда кам ўқитилар эди, шунинг учун рус тилидан жуда заиф эдим”³.

Ўша кезлари университетда, жумладан, ишчилар факультетида дарслар рус тилида олиб борилар эди. Павел ёрдамида Абдулла рус тилини яхшигина ўрганиб олди ва ишчилар факультетига киришга, иккинчи курсдан қийналмай ўқиб кетишга эришди. Бугина эмас, Павел Абдулланинг “ёзувчи — газетчи” эканини назарда тутиб рус классик адибларининг асарларини оригиналда ўқишга ундайди, Павелнинг ёрдами билан Гоголнинг “Иван Иванович ва Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтган низолар ҳикояси” асарини синчиклаб ўргангани, китобни деярли ёд олади. “Биринчи домлам” мақоласида адиб ёзади: “Бу китоб менга, бир томондан, рус тилини ўрганишда биринчи дарслик бўлган бўлса, иккинчи томондан, мени янги бир оламга, китобга эмас, ҳаёт одамларнинг товуши эшитилиб, қиёфаси яққол кўришиб турган, уларнинг ички дунёсини ойнадай акс эттирган адабиёт оламига етаклади”⁴.

Ёзувчи бунинг учун Павелдан, университет таълимидан бир умрга миннатдор бўлиб қолди, Павел Шафрин образини “Сароб” романига ҳам олиб кирди. Бу йигит асарда бош қаҳрамон Саидийга энг кўп хайрхоҳлик кўрсатган, талабалик даврида ҳам, раҳбарлик лавозимларида ишлаганида ҳам моддий ва маънавий мадад бериб келган олижаноб шахс сифатида талқин этилган.

Шундай қилиб Абдулла Қаҳҳор ҳаётида янги саҳифа очилди, университет даври бошланди, 1926 — 1929 йиллари ишчилар факультетида, орадан бир йил ўтиб 1930 — 1933 — йиллар давомида педагогика факультетида таълим олди.

Бир неча оғиз сўз университетнинг ишчилар факультети хусусида. 20 — йилларнинг бошларида университет талабалари орасида маҳаллий аҳоли, жумладан, ўзбеклар сони оз бўлиб, масалан, 1925 йилга келиб бор — йўғи 8 фойзни ташкил этар эди. Айрим жонкуяр миллатпарвар раҳбарларнинг ташаббуси билан республика аҳолисининг кўпчилигини ташкил этувчи меҳнаткаш аҳоли фарзандларини ўқишга тортиш мақсадида уларни олий таълим даргоҳига тайёрловчи ишчилар факультети

³ Адабиётимиз автобиографияси. 191 — 192 — 6

⁴ Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Олти томлик. Олтинчи том. Т., Ф. Фулом номидаги нашриёт, 1967, 265 — 6.

ташкил этилди, йилдан — йилга бу факультет тингловчилари сафи кенгайиб борди. 1925 йилга келиб 889 кишига етди. Туркистон шўролари МИҚ раиси Т. Рисқулов имзолаган буйруққа мувофиқ "Ишчилар факультети, табиийки, синфий мактаб бўлиб, унга фақат ишчи ва деҳқон таркибидан чиққан тингловчилар қабул қилинади"⁵ деб белгилаб қўйилди ва тингловчиларга қатор имтиёзлар ваъда этилди. Низомга кўра, бу факультет университетда алоҳида мавқега эга бўлган, факультет кенгашига кўпгина масалаларни мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи ҳам берилган. Вазиятнинг чигал томони шундаки, маҳаллий миллат фарзандларининг ишчи факультетига кириши йўлидаги асосий тўсиқ ўқишнинг рус тилида экани эди. Бу борада ҳам айрим миллат фидойиларининг саъйи ҳаракати туфайли 1922 йили Эски шаҳарда ишчилар факультетининг мусулмон бўлими ташкил этилди, бўлим икки йил маҳаллий аҳоли болаларига рус тилини ўргатар, сўнг уч йил мазкур факультетнинг асосий русча бўлимида ўқишни давом эттириш лозим эди. Абдулла, юқорида эслатиб ўтилганидек, Павел ёрдамида ишчилар факультетининг асосий русча бўлимига мустақил равишда тайёргарлик кўриб, унга киришга муваффақ бўлди.

Мен шахсий суҳбатлардан бирида "Нега ўзингиз ният қилгандай МГУнинг адабиёт факультетига эмас, Ўрта Осиё давлат университетига кирдингиз?" деб сўраганимда, устоз кулиб: "Бунга ҳам ўша Павел айбдор, у мени шунга кўндирди", деган эди. Унинг айтишича, бизнинг университет ҳам МГУдан қолишмас экан. Бу ердаги домлаларнинг аксарияти Марказдан, Москва ва Ленинград олий ўқув юртларидан келган машҳур педагог олимлар; уларнинг ҳар бири ўзига хос бир дунё, улар орасида марксистлар билан баробар ўзгача қараш, маслакларга эга тилшунос, адабиётшунос, руҳшунос, файласуф педагоглар бор. Ҳамма — ҳаммаси билан танишасиз. Бунинг устига Сиз ёзувчисиз, катта ёзувчи бўлмақчисиз, ёзувчи учун кенг қамровли замонавий билим билан баробар ҳаётий замин ҳам керак. Асарларингиз учун мавзу ва қаҳрамонлар шу заминнинг ўзида, яхшиси, Сиз шу ерда туриб ўқинг, шу ерда туриб ёзишда давом этинг. Мен эса ҳар қандай ёрдамга тайёрман, деб туриб олади бу очиқ кўнғил йигит. Бу маслаҳат бўлгуси адибга маъқул тушади ва енг шимариб ўқиш, мутолаа, ижод оламига шўнғийди.

⁵ ТошДУ илм ва маърифат маркази. Т., Университет, 1995, 48 — 6.

Университет таълими, бу маскандаги жўшқин ҳаёт ёш талаба – ёзувчига кутилганидан ортиқроқ ҳадялар инъом этади. Таржимаи ҳолида адиб мамнуният билан ёзади:

“Ишчилар факультетида мен биринчи мартаба рус адабиёти билан танишдим. Илгари “Бўйи баравар китоб ёзган Толстой” ва “русларнинг буюк шоири Пушкин”нинг номини эшитган эдим, холос. Ишчилар факультетида Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Гончаров, Тургенев, Чехов, Горький, Маяковский, Блокнинг айрим асарлари билан танишдим. Мен булардан айниқса Гоголь, Тургенев ва Чеховга эргашиб асарлар ёзишга жуда кўп уриндим, лекин буларга эргашиб ёзишга ҳали эрта бўлганидан ёзганларим фақат машқ бўлиб дафтарда қолиб кетди. Лекин бу машқлар кейинчалик менга катта фойда берди”⁶.

Бугина эмас. Ишчилар факультетида у турли фанлар, хусусан, фалсафа, руҳшунослик, адабиётшунослик, санъатшуносликка оид рус тилидаги адабиётлар, эндигина русчага таржима этила бошлаган Шопенгауэр, Нитше, Фрейд, Кафка каби алломалар ижоди ва улар ҳақида ёзилган асарлар билан таниша борди. Ёзувчининг уй – музейида сақланиб қолган бир қисм китобларнинг ўзи унинг ўша кезлардаги қизиқиш, тафаккур доираси нақадар кенг бўлганидан далолат беради. Қаҳқор эътибор билан ўқиб ўрганган илмий – назарий китоблар орасида, жумладан, Ф.Виттельснинг “Фрейд – его личность, учение и школа” (1925), Б.А. Грифцовнинг “Теория романа” (1927), И. Лапшиннинг “Философия изобретения” (1922), А.В. Луначарскийнинг “Идеализм и материализм” (1924), К. Эрбергининг “Цель творчества” (1919),

Л. Авербахнинг “Наши литературные разногласия” (1927) каби асарлар бор. Ўз – ўзидан аёнки, китоб, илм шайдоси талаба Абдулла булар билан чекланмай кутубхоналарда ўтириб бу хилдаги бошқа қанчадан – қанча китобларни мутолаа қилган. Аслида ишчилар факультети ҳозирги умумий ўрта таълим сингари тингловчиларни олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлайдиган таълим муассасаси бўлган. Ёш Қаҳқор бу факультет ўқув режасида белгиланганидан бир неча баробар кўп билимларни эгаллаган.

Ишчилар факультетида у шахс сифатида ҳам ўзини кўрсата бошлади, болалигидан “табиатида сингиб кетган ёввойиликка”

⁶Адабиётимиз автобиографияси. 192 – б.

бир қадар барҳам берди, ўзи айтмоқчи, умрида биринчи марта кўпчилиқ олдидан нутқ сўзлаб одамлар эътиборига тушди.

Бир суҳбат чоғи адиб ўша доклад тарихи, тафсилотларини сўзлаб берган эди. Маълумки, Абдулла Қаҳҳорнинг ишчилар факультетида ўқиган йиллари республикада ер – сув ислохотлари ўтказиш даврига тўғри келган. Университет ёшлар ташкилоти ячейкаси фаол талабаларни қишлоқ аҳли орасида бу кампания хусусида тушунтириш, тарғибот ишлари олиб боришга сафарбар этган. Улар қаторида ёшлар ташкилотида муайян муддат ишлаб тажриба орттирган, ҳам журналист, ҳам ёзувчи сифатида танилиб келаётган Абдулла Қаҳҳор ҳам бўлган. Қишлоқ таассуротларини у кейинчалик "Сароб" романида акс эттирган. Олдинроқ мамлакатда кетаётган ижтимоий – сиёсий жараёнлар ҳақидаги маърузасида, жумладан, қишлоқларда ўзи кўрган, дуч келган ҳаётий муаммоларни ҳам кўтаради. Рус тилидаги нутқи охирида тингловчиларга қарата: "Ҳурматли профессорлар, қишлоқда одамлар бизга шундай савол билан мурожаат этишди: "Шўро ҳукумати ҳаммани тенглаштирмоқчи. Тенглаштириш қай тарзда – бойларни камбағал ҳолига тушириш ёки камбағалларни бойлар даражасига кўтариш орқали олиб бориладими?" деб сўрашди. Бу қалтис саволга жавоб қайтаришга қийналдик. Жавобни Сиз азиз профессорлардан кутамиз" дейди. Шунда профессорлардан бири "Абдулла Қаҳҳорович, бу саволга биз ҳам жавоб беришга ожизмиз, унга аниқ жавобни фақат ўртоқ Сталиндангина олиш мумкин" деган... Шу тариқа Қаҳҳор ишчилар факультети тингловчиси чоғидаёқ унча – мунча одам тилга олишга ботинолмайдиган ўткир масалани ўртага қўйишга журъат этган.

Қисқаси, ишчилар факультети уни катта йўлга чиқариб қўйди. Ўзи эътироф этган чин бадиий асар деса деғулик "Бошсиз одам" ҳикоясини ишчилар факультетининг охириги курсида 1929 йили яратди. "Бошсиз одам"да, – деб ёзади у, – ўзим "холис" туриб, ўша вақтдаги ҳаёт лавҳаларидан бирини кўрсатишга ва бунда биринчи марта одамнинг характериға қўл уришга ҳаракат қилган эдим".

Хуллас, университетнинг ишчилар факультетидаги тўрт йиллик ўқиш бўлғуси ёзувчи учун ҳар жиҳатдан тайёргарлик даври бўлди.

⁷ Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Олти томлик. Олтинчи том, 266 – б.

Ишчилар факультетини битирганидан кейин у Қўқонда қишлоқ ўқитувчиларини қайта тайёрлаш курсида муаллимлик қилди. Муаллимлик болалигида кўрган батрақлар, чоракорлар, камбағал деҳқонлар авлоди — бугунги қишлоқнинг янги зиёлилари билан уни яқиндан таништирди. Орадан кўп ўтмай вилоят газетаси "Янги Фарғона"га ишга ўтади. Газета котиби ва ҳажвий бўлим "Чиғириқ"нинг мудирини бўлиб ишлайди, "Чиғириқ"да "Ниш" имзоси билан ҳажвиялар ёзиб туради. Бироқ қадрдон университет даргоҳи бетиним уни ўз қучоғига чорларди. Ишчилар факультетини битирибоқ у университет факультетларидан бирига имтиҳонсиз кириш ҳуқуқига эга эди. Бир оз ўқишга дам бериб ҳаёт ичида бўлгиси келди ва, ниҳоят, бир йил ўтиб яна университетнинг педагогика факультетида ўқишни давом эттирди. Адиб ҳаётда танлаган йўл — филология таълими ҳам ўша кезлари айни шу факультет бағрида бўлганидан педагогика факультети талабасига айланди. Педагогика факультетидаги ўқиш йиллари Абдулла Қаҳҳор учунгина эмас, умуман, ижодкор талаба учун ҳам ғайрату шижоатлар йили бўлди. Аввало, тўрт йиллик ўқишни уч йилда муваффақият билан тугатиб Ўзбекистон Фанлар комитети қошидаги Тил ва адабиёт илмий — текшириш институти аспирантурасига ўтади. Айни пайтда таржима ишлари билан қаттиқ машғул бўлади, рус ва жаҳон адабиётининг ўнлаб асарларини ўзбек тилига таржима этади. Шулар билан баробар бадиий ижод билан астойдил шуғулланади. 1932 йилда "Қишлоқ ҳукм остида" қиссасини, 1933 йили эса "Қотилнинг туғилиши" билан "Олам яшарадур" тўпламларини эълон этади. Бу тўпламлардан ўнлаб ҳикоялар жой олган. Буларнинг устига энг асосийси илк романи "Сароб" устида иш олиб боради. Муаллиф ёзади: "Аввал Ўрта Осиё Давлат университетининг педагогика факультетида, ундан кейин Тил ва адабиёт илмий — текшириш институтинида ўқиганимга, таржима ишлари билан қаттиқ машғул бўлганимга қарамай, "Сароб"ни тўрт йилда ёзиб тугатдим"⁸.

Қатор ҳажвиялар, ҳикоялар, қиссалар устидаги ишлар билан баробар 23 ёшида "Сароб"дек жиддий асарга қўл уриш ва мўътабар қаҳҳоршунос Озод Шарафиддинов айтганидай, "Ўткан кунлар"дан кейинги "иккинчи чўққи" саналмиш роман яратиш чиндан — да мўъжиза бўлди. Асар 1934 йили Ўзбекистон

⁸ Адабиётимиз автобиографияси. 193 — 194 — б.

Республикасининг ўн йиллиги муносабати билан эълон этилган давлат конкурсида иккинчи мукофот билан тақдирланди. Уни китобхон улкан байрамдек хуш қабул қилди.

"Сароб" да муаллифнинг ўзи бевосита ҳаётда, биринчи галда, университетнинг ишчилар ва педагогика факультетларида, қисман, Қўқонда интернат ва билим юртида ўқиган, "Янги Фарғона", "Қизил Ўзбекистон" таҳририятларида, комсомол раҳбариятида ишлаган кезлари дуч келган давраларда юз берган воқеа – ҳодисалар қаламга олинади. Роман икки ёш бош қаҳрамон – талаба Саидий билан Мунисхоннинг бири ташқарида, иккинчиси эса ичкарида туриб, бир пайтнинг ўзида университет эшигини бараварига очиш воқеаси билан бошланади ва шу икки ҳар жиҳатдан баркамол талаба ёшларнинг кўнгилларни энтиктирувчи севги кечинмалари ва саргузаштлари, талабалик ташвишларининг ғоят жозибадор, мароқли ифодаси билан давом этади. Шу тариқа "Сароб" миллий адабиётимизда миллий университетимизнинг эшигини очиб, ўқувчиларни унинг даргоҳига илк бор олиб кирган етук роман сифатида ҳам ғоят қимматлидир. Адиб асарда университетимизнинг ўша кезлардаги манзарасини, ўқув даргоҳидаги маънавий – маърифий иқлимни, ўша йиллари бутун мамлакатда кетаётган "икки тўлқин" кураши, мафкуравий – сиёсий жазава жараёнларини кўз олдимизда жонли гавдалантиради. Таълим тизимига ҳам таҳдид солиб турган расмийчилик, синфий айирмалардан ёшлар дили озор чекади. "Ўзи – ку, бизни илм – урфонга чанқоқ халқ дейди, яна меҳнаткашу номеҳнаткаш деб халқни ажратгани нимаси!.. Балого учрасин!.." дея нола қилади роман қаҳрамони Мунисхон.

Университетдаги кўп ишлар бошқа бир қаҳрамон Саидийга ҳам маъқул тушмайди. У билан бир гурӯпада ўқиганлар ичида яхши, вужудидан қобилият ёғилиб турганлар ҳам бор; минг йил ўқиганда ҳам "нам" ўтмайдиган, аслида жисмоний меҳнат учунгина яратилганлар ҳам бор. Саидий бундан афсусланади: "Шулар ҳам студент! Ўзларигина эмас, ўқишга юборган ташкилотлар ҳам сарф қилинадиган меҳнатнинг бекорга кетмаслигига ишонади!" Саидий кўпдан бери айтмоқчи бўлиб, айтишдан ҳайқириб юрган бир гапни бир куни дарс вақтида кекса бир профессор айтади:

⁹ Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Олти томлик. Учинчи том. 10–6.

"Сиз университетга муносиб эмассиз, — деди у, Саидий "тўнгат" ном қўйган бир йигитга, — бориб кетмонингизни чопинг!..

Кимдир қарши сўз айтган эди, муаллим жеркиб берди:

— Бу фан. Буни декрет билан соддалаштириб бўлмайди!"¹⁰

Бугунги китобхон ҳайрон бўлиб ёқа ушлаши мумкин: бу гапларнинг нимаси нотўғри, хато?! Бироқ куюнчак Саидий ўқиган, ҳақиқатгўй профессор дарс берган кезларда бу жиддий сиёсий — мафкуравий хато, деҳқон синфини камситиш, ҳақорат қилиш саналган. "Тўнгат" билан профессор ўртасида ўтган бу гап бугун университетга доврўқ бўлади ва портлаш юз беради, у ҳақда пролетар студентлар конференциясида гап бўлади, газеталарда ёзилади, ниҳоят профессор университетдан ҳайдалади. Энг ёмони, ҳақиқатпараст, бўлғуси ёзувчи Саидий бу портлашдан чўчиб, ҳатто ўзининг ҳамдарди Мунисхонга ҳам қобилиятсиз кишилар тўғрисида оғиз очмайдиган бўлади; шу тариқа қаҳрамондаги адолат ва шижоат туйғусига дарз кетади.

Биламиз, "Ўткан кунлар" билан "Меҳробдан чаён"да ёшлар севгиси фавқулодда бир маҳорат билан замонавий романтик услубда тараннум этилган, шу тариқа буюк адиб бу борада миллий адабиётимизда янги даврни бошлаб берган эди. Ҳар икки романдаги севишганлар ўз даврининг ҳар жиҳатдан етук маърифатли ёшлари. "Сароб" романи муаллифи айти шу анъанани давом эттиради ва бу борада янги бир саҳифа очишга эришади. "Сароб"даги севишганлар ҳам ҳар жиҳатдан баркамол, маърифатли ёшлар, бироқ Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раънолардан фарқли ўлароқ, булар янги давр — XX асрнинг 20 — йиллари ёшлари. Қодирий қаҳрамонлари орзу қилган "ота — она орзуси" каби тўсиқлардан холи, эркин муҳаббат соҳиблари. Улар бемалол учрашиш, бирга дарс қилиш, дил розларини изҳор этиш имконига эга. Саидий билан Мунисхон Марказий Осиёда ягона замонавий олий таълим маскани — университет талабалари; замонавий жаҳон маданиятидан хабардор, оврўпача тафаккур эгалари; Мунисхон роялда машқлар чалади, икки ёш жаҳоний муаммолар устида баҳслашади; бора — бора бир — бирларига оврўпачасига "сенлаб" муомала қилишга ўтади. Айти пайтда улар ҳеч қачон шарқона одоб, ибо доирасидан четга чиқмайдилар. Улар мана шундай янгича покиза муносабатларни ҳазм қила олмайдиган кимсалар ғийбатидан надомат чекадилар.

¹⁰ Ўша китоб. 18 — бет.

Муниҳон бир ўринда: "Мен ҳайронман,... рус қизлари, йигитлари бир-бирлари билан истаганича иноқ бўла олади, аммо шу ишни биз қилмоқчи бўлсак — гийбат, фитна... ҳақорат..." дея шикоят қилади. Энди Саидийнинг бу шикоятга жавобини эшитиб кўринг:

"— Ҳар бир янгилик қаршиликка учрайди. Ҳар бир янгилик диққатни жалб қилиб, ўзи тўғрисида турли-туман фикрлар туғдиради. Ҳар ҳолда биз эски турмушнинг болаларимиз. Хотин — қизларга қарашимизда ўша эскиликнинг изи бор. Шуларнинг натижаси. Хайр... аҳамияти йўқ. Ўйлашга, сўзлашга арзимайди"¹¹.

Бу гаплар, теран изоҳлар замонавий илғор ўзбек йигитининг, дорилфунун талабасининг даража, савиясидан ёрқин бир далолат!

Бунақа мисоллар асарда тўлиб — тошиб ётибди...

Хўш асарда Саидий билан Муниҳон орасидаги самимий, бокира, мафтункор муҳаббатнинг заволига сабаб нима? Қанақа омиллар бу икки баркамол ёшни ҳалокат чоғи томон олиб борди. Уларнинг орзу — ниятлари, мақсадлари сароб бўлиб чиқишида кимлар айбдор? Роман муаллифи бу хил саволларга жавоб қидиради. Жавоб қидирганда ҳам жўн, бирёқлама осон йўлдан бормади. Олдинда гоёт чигал, мураккаб, зиддиятли ижодий муаммолар турганлигини юракдан ҳис этади. Масала моҳияти, қаҳрамонлар яшаётган давр, муҳит ва вазият ўта мураккаб, зиддиятли бўлганидан муаллифнинг изланишлари ҳам, бадиий таҳлил ва талқинлари ҳам зиддиятли кечиши табиий. Адиб ишчилар факультетида олган билимлари, газеталарда ишлаган кезлари орттирган тажрибалари, ниҳоят, асар устида ишлаш чоғи университет муҳити, жаҳон адабиётидан қилган таржималар жараёнидаги сабоқлар — буларнинг барчаси романнавис тафаккурида эврилишлар юзага келтириши табиий. Қаҳҳор ўз даврининг Чўлпон, Ойбек сингари пешқадам ижодий зиёлилари каби замонавий жаҳон адабиёти, санъатидаги энг янги жараёнлардан, фалсафадаги, руҳшуносликдаги қарашлардан, жумладан, экзистенциализм ва абсурд хусусидаги таълимотлардан хабардор эди. Айни "Сароб"га ҳамоҳанг "Тинч Дон", "Клим Самгиннинг ҳаёти" асарларини пешма — пеш ўқиб, кузатиб борди, ҳатто персонажлар руҳияти "онг оқими" услубида таҳлил этилган "Клим Самгиннинг ҳаёти" эпопеясининг

¹¹ Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Олти томлик. Учинчи том. 35 — 6.

каттагина қисмини таржима ҳам қилди. Жаҳон адабиётидаги анъанавий реализмнинг бой сабоқлари билан баробар аср бошида улкан оқимга айлана бошлаган модернизм тажрибалари ҳам "Сароб"да ўз зуҳрини топди. Муаллиф роман устида иш олиб борган чоғларда соцреализм ҳали қонун тусини олмагани сабаб, бу асар унинг таъсиридан омон қолди. Кейинчалик танқидчилик "Сароб"ни соцреализмдан четда турувчи "буржуа" объективистик реализмга мансуб асар деб баҳолаши тасодифий эмас.

"Сароб" бош қаҳрамонларининг фожеий қисматида ижтимоий омилларнинг таъсири катта эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Октябрь тўнтаришидан сўнг мамлакатда авж олган бир миллат фарзандларини иккига ажратиб ташлаган синфий жазава, "икки тўлқин" кураши ҳар қадамда қаҳрамонлар қисматида таҳдид солиб туради; оддий темирчи фарзанди Саидий билан бадавлат хонадон қизи Мунисхон орасидаги муҳаббат бошда ҳеч қанақа айирмалар, тўсиқ, манфаат, тамаларсиз соф кўнгил майли сифатида гунча тугиб очилади, кўнгилларга чексиз сурур бахш этади. Қарангки, охир — оқибат кўзга кўринар — кўринмас ижтимоий — синфий манфаатлар шу бегубор туйғу, инсоний мулоқотларга раҳна сола бошлайди. Бироқ, шуниси характерлики, роман муаллифи буни персонажлар қисматидаги фожианинг бош омили деб қарамайди. Асарни синчиклаб ўқисангиз, персонажлар, хусусан, Саидий руҳиятидаги жараёнларни эътибор билан кузатсангиз, ҳамма бало аввало унинг ўзида, табиатида, ботинида эканига иқрор бўласиз. Айни экзистенциалист қаламкашлар каби ёзувчи мураккаб, чигал вазиятга тушиб қолган бош қаҳрамоннинг туғма, табиатан қандай бўлса шундайича намоён этади. Аллоҳ Саидийга бир бандани мўмин йигит учун нима зарур бўлса барчасини берди — унга замонасининг энг олий ўқув даргоҳида ўқиш, гўзалликда танҳо қизни севиш, севилиш насиб этди. Унда журналистикага, ёзувчиликка иқтидор ҳам мавжуд, бу иқтидорни рўёбга чиқариш имкониятлари ҳам муҳайё. Атрофида уни ҳимоя қиладиган ёру биродарлар ҳам етарли. Афсус, бу бандани ожизда мақсад йўлида изчиллик, қатъият, сабот, ўз тақдири учун курашиш иқтидори етишмайди. Табиатидаги одамовилик, лоқайдлик, ихтиёрни ўз қўлига ола билмаслик туфайли бирин — кетин мавжуд имкониятларнинг барчасини бой бера бошлайди. Ҳаётда салгина тўсиққа учраши билан ниятидан қайтади, бошлаган бирор ишини охирига етказа билмайди: шўро одамлари ичида юриб шўро одами, аксилинқилобий миллатчи гуруҳга яқинлашиб

аксилинқилобчи ҳам бўлолмайди; ёшлар ташкилотига аъзо бўлиб, охири ундан безади, журналистика, ёзувчиликда ҳам аро йўлда қолиб кетади, таржимонликни шунчаки тирикчилик касбига айлантиради. Энг ёмони, Аллоҳ инъом этган буюк неъмат, севгиси, севгилисини ҳам асрай билмайди, уни бутунлай бой беради.

Далил тарзида романдаги икки лавҳани эслайлик. Ошиқона мулоқотлар авжига чиққан бир лаҳзада Саидийнинг ҳазил — мутойиба аралаш жиддий лўтфига жавобан Муниسخон бехос "Мен сенга тегмайман — да!" деб юборади. Шунда Саидий мана бундай ҳолатга тушади:

"Саидий балаңд ердан боши билан тушгандай кўзига юлдузлар кўринди, аммо сирни бой бермасдан, Муниسخоннинг юзига қараб илжайди. Ўнғайсиз жимлик ҳукм сурди! Гириллаб турган шабада очик қолган китобни варақлаб, устидаги гулни ерга туширди, қоғоз парчаларини учириб кетди"¹².

Шу биргина гап туфайли Саидий, у қайси маънода айтилгани хусусида теран мулоҳаза юритиб кўрмай, худди китоб устидаги гул ҳолига тушади, секин — аста қиздан узоқлаша боради. Охири Саидий ҳам, Муниسخон ҳам кўнгли тиламаган кимса билан турмуш қуришга рози бўладилар. Бу дақиқалардаги икки ёшнинг алам — ўкинчлари, кўнгил фарёдлари ўқувчини ларзага солар даражада маҳорат билан ифода этилган. Мана бу парчани ўқиб кўринг — а: "Муниسخон биринчи мартаба ўз — ўзига Саидийни севганини қаттиқ товуш билан айтди: юзини гижимлаб, куюниб йиғлади ва чидолмаган минутларининг бирида ўзини каравотга кўтариб урди. У аввал ўзини ўлдирмоқчи бўлди..."¹³. Саидийнинг ҳоли бундан ҳам баттар. Улар ана шундай танг вазиятда бир бирига тўқнаш келадилар. Орада гина — кудурат бўлиб ўтади:

"— Бунинг ҳаммасига сен сабаб бўлдинг, — деди Саидий ерга қараб, — шундай қилдингки, ўзинг ҳам йиғладинг, энди мен ҳам йиғлайман...

— Сен ҳам сабаб бўлдинг. Нега бўлмаса ўзинг... индамадинг?

— Мен индамадимми? Индамадимми? Эсингда борми, ҳу ишчилар шаҳарчасининг боғида дарс тайёрлаб ўтирганимизда нима деган эдинг? Кўрқиб — кўрқиб гашнинг учини чиқарганимда "мен сенга тегмайман" демаганмидинг?... Шундан кейин оғиз очгани юрак қилолмадим...

— Албатта. Айб ўзингда. Мен сенинг қўлингда эдим. Нима қилсанг қилар эдинг..."¹⁴

¹² Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Олти томаик. Учинчи том. 39 — б.

¹³ Ўша китоб. 195 — б.

¹⁴ Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Олти томаик. Учинчи том. 197 — б.

Дарҳақиқат, айб Саидийнинг ўзида. У муҳаббати учун курашмади, курашолмади. Фақат севги бобида эмас, ҳамма жабҳада инсон – ихтиёрини бутунаси тақдир ихтиёрига топширди, ўзини қўлга олиш, ўз тақдири учун курашга яроқсиз бир кимса бўлиб чиқди. Унинг фожиаси ана шунда! Аслида булар учун уни бутунлай айблаб бўлмайди. У табиатан шундай туғилган, кўнгил одами, ҳеч қачон кўнглига зид иш туюлмади. Ёзувчи ҳам уни тушунади, ошкора қоралаш ёки оқлаш йўлидан бормади, холис туриб ҳаётда қандай бўлса, шундайича беради.

Романдан келиб чиқадиган асосий хулоса, менингча, шундан иборат. "Сароб" айрим ҳамкасбларимиз даъво қилганларидек, шунчаки "замон ва сиёсат талаби" билан битилган "сиёсий роман" эмас, балки у хазон бўлган муҳаббат, увол бўлган умр қиссасидир, аслида бахт учун туғилган, аммо табиатидаги ожизликлар туфайли ҳаётда чалғиган, ўртанган қалбларнинг фожиали қисмати, руҳий изтироблари ҳақидаги умумбашарий аҳамиятга молик асардир.

Адиб таржимаи ҳолида "Сароб"ни "китобхон хуш қабул қилди, лекин баъзан арзон шухратпарастлик, баъзан сиёсий демагоглик, баъзан эса тўғридан – тўғри жаҳолат натижаси бўлган танқид найза кўтариб қарши олди. Бу нарса баъзи ҳолларда ҳатто фаросатли одамларни ҳам чалғитди"¹⁵ деб ёзади. Кейинроқ бир суҳбатида эса афсус – надомат билан: "Танқид шу пайтга қадар "Сароб"дан нуқул сиёсат излади. Романдаги одамларнинг дарди – дунёсини, оҳу зорини эшитадиган бир азамат топилмади", деган эди.

Ниҳоят, адибнинг орзу – армонлари ушаладиган, "Сароб"нинг чинакам бисотини, умумбашарий моҳиятини очиб кўрсатадиган замонлар келди. Адибнинг Қодирий романлари хусусидаги машҳур сўзлари унинг талабалик даврида яратган "Сароб" романига ҳам тўла – тўқис даҳлдор: "Сароб" янги давр адабиёти, Европа адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли асардир.

Хуллас, Абдулла Қаҳҳор университетнинг ишчилар факультетидаги таълим жараёнида янги замон зиёлиси сифатида ҳар жиҳатдан ҳаётнинг катта йўлига чиқиб олган бўлса, педагогика факультетидаги ўқиш, жўшқин ижодий фаолият, хусусан, "Сароб" романи орқали адабиётнинг катта йўлига тушиб олди. Фақат шугина эмас, университетдаги талабалик йиллари бу нодир асар учун ёниқ илҳом, ҳам мавзу, ҳам қаҳрамонларни инъом этди.

¹⁵ Адабиётимиз автобиографияси. 194 – б.

МАФКУРАВИЙ–СИЁСИЙ ТАЗЙИҚ ВА ИСТЕЪДОД ҚУДРАТИ

Истиқлол берган энг муҳим неъматлардан бири шуки, у ижод, илм аҳлини узоқ давом этган яккаҳоқим мафкура тазйиқларидан халос этди, фикр эркинлиги учун кенг йўл очиб берди. Фанда, жумладан, адабиётшуносликда «тақиқланган», «ман этилган» ҳудудларни бартараф этди, энг мураккаб, чигал мавзу – муаммолар устида ҳам бемалол баҳс – мунозара юритиш, турлича талқинлар, хилма – хил қараш – фаразларни илгари суриш имкониятлари туғилди.

Яқин кечмиш, аниқроғи, шўро даври адабиёти тарихининг чигал, мунозарали жиҳатларидан бири улкан сўз усталари ижодий тақдирида тоталитар мустабид тузум адабий сиёсатининг асоратлари, айна пайтда ўшандай мафкуравий – сиёсий тазйиқ шароитида чин истеъодларнинг фавқулодда ижодий жасорати масаласидир.

Инглиз адиби Жорж Оруэлл «Адабиёт ва тоталитаризм» мақоласида таъкидлаганидек, тоталитаризм фикр эркинлигига шунақа тажовуз қилдики, буни авваллари тасаввур ҳам этиш мумкин эмасди; унинг фикрни назорат қилиши фақат тақиқлаш мақсадларини эмас, балки муайян режаларни назарда тутди; у нафақат айрим фикрларни ифодалашга қаршилиқ қилади, балки нималар ҳақида ўйлаш лозимлигини уқтириб туради, шахс қабул қилиши лозим бўлган мафкура яратилади, унинг ҳис – туйғуларини бошқаришга тиришилади... Адиб «Биз учун муҳими, ана шундай муҳитда адабиёт яшай оладими», деган савол қўйиб, «Йўқ!» дея қатъий жавоб қайтаради. Унингча, ижод бу, энг аввало, туйғу, туйғуни эса мутлақ назорат қилиш мумкин эмас, агар ёзувчига эркинлик берилмаса, ижодий инстинкт ўз – ўзидан йўқолади... Бу фикрлар 1941 йили айтилган. Ўша давргача ва ундан кейин тоталитар режим ҳукм сурган мамлакатлар адабий ҳаётидаги кўплаб мудҳиш ҳодисалар адиб фикрини тасдиқлайди. Айна пайтда, бадиий ижод, адабий жараён шундай сирли – сеҳрли ҳодисаки, унда улуғ адиб фикр – ҳукмига зид ҳоллар ҳам юз берди. Тоталитар режим адабий сиёсати таҳдид солиб турган йилларда, гарчи бу таҳдид, тазйиқ, адиблар ижодий

тақдирида чуқур асоратлар қолдирган бўлса — да, чин истеъдод эгалари ўшандай машғум замонда ҳам ўзлигига содиқ қолиб, юксак санъат намуналари яратганликлари чиндан — да ноёб ҳодиса. Машғум 30 — йиллар шароитида дунёга келган Ойбекнинг дилбар лирикаси, Абдулла Қаҳҳорнинг мумтоз ҳикоялари, «Кеча ва кундуз», «Қутлуг қон», «Шум бола», «Сароб» каби ўлмас асарлар бу фикрни тўла тасдиқлайди.

Абдулла Қаҳҳорнинг — 30 — йиллар бошларида, эндигина бир — иккита дуруст ҳикоя яратган, ҳали ёзувчи сифатида элга танилмаган ёш қаламкашнинг «Сароб»дек роман ёзишга журъат этиши ва муваффақияти худди Қодирининг ижодий жасорати — илк романи каби ҳайратомуз ҳодиса бўлди. Агар Қодирий илк романида мозийга қайтиб иш кўрган, тарихимизнинг энг мураккаб, қалтис палласи ҳақида одамларни ўйга толдирувчи, ҳаяжонга, ларзага солувчи асар яратган бўлса, Қаҳҳор замондошлари, 20 — йилларнинг чигал, зиддиятли ҳодисалари ҳақидаги ўқувчини баҳсларга чорловчи ғаройиб етук роман ёзди. Дунё юзини кўрган пайтида ҳам, ундан кейин ҳам XX аср ўзбек адабиёти тарихида бу қадар кескин, бир — бирига зид баҳс — мунозараларга, хилма — хил талқинларга асос берадиган, ғоявий — мафкуравий, сиёсий жиҳатдан ўткинчи, ожиз, чекланган ўринлари бўлишига қарамай, йиллар талотумларидан омон ўтиб ўзининг бадиий қимматини сақлаб қололган бошқа бирор йирик асарни кўрмаймиз.

30 — йилларда қалам тебратган улкан сўз усталарида бўлгани каби Қаҳҳорда, жумладан, унинг ўша йиллар маҳсули «Сароб» романида замонасининг ҳукмрон расмий мафкураси таъсири мавжуд. Адибнинг ўзи таржимаи ҳолида «Сароб»нинг ёзилиш сабаби ҳақида тўхталиб шундай дейди:

«Буюк бурилиш йили бошланди. Шаҳарда нэпман, қишлоқда муштумзўр жон талвасасига тушди. Тақдир мени шу душман синф вакиллари бўлган эски ва «янги» зиёлилар, ўзини миллат ҳомийси, миллатчи деб атаган бир гуруҳ ватан хоинлари билан учраштирди... Қўлимга янги қалам олганимда буржуа миллатчилиги ҳақида кўрган ва билганларимни тенгқурларимга, бутун халққа айтишга шошилдим. Мен адабиёт кураш қуроли бўлишига ҳеч қачон бунчалик зарурат ҳис қилмаган эдим».

Жуда кўп фактлар, кейинги кузатиш, тадқиқотлар шундан далолат бераётирки, «буюк бурилиш йили» деб аталган палла А.Қаҳҳор айтганидан ўзгача — мамлакат тарихида улкан фожиа,

мусибатлар даврининг бошланиши бўлди, қолаверса, шаҳарда нэпман, қишлоқда муштумзўрларнинг жон талвасасига тушиши – тоталитар маъмурий буйруқбозлик системасининг жиддий қўпорувчилик сиёсати оқибати эди. Дин ва дин аҳлларига қарши суриштирмай ёппасига уруш эълон этиш, ғазаб ёғдириш халқимиз, маънавиятимиз, маданиятимиз учун қанчалик қимматга тушгани, эндиликда ҳаммага аён. Ёзувчи назарда тутган, «дин ва дин аҳлларига қарши» кўксига йиғилиб ётган алам ҳам, «буржуа миллатчилиги ҳақида кўрган ва билганлари»ни тенгқурларига, бутун халққа айтишга шошилиши, бунда «адабиёт кураш қуроли бўлиши»га ўзида зўр зарурат ҳис этиши – барча – барчаси роман ёзилган 30 – йиллар бошларидаги фожиавий даврнинг истеъдодли ёзувчиси онги, ижодий мезонларига салбий таъсири эди. Бу ҳол, бу кайфият муайян даражада «Сароб» романида ўз ифодасини топди. Романда ёзувчи бир ёқламалик билан бир гуруҳ «синфий душман», яширин аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти аъзолари, бу гуруҳнинг шўро тузумига қарши уюштирган «фитна»си, «қўпорувчилик ишлари», адабиёт, маданият, матбуот соҳасидаги «аксилнқилобий ҳаракатлари»ни фош этишга уринади. Муродхўжа домла образини мустасно қилганда, бу гуруҳ вакиллари, уларнинг ёвуз ниятлари, қўпорувчилик фаолияти бир қадар яланғоч, хийла юзаки берилган; яширин ташкилотга оид тафсилотлар анчайин жўн, нўноқлик билан битилган детектив саргузаштларни ёдга туширади. Муаллиф бу ўринларда тадқиқотларда таъкидланганидек, 30 – йиллар бошларида майдонга келган «аксилнқилобий жинорий ҳаракатларни фош этиш»га қаратилган айрим манбалардан фойдаланган, ўша манбалар руҳига мос тарзда ёзувчи адабиётни фақат синфий душманга қарши кураш қуролига, уларга нисбатан қаҳр – ғазаб туйғларини ёғдириш воситасига айлантиради. Ҳолбуки, сўз санъати етук реалист ёзувчи қўлида ҳар доим синфий – мафкуравий кураш қуроли эмас, ҳодисаларни, ҳатто душман деб санаган синф, табақа одамларини ҳам ҳалол, объектив кўрсатиш, холисона бадиий таҳлил этиш, ҳодиса моҳиятини очиб бериш воситаси бўлиб келган. Адабиётимиз бахтига етук реализм анъаналари руҳида яратилган «Сароб» адиб даъво қилганидай, фақат душман синф одамларини нуқул қаҳр – ғазаб билан фош этувчи саҳифалардан иборат эмас. Аслида бу хил ўринлар асарда нисбатан оз. 63

бобдан иборат романнинг (учинчи нашри) бор — йўғи ўнга яқин бобида шундай лавҳалар бор.

Шуниси характерлики, 30— йилларда вульгар социологизм оғуси билан заҳарланган танқидчилар эътиборини биринчи гада асардаги аксилинқилобий миллатчилик билан боғлиқ худди ўша нисбатан заиф, яланғоч, қуруқ фош этувчи саҳифалар ўзига тортади ва романи улар бошда «буржуа миллатчилигини фош этувчи асар» сифатида олқиш билан қарши оладилар. Бироқ орадан кўп ўтмай романга муносабат ўзгара бошлайди. Романда улар илгари ўйлангандан кўра жиддийроқ ва муҳимроқ жиҳатлар борлигини англай бошлайдилар. Ҳаммадан бурун асар бош қаҳрамони — улар назаридаги синфий душман, миллатчи Саидийнинг тақдири ва талқини, қолаверса, миллатчиларга қарши турган ижобий қаҳрамонлар фаолияти мутлақо қониқтирмайди. «Сароб»га бағишланган муҳокамаларда, қатор тақризларда ёзувчи Саидийга хайрхоҳлик билдиради, «Романнинг бош қаҳрамони Саидий ўтакетган миллатчи бўлишига қарамасдан, ёзувчи уни мақтайди, уни ўқувчига мумкин қадар яхши кўрсатишга, ўқувчини Саидий изидан эргаштиришга тиришади...» (К.Мусаев); «Саидийга ачиниш туғдириши буржуа миллатчиларига нисбатан нафрат туғдирмайди, балки ҳушёрликдан тойдиришга олиб боради, бу — ёзувчининг хатосидир» (Ю.Султонов), дея айюҳаннос соладилар. Бутина эмас, Саидийнинг маъшуқаси Мунисхондаги нури жиҳатлардан ҳам ўша танқидчилар ғазаб отига минадилар, муаллифнинг миллатчи қизи, аксилинқилобчи синглиси, миллатчи йигит маъшуқаси «Мунисхонга муҳаббат билан қарашни»ни тоқат қилиш мумкин бўлмаган бир ҳол, адибнинг яна бир жиддий ғоявий хатоси деб биладилар.

Ҳолбуки, худди ўша масалада, романнинг бош қаҳрамонлари Саидий, Мунисхон характерлари, тақдири, руҳий олами бадиий тадқиқи, талқинида асарнинг асосий руҳи, реалистик қудрати, умуман, реализмнинг сеҳрли кучи намоён бўлган; муаллиф ўз шахсий майли, ўша кезларда таянган ақидалари, даврнинг ҳукмрон расмий мафкурасига зид ўлароқ реал ҳодисанинг объектив манзарасини акс эттирган, ҳодисаларни, бу одамларни бор мураккаблиги, мусбат ва манфий томонлари билан холисона кўрсатган. Ёзувчи ҳар қанча қоралашга, фош этишга уринмасин, ҳушёр, дидли китобхон Саидий, Мунисхонларни тўғри тушунадилар. Аллоҳ уларни шу тарзда яратганлигини, улар оғир

қисматта мубтало эканини, қолаверса, давр, мураккаб зиддиятли муҳит, шароит қурбони бўлганликларини кўриб, ҳис этиб туради, беихтиёр уларга ачинади, уларнинг ташвиш, алам — изтиробларига шерик тутинади.

«Сароб» романида ёрқин, курашчи ижобий қаҳрамонларнинг йўқлиги, борлари эса заиф чиққани ҳақида кўп танқидий гаплар айтилди. Айни пайтда, бу борада ёзувчини оқлаш учун ҳар хил баҳоналар излаш, мавжуд ижобий кучлар ҳам чакки эмас, дея ўзини овултириш ҳоллари ҳам бўлди. Бироқ бу хусусда муҳим ҳақиқатни айтишга ҳеч ким журъат этолмади. Хўш, қатор танқидчилар назарида «душман синф, миллатчи тимсоли бўлмиш Саидий»га ва унинг теварагидаги бир гуруҳ шахсларга қарши кураш олиб бориши, уларни тор — мор этиши лозим бўлган курашчи қаҳрамонлар кимлар бўлиши мумкин эди? 20 — 30 — йилларга оид архив ҳужжатларидан, ўша йиллари матбуотда босилган, бутунгача сақланиб қолган мунозара материалларидан, кўпдан — кўп танқидий руҳдаги мақолалардан маълумки, ҳақиқатдан ҳам ҳаётда Саидий типидagi зиёлиларга қарши аёвсиз кураш олиб борган, уларни ер билан яксон этган, кейинроқ қатағон қилинишига замин ҳозирлаган ҳужумкор кучлар, улар олиб борган кураш усули ижодий зиёлилар, адабиёт учунгина эмас, умуман, халқ, жамият учун оғир кўргилик бўлгани эндиликда ҳаммага аён. Нега буларни яқиндан билган, бевосита бу ҳодисаларга шоҳид бўлган Қаҳҳор романга шундай курашчилар образини киритмади? Нега романдаги Кенжа, Эҳсон, Шафрин сингари ижобий кучларда шунақа жангарилик йўқ, аксинча, улар анчайин майин — мулойим, Саидийга нисбатан мурувватли одамлар?! Жангари қаҳрамонларни асарга олиб кирмаслик фақат роман поэтикасининг ўзига хослиги билангина изоҳланмаса керак. Ҳарҳолда Қаҳҳордек реалист санъаткор бу хил расмий мафкура билан қуролланган, синфий рақибларни асло аямайдиган жангари курашчиларнинг ҳақиқий башарасини билган, лоақал холис реалист савқи табиий сажия орқали беихтиёр англаган. Эҳтимол, бундай шахсларни асло ижобий қаҳрамон қилиб бериш мумкин эмаслигини, айни ўша кезларда улар ҳақида бор ҳақиқатни айтиш, ифодалаш мушкул эканини тушунган, ҳис этган ҳолда, яхшиси, бундай шахсларни асарга киритишдан ўзини тийган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Балки, бу ҳам ёзувчининг гуманизм, реализмга садоқати оқибатидир.

80–90–йиллар танқидчилигида «Сароб» романидаги «аксилнқилобий миллатчилик» билан боғлиқ масала яна кўтарилди: «Сароб» муаллифи замонасозликда, «ўткинчи ақидалар, муваққат мезонлар, юқори доираларнинг кўрсатмаларида уқтириб ўтилган ҳақиқатларга таяниб ижод қилган»ликда (О.Отахонов) айбланади. Танқидчи Р.Қўчқоров «Сароб» романининг ижодий тарихи, яратилишига туртки бўлган манбалар таҳлилига бағишланган ишида «миллий зиёлиларнинг буржуазия кетидан кетганлиги... бутун романнинг етакчи пафосини ташкил этади», асар «замон ва сиёсат талаби, муаллифнинг пировард мақсади, ҳатто омма онгу шуурига таъсири нуқтаи назаридан ҳам конкрет сиёсий романдир», «20–йилларда иш кўрган аксилнқилобий, миллатчилик ташкилотларининг «кирдикорлари»ни бадий ишонарли фош этиш романнинг бадий гоъвий фундаментини ташкил этади... бутун асар мана шу асос устига қурилган» деган хулосага келади¹.

Устоз танқидчи О.Шарафиддинов эса бу қарашга зид ўлароқ: «Роман матнини синчиклаб кўздан кечирилса, босиқлик билан таҳлил қилинса, миллатчиликни фош этиш адибнинг асосий гоъвий нияти бўлмагани аён бўлади. Ҳатто Саидий учун ҳам миллатчилик асосий, етакчи, доимий сифат эмас. У йўл – йўлакай миллатчи бўлган ва уни ҳалокатга олиб келадиган омил ҳам миллатчилик эмас. Ҳарҳолда Саидий биринчи навбатда, худбинлик қурбони бўлади»², – деб ёзади. Р.Қўчқоров ўз ишида «Сароб» муаллифи аксилнқилобий ҳаракатларни фош этувчи манбалардан баракали фойдалангани, ҳатто уларни ўзлаштириб, кўчириб олгани хусусида кўплаб далиллар келтиришга ҳарчанд уринмасин, роман ўша манбалар руҳида ёзилган деб даъво қилмасин, бундай уринишлар асар моҳиятига айтарлик таъсир кўрсатмайди. Мабодо «Сароб» илмий – публицистик рисола бўлганида Р.Қўчқоров танқиди туфайли умри тугаган, кўчирмачилиқдан иборат бир нарса сифатида узил – кесил фош этилган бўларди. Ҳолбуки, «Сароб» биринчи гада роман, санъат асари. Танқидчи келтирган далиллар эса «Сароб»даги аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти аъзолари фаолиятига оид нисбатан заиф саҳифалар тўғрисидаги мавжуд танқидий

¹Р.Қўчқор. Мен билан мунозара қилсангиз... Т., «Маънавийт», 1998, 20, 34, 50 – бетлар.

² XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Т., «Ўқитувчи», 1999, 269 – бет.

мулоҳазаларни яна бир бор тасдиқлайди, холос. Романдаги асосий нарса — ундаги етакчи қаҳрамонларнинг қисмати, руҳияти таҳлили масаласидир. Бу роман, биринчи гада, хазон бўлган муҳаббат, увол бўлган умр достони, икки кўркем ёшнинг бир — бирига муносиб, аслида бахт учун туғилган, аммо табиатидаги ожизликлар туфайли ҳаётда чалғиган, адашган қалбларнинг аччиқ фожиали қисмати, руҳий изтироблари ҳақидаги асар сифатида ўқувчини ҳаяжонга солади.

Саидий билан Мунисхон муҳаббати, улар умрининг заво­лотопишида, шубҳасиз, бу ёшлар тушиб қолган шароит, вазиятнинг, зиддиятларга тўла даврнинг ҳиссаси, таъсири катта, айни пайтда инсон боласи номукамал бир зот. Тақдири азалнинг ўйиними, пешонага ёзилганининг рўёбга чиқишими ёки инсоний ожизликлар оқибатидами — рўй берган омадсизлик ва бахтсизликлар учун биринчи гада уларнинг ўзлари айбдордирлар; ўз тақдирларига нисбатан лоқайдлик, худбинлик, мақсад йўлида собитсизлик, мутелик, ихтиёрни ўзгалар қўлига тошшириб разолат билан иттифоқ тутиниш, бундан ҳам ёмони разолатга кўникиш инсон боласи учун энг оғир гуноҳ, кўргилик, катта фожа. Асарда биз Саидий ва Мунисхоннинг аччиқ севги ва умр савдоси, руҳий изтироблари, драмаларга тўла қалб дафтари билан танишиб аламли ўйларга толамиз. Бу жиҳатдан «Сароб» жаҳон адабиётидаги айни шу хил руҳий фожиалар тасвир ва таҳлил этилган энг етук асарлар билан бир қаторда туради. «Сароб»дан кейин XX аср ўзбек адабиётида «Сароб» таъсирида, унга эргашиб ёзилган бахтсиз севги, адашганлар қисматидан ҳикоя қилувчи талай асарлар пайдо бўлди, улар орасида ўқувчиларга маъқул бўлганлари ҳам бор. Аммо, очиги, уларнинг ҳеч бири бу масалаларни умуминсоний дард — алам, қалб драмаси, фарёди даражасига кўтара олмади.

Эрих Фромм «Франтс Кафканинг «Жараён»и» мақоласида жаҳонга машҳур бу роман бош қаҳрамони ва унинг фожиаси сабабларини таҳлил этиб қуйидаги жиҳатларга эътиборни тортади: Йозеф К. «ривожланишдан тўхтаган» кимса, «бировнинг қўлига қараган» одамдир; «унинг барча ишқу амали бошқаларга музтар бўлишга қаратилган, у ҳеч қачон бировга нимадир беришни ёки ўзи чора — тадбир излаб топишни мақсад қилмаган», ўзгаларга қарам одам; «Муаммо унинг ўзида, ботинида экани, ўзини фақат ўзигина халос эта олишини ўзи

тушунмаган» шахс; «Ҳаёти самарасиз ўтаётганини ва тобора таназзулга юз тутаётганини ғира – шира англайди», бироқ бунинг олдини олишга қурби етмайди; «аслида эса у ўзи учун, ўзининг инсоний шарафи учун курашмоғи лозим эди»; «К.нинг аҳволи қоронғуда бировнинг ёрдамисиз йўл тополмайдиган одамнинг фожiali тараддудидан далолат беради...»

Рамзлар воситасида ёзилган «Жараён» қаҳрамони – XX аср бошларида яшаган, Саидийга замондош бўлган ёш зиёли йигит ҳақида айтилган бу сўзлар изчил реалистик йўлда битилган «Сароб» романига, унинг қаҳрамонига ҳам ҳайратда қолар даражада даҳлдордир. Мана шу муштараклик ҳам «Сароб»нинг умумбашарий аҳамиятига молик асар эканини тасдиқлайди.

Романда Саидий билан Мунисхонни ҳалокатга олиб келган руҳий маънавий омиллар, жумладан, улар табиатига хос худбинлик, шахсиятпарастлик, шуҳратпарастлик ҳақида кўп ёзилди. Бунинг учун муайян асослар бор, албатта. Бироқ романдаги етакчи қаҳрамонлар характери биз аввал тасаввур этгандан кўра серқирра, маъно, моҳият жиҳатидан хийла сержилло. Етакчи қаҳрамонлар, биринчи галда, Саидий характери, руҳияти, хатти – ҳаракатлари, қисмати синчиклаб кузатилса, табиатига хос энг характерли жиҳат унда қатъият – сабот, «шахси бутунлик», мустақил фикрлаш ва иш тутишининг етишмаслигида эканига иқрор бўласиз. Саидий ёзувчи насридаги етакчи персонажлар каби ҳаёт шафқатсизликлари топтаб ташлаган, хўрланган, таҳқирланган, муте, итоаткор, омадсиз шахс. У «Сароб»дан олдин ёзилган «Бошсиз одам» ва ундан кейин яратилган «Бемор», «Ўғри», «Анор», «Ўтмишдан эртақлар» қаҳрамонларининг бошқа бир шароитдаги, йирик жанрдаги «онгли» – зиёли қиёфасидаги кўринишидир. Гарчи Саидий зиёли – журналист, ёзувчи бўлса – да, моҳиятан Сотиболди, Туробжон, Қобил бобо, Бабарлардан айтарли фарқ қилмайди... Унда Аллоҳ берган бир инсон боласига лойиқ ақл – идрок, инсоний туйғу, ҳусн, куч – қувват бор, бироқ унда қатъият, сабот йўқ. Чўлпон иборалари билан айтганда, муҳит гирдобида бир сомон парча, ҳаёт оқимида бамисоли оқар сув юзасидаги похол чўпдек қалқиб боради, ҳар амал, ҳар ишни «ҳақ» деб билади ва шу тариқа вазни – қадрини бой беради. Бошлаган бирор ишини, орзу – ният йўлидаги интилишини охирига етказмайди: ўқишни ора йўлда ташлаб кетади; комсомол сафида, шўролар идорасида ишлаб, улар тарафида туриб ҳам

бунни ёлчитмайди, шўро одами бўлолмайди; аксилинқилобий миллатчилар гуруҳи томон оғиб, ношудлиги, оғзи бўшлиги туфайли бу ерда неча бор қовун туширади; ташкилот топшириғига кўра янги одамлар топиб, янги гап бошлашга чоғланади, «кечалари ўйлаб ётиб, кимнинг олдига бориш ва қандай қилиб гап бошлаш тўғрисида маълум қарорга келади, аммо тонг отгандан кейин муваффақият қозонишга шубҳаланади, у кишининг олдига боргани отланганида эса, ўзини тамоман ожиз сезади». Давраларга кирганда ҳам биров ўргатган сўзларни майнадай такрорлайди. Ёзувчилик истеъдодини руёбга чиқариш бобида ҳам ланжлик қилади. Ижодда ҳам нуқул бировларнинг иродаси, маслаҳати, тақдим этган мавзуси, тузиб берган плани асосида иш кўради, гоҳ у, гоҳ бу ижтимоий – сиёсий гуруҳ қўлида қурол бўлаётганидан хижолат тортмайди. Унда чин истеъдод соҳиби учун зарур шарт – журъат, жасорат етишмайди. Озгина қаршиликка дуч келдими, дарҳол ижодий ниятидан воз кечади. Биргина мисол. Саидий қишлоққа борганида у ерни ёқтириб қолади, ер – сув ислоҳотига хайрхоҳлик кўрсатиб, у ҳақда роман ёзишга чоғланади. Шу орада бир баҳсда айтилган «Ислоҳот ўзбек қишлоқларини хароб қилади», «Ислоҳот ёмон десангиз романингиз босилмайди, яхши десангиз...» тарзидаги мулоҳазалар туфайли дарҳол фикри ўзгаради – қолади. «Шу дамда ўзининг бошлаган романидан шунча совидики, давом эттириш учун бир калима сўз топаолишига ҳам кўзи етмас эди» деб ёзади муаллиф.

Бу йигит шахсий – интим ҳаётда ҳам ўта нўноқ. У гўзал қиз Муниسخонга кўнгили бериб, унинг меҳрини қозонади. Севги деб аталмиш илоҳий неъмат нашидасидан баҳраманда бўлиш имконияти туғилади: ҳаётидаги энг қувончли, тотли онлари унинг Муниسخон билан илк учрашув, мулоқот дамларидир. Бироқ мана шу бахтни ҳам асраб қолишга қурби етмайди. Бу ношуд, нотавон бандайи мўмин хомхаёлларга учиб, китоблардагидай фаровон турмушга эришиш, машҳур ёзувчи бўлиб етишиш орзусида таянч – шароит қидириб Муродхўжа домла хонадонига ичкуёв булиб келади. Муниسخондек фаришта қолиб, ўз тақдирини Сорахондек тасқара билан боғлайди. Бу ҳол Саидий табиатидаги ожизлик, субутсизлик, ҳаётда йўл қўйган хатоларнинг энг каттаси ва хатарлиси, шахсий инқирозининг авж нуқтасидир. Энг ачинарлиси, Саидий ҳаётида

нималар юз бераётганини билиб, бу ҳақида ўзига ҳисоб бериб, оқим ўзини қаёққа олиб кетаётганлигини гира — шира фаҳмлаб туради, шунга қарамай кўзини чирт юмади — да, «хайр, нима бўлса бўлар...» дея қўл силтайди. Бу хонадонда Саидий, аввало, ижтимоий шахс сифатида ўзлигини бутунлай бой беради: «оламга, унинг барча ҳодисаларига Муродхўжа домланинг кўзи билан» қарайдиган, «ҳар бир товушни унинг қулоғи билан эшитадиган» бўлади: бора — бора бу одамнинг дастёри, малайи, боринги, оддий қулга айланади. Саидийнинг энг жўшқин меҳнат, ижодий фаолият онлари эзгу мақсадларига ёки сиёсатга эмас, Муродхўжа домланинг моддий манфаатларига хизмат қилади. Шу тариқа оқ — қорани тушунган, маърифатли, зиёли бу кимса мутелик, итоаткорлик, қуллик туйғуси бобида адиб ҳикояларидаги маърифатдан йироқ, оми персонажларни ҳам йўлда қолдириб кетади. Бу ҳол 30 — йиллар шароитида жиддий бир огоҳлантириш эди. Жамиятнинг маърифатли, онгли аъзоси бўла туриб ҳам Саидий каби қатъиятсизлик туфайли жаҳолат ботқоғига ботиб кетиш, инон — ихтиёрини ўзгалар изнига тошшириб оддий малайга, қулга айланиб қолиш мумкинлигини, афсуски, ўша кезларда биров сезди, биров сезмади; сезганлар эса журъатсизлик оқибатида ўзларини билмасликка солдилар. Бу нарса миллат, жамият учун қанчалар қимматга тушганлиги маълум...

Қалтис вазиятларда бош қаҳрамон қисматида, руҳиятида юз берган ўта зиддиятли, фожиали ҳолатлар катта маҳорат билан кўрсатилган. Бу хусусда ёзувчи П. Қодиров билан суҳбатда ҳам гаплашганмиз. Дарҳақиқат, ўша суҳбатда таъкидланганидек, инсон боласи учун энг оғир кўргилик, фожа ўзининг кўнгил майлига зид бориш, таъби суймаган ишни қилиш, бундан ҳам оғири — жирканч вазиятга ўзини мослаш, тақдирнинг шафқатсизлигига, омадсизликка кўникиш, омонат асослар орқали ўзини овутишдан иборат. Саидий домла хонадонида ана шундай мушкулотга дуч келади: ақл — тасаввурга сиғмайдиган ҳол юз беради — секин — аста Саидий қалбидаги барқамол гўзал қиз Мунисхон ўрнини маънавий қашшоқ, жисмоний хаста, ўта хунук — тасқара Сорахон эгаллай бошлайди. Ёзувчи бу руҳий жараёни бутун мушкулоти, оғриқлари, азоб — изтироблари билан ифода этади. Айниқса, Саидийнинг кўнгилсиз вазиятга ўзини кўниктириш, Сорахондан «фазилат»лар қидириш жараёни тасвири ёзувчининг ноёб бадий қашфиётидир. Деярли

шундай ҳол Муниҳонда ҳам юз беради. Муниҳон ҳам ўз навбатида Саидийдек кўркам, истеъдодли йигит қолиб, вазият тақозоси, ака хоҳиши, амри билан маънавий тубан, кўримсиз, жирканч одамга зўрлаб узатилади. Муниҳон ҳам бу вазиятга кўникиш, жирканч кимсадан «фазилат» қидириш азобини чекади. «Икковининг фарқи шундаки, Муниҳон ўзини алдай олмаган — фазилатдан нуқсон ва нуқсондан фазилат ясашдан ожиз келган минутлар»да аламини йиғидан, Саидий эса ичкиликдан олади. Айниқса, бир — бирининг васлига ета олмаган, икки бахтсиз, омадсиз ёшнинг бир — бирига рўпара келгандаги ҳолати — қалбларда кечаётган изтироб, уни яширишга қанчалик уринмасинлар, барибир ошкор бўлиб туриши ифодаси ёзувчи санъатининг беназир эҳсонларидандир. Икки ёш тўйдан кейин бир — бирларига дуч келганида иккови ҳам узоқ жим қолади, сўнг Саидий «Қутлашим мумкинми?» — деб сўрайди. Шу ўринда ёзувчи: «Бу сўзни у жуда тез айтди, аммо айтиб бўлгунча кўзидан ёш чиқиб кетаёзди» деб ёзади. Ўша кездеги қаҳрамон қалбидаги изтироб нақадар нозик, таъсирчан ифодаланган! «Мумкин!» — дейди сир бой бермаган Муниҳон бояги саволга жавоб тарзида ўзини хурсанд ва бахтиёр кўрсатишга тиришиб. Саидий бунга ишонмайди, Муниҳоннинг шу ҳаракати унинг юрак — бағрини эзиб юборади. Муниҳон яна узоқ вақт шу мушкул юмушни давом эттиради, ҳар гал Саидийни кўрганда ўзини турмушидан, оилавий ҳаётдан мамнун кўрсатишга тиришади. Бунинг оқибати аён. Муаллиф ёзади: «Бу узоққа чўзилган дард натижаси шу бўлдики, Муниҳоннинг гўзаллиги ҳар кимнинг кучоғида бир қатрадан қола бериб тугаёзди».

Саидийнинг қабоҳатга кўникиши, у билан муросага келиш жараёни ифодаси нисбатан кенг, изчил ва маҳорат билан амалга оширилган. Ниҳоят, Саидий алдовлардан — Муниҳоннинг фазилатларидан нуқсон ясашдан чарчайди, ўзига тасалли бериш учун бошқа йўл топади — қачон Муниҳон тўғрисида ўйласа, дарҳол ўзига ўзи «Мен уни олмоқчи эмас эдим» дейди ва кўнглининг фарёдини ичкилик билан босишга уринади. Шу мушкул дақиқаларда рўпарасида бот — бот Сораҳон пайдо бўлади. Саидий эса ҳар гал Сораҳондан қандайдир фазилат «кашф» этади. Сораҳоннинг Саидий ҳузурига чойнак кўтариб кириб, маст ҳолда учиб ётган бу одам оёқ кийимини ечиб қўйиши, устига кўрпа ёпиши, айниқса, бош томонига, бошқа жойга эмас, уйғониб пайпаслаганида қўли етадиган жойга совуқ

чой қўйиши катта каромат бўлиб туюлади. Яна бир гал Сорахон Саидийнинг оқ шоҳи қўйлагига қаердадир илашган қизил ипни олиб ташлайди Адиб ёзади: «Чойнак уни ҳамма хунук қизлардан ажратган бўлса, бу ипни олиб ташлаш уни Саидийга озгина яқинроқ келтирди». Энди Саидий Сорахоннинг тавия башарасидан зўр бериб чирой ахтаришга тушади ва «катта бир нарса» кашф этади: «Сорахоннинг кўзи қора, киприклари бу кунгача кўрган ҳамма қизларникидан узун». У ўзини овутишда давом этади: «Сорахон хунук, бу рост, аммо истараси иссиқ». Бу фикрга яна бир фикр қўшади: «Баъзи қизлар чиройли бўлса ҳам, истараси совуқ бўлади, ҳуснда истаранинг аҳамияти зўр». Яна бошқа зўрма — зўраки далил — исботлар келтиришда давом этади: «Никоҳ учун муҳаббат шарт эмас», «Бу хотин хунук, буниси чиройли», дейишда маъно йўқ, «турмуш учун чиройли хотиндан хунук хотин яхши». Шу тариқа Саидий мажбуран ўзини таъби суймаган ошни ейишга ҳозирлайди.

Ёзувчи бу билан чекланмай, қабоҳатга мослашган бандайн мўминнинг бу хонадондаги хўрликлари, инсонлик шаъни, нафсониятнинг оёқ ости этилиши, тасқара хотин, булбулигўё қайнона, маккор қайнота томонидан таҳқирланиши, хаста опаси бошига тушган чидаб бўлмас хўрликлар, буларнинг устига ишдаги, ижоддаги омадсизлик, таназзул тарихини батафсил кўрсатади. Саидийнинг ўша кезлардаги ночор ҳолати, изтироблари ўқувчи қалбини ларзага солади. Ёзувчи қаҳрамоннинг аянчли қисмати хусусида бир персонаж тилидан лўнда қилиб шундай дейди: «Раҳимжон ҳозир шалоғи чиққан аравадай Муродхўжа домланинг томорқасида ағанаб ётибди». Ниҳоят, Саидийнинг ички ҳаёти билан ташқи ҳаёти орасидаги кундан — кун ўсиб бораётган қарама — қаршилиқ унинг жонига қасд қилар даражасига етади: у телба ҳолга тушади.

Асарнинг илк нашри ва охириги вариантыдаги қаҳрамон ҳалокати тафсилотидаги фарқлар хусусидаги баҳсларда, кейинги вариантда Саидийнинг тўсатдан фаол ва қўпоровчига айланиши, бутун бошли юк поездини ҳалокатга учратиши образ мантиқига зид, чунки Саидий табиатан бундай ишга қодир эмас, деган танқидий фикрлар асослимасдай туюлади. Аслида ҳаётдан, яшашдан тўйган, ҳаёт сурурини ҳис этишдан тўхтаган, ҳаётга, яшашга интилишни бемаънилиқ деб билган, шахс сифатида емирилиб битган кимса учун шу хилдаги «мантиққа зид» безориларча телба хатти — ҳаракат табиийдир. Муаллиф Саидий

ҳалокатидан сал бурун унинг хаста ётган опаси хусусидаги ўйларини беради: «Опаси ётган подвалнинг қор қоплаган пастак деразасидан қизғиш шугла тушиб турар эди. Саидий буни кўриб опасининг «тузалиб кетарман» деганини эслади ва унинг ҳаётдан бўлган умиди аввал ғашини, кейин аламини, ғазабини келтирди. Саидий ҳозир опасининг тиззалари шишиб кетган оёқларини уриб синдиришга, хира кўзларини ўйиб олишга, томоғини ғажиб ташлашга тайёр эди». Шундай руҳий кайфият — ҳолатдаги одам учун сўнгги безорилик табиийдир. М.Горький «Шахснинг емирилиши» мақоласида ёзганидай, «безорилик — шахсининг руҳий — жисмоний емирилишининг шунчаки оқибати, унинг таназзули сўнгги нуқтага етганига шаксиз далилдир».³

Юқорида таҳлил, мулоҳазалардан чиқадиган хулоса шуки, асар марказида турган Саидий моҳиятан фаолият, ижод, сиёсат одами эмас, балки қисмат бандаси: у ўзини ҳам бахтли қилишга қодир шахс эмас: у «аксилнқилобий миллатчилик» гуруҳи муҳитига эмас, бошқа бир муҳитга тушиб қолганда ҳам уни шундай аянчли қисмат кутарди. Саидий ижтимоий — мафкуравий, сиёсий курашдаги иштироки туфайли эмас, биринчи гада, табиатидаги ожизликлар — мутелик, қуллик туйғуси, иродасизлиги, мужмаллиги, оқимга қараб оқадиган лоқайд бўлганлиги учун инқирозга, ҳалокатга учради. Саидий тушиб қолган шароит, 20 — йиллардаги тарихий вазият, мафкуравий — сиёсий курашлар, «аксилнқилобий миллатчилик» деб аталган ҳаракатлар асар учун бир фон холос: синчиклаб разм солинса, Саидий ҳаёти, қисматидаги, энг кескин драмалар, фожиалар мафкуравий, ижтимоий — сиёсий курашлар майдонида эмас, онлада, шахсий — интим ҳаётда рўй беради. Саидий хилидаги кимсаларнинг фожиаси ҳамма даврларда, ҳамма халқлар ҳаётида юз бериши мумкин бўлган умумбашарий фожиадир. Мутелик, қуллик психологияси ва унинг аччиқ оқибатлари масаласи миллат равнақининг заволи сифатида Қаҳҳорни ҳаминша аламли ўйларга толдирган, қаттиқ изтиробга солган, бинобарин, бу нарса ижодидаги етакчи тамойиллардан бирига айланган: айни шу ҳол адибнинг бошқа қатор етук асарлари қатори «Сароб» романининг ҳам етакчи пафосини белгилайди.

³ М. Горький. Асарлар. Ўн томлик. X том, 1978, 42 — бет.

Романда бу хулосани тасдиқлайдиган яна бир асос бор. Асарда «аксилнқилобий миллатчилик» ҳаракатига дахлдор шахслар орасида нисбатан муваффақиятли, жонли чиққан образ Муродхўжа домладир. У ҳам романда миллатчи зиёлилар вакили, миллатчилик мафкурасини ташувчи фигура сифатида эмас, ўзгачароқ, қиёфада кўринади. Аввало, у инқилобий алғов — далғовлар даврида фарқ бўлиш олдида турган оила кемасини, бойлигини, ҳаётдаги мавқеини ҳар боб билан асраб қолишга уринаётган тадбиркор оила бошлиғи: бахтсиз туғилган ёлғиз фарзанди учун ўзгалар бахтсизлиги ҳисобига бахт ато этиш умидида юрган устамон, худбин одам сифатида эсда қолади. Унинг миллатчилиги, аксилнқилобий ҳаракатлардаги иштироки йўл — йўлакай шунчаки эслатиб ўтилади. У Саидийни оила даврасига тортар, ичкүёв қилиб олар экан, бунда у мафкуравий — сиёсий мақсадларни кўзлагани йўқ. Биринчи гада у ўз тинчини, жонини, моддий манфаатини ўйлаган: «оламда домланинг кўзига фақат икки нарса кўринади: бири — мулк — амлок, иккинчиси — жон». Ҳатто у Саидийни сиёсат бобида асраш — авайлаш йўлини тутди. Муродхўжа домла «Меҳробдан чаён»даги Солиҳ маҳдумни эслатади. Маҳдум Анварнинг билимидан, истеъдодидан фойдаланиб қандай пул ишласа, домла ҳам Саидийнинг истеъдодини худди шундай пулга сотиб ейди. Домла оилага даромад келтираётган Саидийни сиёсат бобида асраш — авайлаш йўлини тутиши ҳам бу одамнинг асл қиёфасини ойдинлаштиради. Фойда келтираётган кезларда Саидийга нисбатан ҳурмат — эҳтиромни жойига қўяди, инқироз — омадсизлик бошланиши биланоқ ундан юз ўтиради, Саидийнинг шарбатини сўриб бўлиб, пўчоғини туфлаб ташлайди. Бинобарин, бу образ ҳам муайян ғоявий мақсадларга — миллатчилик мафкурасини фош этишга хизмат этувчи восита эмас, балки табиий инсоний зиддиятлар, ожизликлари билан жаҳон адабиётида мавжуд шу турдаги персонажлар сифатида турувчи ёрқин характердир.

«Сароб» бадий ижоднинг гаройиб ички қонуниятларини яна бир бор тасдиқловчи, реализмнинг сирли — сеҳрли куч — қудратини намоён этувчи бадий ҳужжат сифатида ҳам қимматли. Бамисоли Ҳиндистонга боришни кўнглига тугиб океан сафарига отланган Колумб беихтиёр Америка қитъасини кашф этгани каби Қаҳҳорнинг «буржуа миллатчилиги»ни фош этишни ният қилиб ёзган «Сароб» романи туб моҳияти эътибори

билан бошқача — башариятга хос инсоний ожизликлар ва уларнинг фожиавий оқибатларини ифода этувчи нодир санъат асари бўлиб чиққан. Ёзувчининг ўзи ҳам англаб етмаган «онг ости» ҳиссиёти, қалб тубидаги илоҳий туйғу уни ҳақиқат, чин санъат йўлига бошлаган. Асардаги замоннинг ўткинчи довуллари, алдамчи ғоялари таъсирида тарафкашлик билан битилган нисбатан бадиий заиф ўринлари борлиги кишида таассуф уйғотади, бироқ улар романнинг юксак бадиий қимматини, XX аср ўзбек адабиёти равнақидаги салмоқдор ўрнини инкор этиш учун асло изн бермайди. «Сароб» романи устидаги юқоридаги кузатиш, таҳлил ва мулоҳазалар фақат Абдулла Қаҳҳор ижодий тақдири эмас, умуман, XX аср ўзбек адабиёти хусусида айрим жиддий хулосалар чиқариш учун асос беради.

90 — йиллар танқидчилигида бот — бот XX аср ўзбек адабиёти жаҳон замонавий адабиёти тараққиётидан ажралиб ортада қолиб кетган, жумладан, Қаҳҳор ва унинг авлоди коммунистик мафкура ва социалистик реализм доирасидагина ижод этган, деган таъналар айтилди. Бундай таъналарда қисман асос бор. Шу билан баробар мустабид мафкура тазйиқларига, социалистик реализм қатъий талаблари асоратларига қарамай, айти шу мафкура, шу методга мансуб деб қаралган қатор сўз усталари ижодида XX аср жаҳон модернистик адабиётдаги етакчи тамойилларга ҳамоҳанг жиҳатлар борлиги аён. Абдулла Қаҳҳор ва унинг авлоди социалистик реализм доирасидагина қолиб кетган эмаслар. Ойбек шеърлятида, Қаҳҳор насрида бу ҳол яққол кўринади. «Сароб» романида, хусусан, марказий персонаж Саидий характери — шахсияти, руҳияти, маънавий инқирози ифодасида экзистенциализм фалсафасига асосланган адабий тамойилларнинг мавжудлиги, яъни шахс фақат моддийонча тасаввур — ижтимоий муносабатлар маҳсули, шахс фожиаси эса нуқул ижтимоий, сиёсий — мафкуравий зиддият, муносабатлар оқибати сифатидагина эмас, айти пайтда, шахс табиатидаги туғма, табиий, сирли — сеҳрли хусусиятлар, инсоний ожизликлар самараси, ижтимоийёт, тарихий шароит, сиёсат, мафкурага бўйсунмайдиган онг — шуурдан ташқаридаги англаб етилмаган ёки англаб етиш мушкул бўлган ҳолатларнинг зуҳури тарзида берилиши ёзувчининг катта ижодий жасоратидир.

2000 йил

37

«ЎТМИШДАН ЭРТАКЛАР» ВА АБСУРД

«Ўтмишдан эртактлар» ёзувчи ижодининг ўзига хос яқуни, сўнгги чўққиси бўлди. Гарчи ушбу асардан кейин ҳам бир қатор ҳикоялар, «Муҳаббат» қиссаси яратилган, уларда қаҳҳорона битилган саҳифалар бўлса — да, бадий етукликда «Ўтмишдан эртактлар»га тенглаша олмайди.

«Ўтмишдан эртактлар» — муаллифнинг болаликда кўрган — кечирганлари ҳақидаги автобиографик асар. Бироқ у ўзбек адабиётидаги мавжуд автобиографик асарлардан, жумладан, замондоши Ойбекнинг «Болалик» қиссасидан кескин фарқ қилади. «Болалик»да лирик талқин, ҳодисаларни поэтик идрок этиш устун. Бола образи Ойбек қиссасида биринчи планда кўринса, унинг кўрган — кечирганлари, саргузаштлари, шу кечинмалар туфайли мурғак қалбда туғилган ранг — баранг туйғулар ифодаси асар асосини ташкил этса, «Ўтмишдан эртактлар»да бола Абдулла образи орқа ўринда туради, у асосан «кузатувчи», «гувоҳ», «холис ҳикоячи» тарзида берилади; ёзувчининг асосий диққат — эътибори бола гувоҳлиги орқали оилада, оила теварагида юз берган воқеаларни — турмушнинг объектив лавҳаларини чизишга қаратилган. Бу қиссада ҳам ёзувчи ҳикоянавислигича қолади, охириги «Қўқон харобалари орасида» бобини мустасно этганда, қиссанинг сарлавҳаланган деярли ҳар бир боби тугал ҳикоялардир, аниқроғи, фожей руҳдаги воқеий новеллалардир. Ёзувчи бу асарида реал ҳаётда кўрган — кечирганларидан «бадий тўқима» — ижодий фантазияларсиз етук ҳикоя — тугал санъат асари яратишнинг, реал ҳаёт «ҳақиқатини дилдан ўтказиш, унга кўнгилдаги гапларни сингдириш»нинг ажойиб намуналарини берди. Умр бўйи адибга тинчлик бермаган, бутун ижодида темирчи ўчоғидаги чўғдек яллиғланиб турган инсон шаъни, қадри билан боғлиқ ўй — туйғулар бу қиссада адибнинг сўнгги қалб фарёди — фигони каби янгради.

Айни шундай асарнинг айни 60 — йиллар миёнасида яратилиш сабаби нимада? «Ўтмишдан эртактлар» шунчаки адабиётдаги анъана таъсирида муаллифнинг болалик хотираларини қоғозга тушириш ниятида майдонга келганми? Нега бу асар адабиётдаги мавжуд болалик қиссаларидан фарқли ўлароқ, асосан,

хўрланган, шаъни топталган кимсалар, жаҳолат қурбонлари ҳақидаги ҳикоялардан иборат бўлиб чиқди? Бунинг сабабларини, жумладан, ёзувчининг асар ёзилиш олдидаги руҳий ҳолати, кайфиятларидан излаш даркор. Адибнинг ўша кезларда ён дафтарда ёзиб қолдирган қайдларидан бирида шу сўзларни ўқиймиз:

«Мамлакатимизда Сталиндан сўнг узундан—узун момақалдиरोқ бўлди—ю ўтди. Бу момақалдиरोқнинг биринчи садоси халқлар кўнглида жуда катта орзу, умидлар уйғотди, бунинг кетидан келадиган обирахматни кутди, бироқ момақалдироқ, шамол тўполон қилди—ю, обирахматдан бир томчи ҳам томмади». Дарҳақиқат, Сталин вафотидан сўнг момақалдироқ садоси туфайли кўплар қатори ёзувчи кўнглида катта умид, орзулар уйғотди, одамлар қуллик, мутелик занжирларидан халос бўлишга, ўз шаъни, эрки учун дадил кураш йўлига киражагига умид боғлади. Адибнинг бу орзу—умидлари «Минг бир жон», «Синчалак» каби асарларида, романтик руҳдаги қаҳрамонларида муайян даражада ифодасини ҳам топди. Бироқ, бу умид—ишончлар секин—аста йўққа чиқа борди; чунки тоталитар режим моҳият эътибори билан ўзгаришсиз қолди, инсон ҳақ—ҳуқуқини, эркини, шаънини топташ давом этди, ижтимоий адолат йўлида курашга отланганлар таъқиб, тазйиқ остига олинди; жумладан, ёзувчининг ҳар бир ҳақ гапи, дадил чиқиши қаттиқ қаршиликларга учради. Итоаткор, муте оломон, маддоҳ қаламкашлар раҳбарият, тоталитар режим сиёсатини кўр—кўрона олқишлар билан қўллаб—қувватлашда давом этди, адибнинг яқин сафдошлари дилдан унинг томонида турсалар—да, кўп ҳолларда, қалтис дақиқаларда уни ошкора ҳимоя қилишга журъат этолмадилар, шунчаки кўнги сўраш билан чекландилар, сукут сақлашга мажбур бўлдилар. Ёзувчи бу телба дунёнинг бундай телбаликларидан изтиробда юрди. «Тобутдан товуш» теварагидаги машмашалар пайти бу ҳол яққол намоён бўлди. Ана шундай кезларда туғилган «Ўтмишдан эртақлар»да ўз—ўзидан адибнинг кайфиятига мос кечмишнинг ғам—ғуссага тўла маломатли лавҳалари қоғозга тушиши табиий эди; асарда ярим аср бурунги воқеалар олтиш ёш бўсағасида турган адибнинг оғир руҳий кайфиятлари—армонлари, аламли ўй—туйғулари изҳори учун қулай восита хизматини ўтади. «Ўтмишдан эртақлар» ёзувчи ижодий бисотидаги, балким XX аср ўзбек

адабиётида Чўлпон лирикасидан кейинги энг фожеий, энг ғамгин, энг мунгли йирик асардир. Қиссага А.Ориповнинг «Муножот» шеъридаги «Эшилиб, тўлганиб ингранади куй, — Асрлар ғамини сўзлар «Муножот», Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига Қандай чидай олган экан одамзод», деган сатрлар эпиграф — бош сўз қилиб олинганлиги бежиз эмас. Асар қўлёзмаси билан танишган етук танқидчилардан бири муаллифга «Жуда зулмат — ку, китоб ўқувчида оғир таассурот қолдирмасмикин?» дея эътироз билдиради. Муаллиф буни тан олади, асар хусусида бундан ҳам кескинроқ таъналар айтилишини билади, бироқ, барибир, ўз ижодий ақидасига содиқ қолади, ўшандай кишилар кўнгли учун асарга аввал мўлжаллангандек, «Ўтмишдан лавҳалар» эмас, «Ўтмишдан эртактлар» деган рамзий — мажозий ном бериш билан чекланади.

Маълумки, 40 — йиллари танқидчиликда ўзбек адабиёти насрда «танқидий реализм босқичини босиб ўтишга тўғри келди», жумладан, ўтмиш ҳақидаги ҳикояларида «Абдулла Қаҳҳор турмушни танқидий реализм нуқтаи назаридан акс эттиради», «Сароб» романида буржуа объективизми методини давом эттирди» деган фикрлар ўртага ташланган эди¹. Гарчи бу ҳол салбий ҳодиса, муаллифнинг камчилиги, «объективистик реализм методи ҳозирги замон ҳаётини акс эттиришга бутунлай ожиз ва лаёқатсиз» эканини кўрсатувчи далил сифатида айтилса — да, улкан адиб Қаҳҳорнинг энг етук асарлари — «Сароб» романи ва ўтмишдан олинган новеллалари, ҳажвий ҳикоялари социалистик реализмдан ташқаридаги ҳодиса сифатида қаралишининг ўзи биз учун муҳимдир. Совет ёзувчисини социалистик реализмдан четга чиқариб қўйиш қанчалар мудҳиш айбнома саналадиган замонлар ортда қолиб кетди. Эндиликда Қаҳҳор ижодидаги соцреализм учун бегона бўлган жиҳатларни, чунончи, XX аср жаҳон адабиётидаги модернистик йўналиш — экзистенциализм ва абсурд адабиёти билан муштарак хусусиятларини одилонга баҳолаш учун йўللар очиқ.

Абсурд адабиёти назариячиларининг фикрича, абсурд воқелик абсурд инсонни ва абсурд ижодни майдонга келтиради, шунга кўра абсурд асари, биринчи навбатда, негатив характер касб этади. XX аср бошларида чоризм истибдоди, иккиёқлама

¹Қаранг: Ҳ.Ёкубов. Ўзбек поэзия ва прозасида социалистик реализм маса — ласига доир баъзи мулоҳазалар. «Шарқ юлдузи», 1949, 2 — сов, 114 — бет.

зулм оқибати ўлароқ, ўлкада вужудга келган мудҳиш шароит, жаҳолат, адолатсизлик туфайли ҳақ — ҳуқуқи, шаъни топталган, ўзлигидан жудо бўлган оддий меҳнаткаш халқ турмуши чиндан — да абсурд воқеликнинг ўзгинаси эди. Юқорида айтилганидек, Қаҳҳор дунёга келиб кўз очиб айни шу воқеликка дуч келди, болалиги ана шу зулмат ичида кечди, бу ҳол унинг руҳиятида чуқур из қолдирди. Кейинчалик у ёзувчи бўлиб етишганида айни шу кўнглида чўкиб ётган болалигидаги оғир таассуротлар унга тинчлик бермай қоғозга туша бошлади. Аллоҳ гўё Қаҳҳорни атайин халқ ҳаётидаги айни шу маънисиз — абсурд ҳаётни бадий кашф этиб бериш учун яратгандай туюлади. Агар шўро давридаги яккаҳоким мафкура, тоталитар адабий сиёсат тазйиқларига дуч келмаганда борми, Қаҳҳор ХХ аср жаҳон адабиётидаги абсурд адабиётининг энг машҳур намояндаларидан бири даражасига кўтарилиши мумкин эди. Лекин ҳукмрон мафкура, соцреализм талабларига чап бериб яратилган қатор асарлар, жумладан, «Ўтмишдан эртақлар» қиссаси адибнинг зиммадаги тарихий бурчни имконият даражасида маҳорат билан адо этганлигини тасдиқлайди. Қаҳҳор ижодидаги, жумладан, «Ўтмишдан эртақлар»даги «ўқувчида жуда оғир таассурот қолдирувчи» зулмат — «тарихнинг маломатли саҳифалари», «қора бўёқлар»нинг қуюқлиги, нурли жиҳатларнинг заифлиги нуқсон эмас, асарнинг ўзига хос хусусияти, балким фазилатидир. Зотан, абсурд ҳаёт ҳақидаги асардан бошқача нарсани кутиш ўринсиздир. Шуниси ҳам борки, Қаҳҳор асарларидаги абсурд, шунингдек, экзистенциализм аломатлари Оврўпа модернистик адабиётидан фарқли ўлароқ реализм анъаналари заминида шаклланган, мустабид мафкура, синфийлик тушунчалари асоратларидан бутунлай холи бўлмаган бетакрор адабий ҳодисадир.

Бир жойда кўним тополмай қишлоқма — қишлоқ кўчиб, азондан кечгача тер тўкиб ишлаб, тинимсиз темир тақиллатиб кичкина хонадон дастурхонини тўкин қилолмай армонда юрган омадсиз ота, саккизта боласини қора ер бағрига бериб, ўжар қайнона дағдағалари, дарбадар ҳаёт машаққатлари туфайли озиб — тўзиб «арвак» ҳолига тушган муштипар она, шафқатсиз дарбадар турмуш, таҳқиру хўрликлардан «индамас», «соқов»га айланган бола ҳақидаги лавҳалар ўқувчининг юрак — бағрини эзиб юборади. Ўзгаларнинг ҳаёти — чи? Ёзувчи меҳнаткаш халқ ҳаётига оид бири — биридан аянчли, бири — биридан даҳшатли

лавҳалар келтиради. Йўқчилик, жаҳолат қурбони Бабарнинг мудҳиш тақдирини, очилмасдан гунчалигида хазон этилган «хур қиз» — Сарвинисо ҳалокати — ҳар бири даҳшат, фожиа! Қонсиз, шахс ҳалокатидан холи, бироқ гумроҳлик, жаҳолат билан боғлиқ, бир қарашда кулгили туюлган ҳодисалар ҳам, аслида, ўзича бир фожиа! Чунончи, катта шаҳар Қўқондан бор — йўғи йигирма чақирим наридаги қишлоқ аҳли Герман билан уруш бошлангани хабарини икки ойдан кейин, ўшанда ҳам тасодифий суратда эшитади; кишиларнинг кўзига оддий ҳодисалар — машинанинг чок тикиши, патефоннинг қўшиқ айтиши, бир палла тарвузнинг пўчоғида кўрсатилган оддий «найранг», оҳанрабонинг темир — калитни ўзига тортиши, туғруқхонада одамнинг туғилиши, «шайтон арава» — велосипед минган кишининг ҳаракати — барча — барчаси ғайритабиий, мўъжиза бўлиб кўриनावеради. Жўн, баъзан тасодифий хатти — ҳаракатлар жуда кўнгилсиз ва даҳшатли оқибатларга олиб келади. «Ўликнинг ёғини, тирикнинг тирноғини ейишга тайёр» турган «аждаҳо» Тўракул вофуруш, ўжар, доғули Валихон сўфи, олғир, муғомбир эликбоши, оқпошшонинг арзандаси юзбоши билан боғлиқ ҳикоялар дилларни ларзага солади.

Қиссада гоҳо кўнгилга ҳузур бахш этувчи нурли лавҳалар, кишилараро ҳазил — мутойибалар ҳам учрайди, бироқ бу қувончли дақиқалар узоққа бормайди, тезда аввалгисидан баттарроқ, даҳшатлироқ ҳодисалар билан алмашади. Оқдомланинг жиннихонаси ёнида умргузорлик қилиш азобидан қутилиб Яйпанга кўчган оиланинг йўлдаги ҳолатини эслайлик: йўл бўйидаги деворсиз, девори қулаган, нураган боғлар, қинғир — қийшиқ уйларини қучоқлаб ётган чорбоғлар, қийғос гулга кирган дарахтлар... Бутун қишлоқ каттакон боққа ўхшайди. Шу дамларда оила аъзолари қатори Абдулланинг ҳам кўнгли чоғ, ўрик гўрасини еганида ҳамма ёқни баҳор ҳиди тутиб кетади, бутун баҳор шу чигитдаккина гўранинг ичига қамаб қўйилгандай туюлади... Афсус, бу қувонч узоққа бормайди. Мана шу гўзал маконда оила манфур кимса Вофуруш хонадонига тушиб қолади, оиланинг галдаги кўргуликлари бошланади... Оиланинг галдаги яна бир кўчган жойи Оққўрғон қишлоқ эмас, анжирзор; боғлар, чорбоғларда нуқул анжир, оила тушган ҳовли саҳнида икки туп анжир, шохларида шигил мевалар, киндигидан сап — сариқ шарбат оқиб ётибди; очлик бўлишига қарамасдан унга ҳеч ким тегмаган... Қувончли ҳодиса

вазият, бироқ шу заҳоти дилни ғаш қиладиган ҳолат: ҳовлининг эгаси бултурги вабода бола — чақаси билан қирилиб кетган; оила мана шу хосиятсиз масканда яшашга мажбур...

Бутун асар мана шунақа абсурд воқеалар тизимидан ташкил топган.

Ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, қонунсизлик, жаҳолат авж олган юртда маърифат, социал адолат учун олиб борилган кураш усули, кўпинча, маънисиз, беҳуда, ҳаттоки ваҳшиёна тус олади: «Қишлоққа илм — маърифат уруғини сочгани келган» Муҳаммаджон қорининг янғича усулдаги таълим мактаби жоҳил кимсалар томонидан хонавайрон этилади; уста Абдуқаҳҳорнинг акаси қизи Сарвинисони уриб ўлдириб қўйганида бу қотиллик учун ҳеч ким ҳеч нарса демайди, аксинча, бу ишни яқин кишилар «ёпти — ёпти» қилишга уринадилар. Қасоскорлар оқпошшонинг арзандаси — юзбошини аввал ўз тилларини ютишга мажбур этадилар, зўрлаб оғзига тиқадилар, сўнг жодида уч бўлак қилиб, кейин ўша бўлинган жасадаг кераосин сеппиб ўт қўядилар. Мусулмончиликда зўрлаш ман этилган, бир ёз чилласида рўзасини бузган темирчи оила аъзолари таъқиб остига олиниб, сазойи этилади. Темирчи Абдуқаҳҳорнинг жоҳиллар жабрига қарши чиқиши — бидъатга берилган аёлларга азайимхонлик қилиб дам солиши, уларга тегишиши, рақиби Валихон сўфига эшак миясини едириб жиннига айланишини кутиши, ниҳоят, шогирди билан уни «чиропоя» қилиши; ўғли оғриганида Аллоҳга, азиз авлиёларга қилган илтижолари ижобат бўлмай, гўдак жони узилганида алам, жаҳл устида азиз авлиёларни чангитиб сўкиши, телба аҳволда токчада турган Қуръонни олиб қулочкашлаб ерга уриши, бу ҳам етмагандай ерда ётган Қуръонни тепиб юбориши, бегуноҳ бузоқни чавақлаб ташлаши — ўта жоҳил, абсурд муҳитта муносиб исён, беҳуда, маънисиз хатти — ҳаракатлардир.

Абдулла Қаҳҳор XX асрдаги нореалистик фалсафий таълимотлар қатори экзистенциализм ва абсурд фалсафасидан яхши хабардор, унинг тафаккур тарзида эса абсурд туйғуси ва ғояси мавжуд эди. Бироқ бу туйғу ва ғоя теран англаб етилган бадий — эстетик концепция даражасига кўтарилган эмас. Адиб яшаб, ижод этган муҳит ва шароитда бунинг имкони ҳам, иложи ҳам йўқ эди. Ана шундай муҳит ва шароитда «Сароб», «Ўтмишдан эртақлар» каби асарларда абсурд туйғуси ва ғояси белгиларининг намоён бўлишининг ўзи миллий адабиётимиз

тарихида гаройиб ҳодиса. Ўзбек адабиётида абсурд ҳаётнинг бу хилдаги абсурд манзаралари ҳеч қачон бу қадар шафқатсизлик билан ифода этилган эмас. Ёзувчи ҳақиқат олдида ҳатто ўз яқинлари, отасини ҳам аямайди. «Ўтмишдан эртақлар» XX аср жаҳон адабиётининг ноёб бадиий дурдонаси сифатида ҳали чинакам баҳосини олган эмас.

2000 йил

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ДАРСЛАРИ

Абдулла Қаҳҳор ўтган асрнинг 20 – йиллари ўрталарида бадиий адабиёт майдонига кириб келган, қатор ҳикоя, фельетонлар эълон этган бўлса ҳам, асосан, 30 – йиллари яратган «Сароб» романи, «Анор», «Бемор», «Ўғри», «Адабиёт муаллими», «Санъаткор» каби ҳикоялари билан беназир ҳикоя устаси, моҳир романнавис сифатида танилди. Бирин – кетин эълон этилган «Кўшчинор» романи, «Асрор бобо», «Хотинлар», «Даҳшат», «Минг бир жон», «Тўйда аза», «Маҳалла» ҳикоялари, «Оғриқ тишлар», «Шоҳи сўзана», «Тобутдан товуш», «Аяжонларим» комедиялари, «Синчалак», «Ўтмишдан эртақлар» сингари қиссалари – буларнинг ҳар бири адабий, миллий – маданий, маънавий ҳаётимизда улкан ҳодиса бўлди. Адибнинг мислсиз жасорат, мардонавор адолат туйғуси билан йўғрилган чиқишлари, даврнинг, адабий ҳаётнинг ўткир муаммолари кўтарилган публицистик ва адабий – танқидий мақолалари неча бор республикани ларзага солиб турди.

Абдулла Қаҳҳор беназир истеъдод, илҳом билан ёзилган бадиий юксак асарлари, замонавий адабий тафаккури, ҳақ сўзи ва мислсиз шижоати билан ўзига хос мактаб яратди; соғлом адабий кучларни ўз атрофида уюштирди. Бу ноёб адабий мактабдан чиққан Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев сингари адиблар, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддиновдек мунаққид – адабиётшунослар миллий адабиётимиз, маънавиятмизнинг XX аср иккинчи ярми ва янги аср боши тараққиётини белгиловчи улкан сиймолар бўлиб

етишди. Улар Абдулла Қаҳҳор ва унинг сафдошлари қутлуғ анъаналарини мустабид тузум тақиқу таҳдидларидан омон сақлаб мустақиллик йилларига олиб ўтишдек ва мустақиллик даври адабиётини яратишдек буюк миссияни адо этиш шарафига муяссар бўдилар.

Мустақиллик йиллари яратилган адабиёт дарсликларига бир қур назар ташлаб кўринг, азизлар, аини шу Абдулла Қаҳҳор адабий мактаби вакиллари миллий адабий дарсликлардан фахрли ўрин олганлигига амин бўласиз.

Улуғ адиб ижоди намуналари 40 – йиллардан бошлаб мактаб адабиёт дастури, дарсликларига киритилган. «Ўғри», «Бемор», «Кўр кўзнинг очилиши», «Асрор бобо», «Кампирлар сим қоқди», «Кўк конверт», «Олтин юлдуз», «Даҳшат», «Минг бир жон» ҳикоялари, «Кўшчинор», «Шоҳи сўзана», «Синчалак», «Ўтмишдан эртақлар» каби роман, комедия ва қиссалари, ниҳоят, «Сароб» асари вақти – вақти билан ўқитилган, ўрганилган; «Асрор бобо» билан «Синчалак» мутассил қирқ йил, «Ўғри», «Бемор» эса олтмиш йилдан бери дарсликлардан тушмай келади.

Мундоқ ўйлаб қарасам, Абдулла Қаҳҳор асарларининг мактабдаги умри шахсан менга ҳам мактаб даврим ва ундан кейинги умримга тенгдош экан. Мен Абдулла Қаҳҳор сиймоси билан илк бор мактаб дарслигидаги сурат, ижоди билан эса «Ўғри», «Бемор» ҳикоялари орқали танишганман. Омадни, тасодифни қарангки, ҳаётда илк бор мен дуч келган барҳаёт машҳур ёзувчи аини шу Абдулла Қаҳҳор бўлган. Қўшни қишлоқдан чиққан уруш қаҳрамони қариндошимиз Аҳмаджон Шукуров билан бирга 1943 йили қишлоғимизга ташриф буюрган, хонадонимизда меҳмон бўлган. Бу ҳақида хотиралар ёзганман. Бахт – омадни қарангки, Миллий университет аспирантурасида таҳсил олган, унверситетда иш бошлаган кезларим мана шу табаррук зот назарига тушиб, унинг шогирдлари қаторига кириш, суҳбатларини олиш шарафига муяссар бўлганман. Абдулла Қаҳҳор мактаби сабоқлари хусусида ҳам озми – кўпми ёздим, ёзаётирман. Мен бу ўринда, азиз ҳамкасблар, Абдулла Қаҳҳор дарслари билан боғлиқ кузатиш – мулоҳазаларимни изҳор қилсам дейман.

Мактабда, педбилим юртида, сўнг университетда ўқиган кезларим адабиёт фанидан Абдулла Қаҳҳор дарслари фақат мен эмас, бутун синфдош, курсдошларим учун байрам бўларди. Мактабда ҳам, билим юртида ҳам Абдулла Қаҳҳор дарсларида,

аввало, ҳикоянинг ўзи ўқиларди. Сўнг муаллим у ҳақида узундан — узоқ ваъз айтар, ўз билганича таҳлил ва талқин қиларди. Ҳозир ўйлаб қарасам, бу хил ваъз, таҳлил ва талқинлардан ҳеч нарса эсимда қолмаган. Аммо ўша ҳикоялар билан илк танишув чоғидаги ҳис — ҳаяжонлар, қалбимда кечган ўй — мушоҳадалар ҳаммаси миридан — сиригача ёдимда қолган. Қаҳҳор ҳикояларидаги персонажлар кўз олдимда китоб қаҳрамонлари эмас, ўзимга таниш тирик одамлар бўлиб гавдаланарди. «Асрор боб»даги қария ва кампир қўшни шўрқишлоқлик холам ва поччамизнинг қуйиб қўйгандек ўзгинаси эди. Уларнинг яккаю ягона ўғли Асқарали урушда бедарак кетган; ўғли ҳалокати ҳақида «қора хат» олган поччамиз уни холамизга айтмаган; холамиз эса бу шум хабардан огоҳ тошгач, чол буни эшитиб қолса юраги ёрилиб ўлади, дея ундан сир тутган. Улар орасидаги бу сир умр бўйи сирлигича қолди... Чол — кампир бир — бирларига ниҳоятда меҳрибон, бир — бировини авайлаб, суяб яшади. Поччамиз холамизга «сиз»лаб мурожаат қиларди. Қариндош — уруғлар уларни «қария Тоҳир — Зуҳралар» деб аташарди. Аммо поччамизнинг нуроний, холамизнинг мулоийм чеҳрасида жудоликнинг чексиз изтиробини, ички ғам — андуҳ шундоқ билиниб турарди. Гурунг чоғи «уруш», «қора хат» сўзлари тилга олинганда, улар бетоқат бўлиб қолар, поччамиз дарҳол чилим келтиришни сўрар, холамиз эса бошидаги рўмоли учи билан кўзидаги ёшни ўзгаларга сездирмай артишга тушарди. Бу манзарани кўриш — кузатиш мен учун ниҳоятда оғир бўларди, ичимдан хўрсиниқ келиб йиғлардим. Ана шундай тигиз вазиятларда аввал поччамиз гапни бошқа ёққа буриб, кўпинча, ҳазил — мутойибага ўтар, холамиз ҳам секин — аста бунга қўшиларди... Бу оилавий жуфтлик бамисоли фаришталардек туюларди. Аминманки, бунақа фариштасимон жуфтликлар ҳаётда кўп бўлган. Қаҳҳор миллат менталитетига хос бу ноёб фазилатни «Асрор бобо» ҳикоясида мислсиз маҳорат билан бадиий кашф этган. Ахир «Асрор бобо» ва унга ўхшаш ноёб асарлар ёзилмаганида, миллат менталитетига хос бундай ноёб хислатлар «очилмаган қўриқ» бўлиб қолиб кетаверарди — да...

Қаҳҳорни, кўпинча, ҳаётдаги салбий ҳодисалар, ожиз — нотавон, муте кимсалар, ҳажвий — сатирик персонажлар ифодаси бобида моҳир санъаткор, деб юритишади. Бундай даъволарда асос бор. Аммо Қаҳҳор «гўзал одамлар» тимсолини

яратиш бобида ҳам тенгсиздир. «Хотинлар», «Минг бир жон», «Маҳалла», «Олтин юлдуз», «Муҳаббат» қиссалари, «Шоҳи сўзана»даги Ҳамробуви ва Холнисо, «Аяжонларим»даги Бўстон ва Умидалар ҳам бу жиҳатдан ибратлидир.

Адибнинг болалик хотиралари, аччиқ ҳаёт тажрибалари асосида яратилган ғам – ғусса билан тўлиб – тошган ўтмиш туркумидаги ҳикоялари, «Ўтмишдан эртақлар» қиссаси мактаб дарсликлари ва бевосита мустақил мутолаа орқали бир эмас, бир неча авлод хотирасида мустаҳкам ўрнашиб қолган. Улар миллий ва жаҳон адабий танқидчилигида юксак баҳо олган. Қарангки, ўтган аср 80 – йилларида, «қайта қуриш» деб аталмиш кампания чоғи ана шундай мумтоз ҳикоялар теварагида баҳс – мунозаралар бошланди. 90 – йилларга келиб шўро даври адабиёти намуналарини «қайта баҳолаш» баҳонасида улар ҳақида хийла кескин танқидий фикрлар айтилди; нуқул инкор, камситиш, баъзан ҳақорат руҳидаги гаплар гоҳо бугун ҳам қулоққа чалиниб қолади. Мунаққидлардан бирининг айтишича, адибнинг аксар ҳикоялари ўтмиш мавзуида ёзилган, шу тариқа Қаҳҳор ҳикоячиликда замона муаммоларидан узоқда турган эмиш. Яна бир жангари мунаққид даъвосича, Қаҳҳор ҳикоялари «ўтмишни қораловчи асарлар», уларда ўтмишимиз бузиб кўрсатилган; «наҳотки «Анор»даги куёв тўра бошқоронғи хотинига тўртта анор топиб бера олмаса!» дея дағдаға қилади адибнинг бошқа танқидчиси. «Анор» ҳикоясининг янги ўзбек алифбосида китоб ҳолида босилиб чиқишини катта сиёсий хато санайди. «Абдулла Қаҳҳор бутун вужуди билан совет ёзувчиси», унинг ҳамма ёзганлари коммунистик гоё, мафкура тарғиботиға қаратилган, Абдулла Қаҳҳорнинг ўтмиш ҳақидаги ҳикоялари инсонға меҳр – мурувват туйғусидан маҳрум, бинобарин, бу асарлар чинакам баднийликдан йироқ, деган таъна – дашномлар ёғдиради адиб шаъниға.

Хабарингиз бўлса керак, азиз ҳамкасблар, бу хил асоссиз танқидий ҳамлаларға ўз вақтида, жумладан, «Жаҳон адабиёти» журналининг 1998 йил январь сонидаги «Сарҳисоб» давра суҳбатида муносиб жавоб берилди. Таъкидлаб ўтилдики, Абдулла Қаҳҳор бутун ижоди давомида замонаси, ўзи шоҳид бўлган воқеа – ҳодисалар ҳақида қалам тебратган. Адибнинг «ўтмишдан» деб изоҳ берган ҳикоялари ҳам шартли равишда ўтмиш мавзусида битилган асарлардир. Уларнинг аксарияти 30 – йиллари яратилган, уларда узоқ кечмиш эмас, яқин ўтмиш, яъни

ёзувчининг болалик йиллари, аниқроғи 10 – йиллар, бор – йўғи 15 – 20 йил бурунги воқеалар қаламга олинган. Аслида ўтмиш ҳикояларида акс этган чоризм истибдоди даври билан асарлар ёзилган қизил империя даври орасида кескин фарқ йўқлигини адибнинг ўзи яхши англаган. Ўтмишдан олинган ҳикоялар адибнинг замонасидан узоқлашиши эмас, балки айна замонаси муаммоларига муносабати изҳори эканини англаб етиш қийин эмас. У ёғини суриштирсангиз, ҳақиқий санъат асарининг қиммати мавзуси, мавзунинг ўтмиш ёки ижодкор яшаб турган замонасидан олинганлиги билан белгиланавермайди. Қаҳҳорнинг ўтмиш ҳикояларида чинакам санъат намуналарига хос ҳаётнинг ноёб бадиий модели яратилган, ихтиро қилинган; уларда биз ҳамма даврларга хос ҳақиқат ифода этилганлигини, ёрқин адабий характерлар кашф қилинганлигини кўрамыз. Қолаверса, бадиий асардаги ифода этилган «ҳаёт» манзарасини ҳаётнинг айна копияси деб билмаслик даркор. Чин бадиий асардаги ҳаёт манзараси ҳар доим рамзий маъно касб этади, Қаҳҳор ношуд – нотавон китобхонлар савиясини ҳам назарда тутиб бўлса керак, кўпинча, асарларининг асл маъно – моҳиятини ифода этувчи эпиграфлар келтиради. «Осмон йироқ, ер қаттиқ» мақоли «Бемор»даги рамзий маънони англашда очқич вазифасини ўтайди. «Ўғри» учун эпиграф қилиб келтирилган «Отнинг ўлими итнинг байрами» мақоли ҳикоядаги тасвир кўламига ишорадир. Адиб «Ўтмишдан эртақлар» қиссасига Абдулла Ориповнинг «Муножот»ни тинглаб» шеъридан «Эшилиб, тўлғониб ингранади куй, Асрлар ғамини сўйлар» «Муножот». Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига Қандай чидай олган экан одамзот!» деган сатрларини эпиграф қилиб келтириши тасодифий эмас. Бу фарёд, одам зоти чидаши мумкин бўлмаган ғам – алам билан йўғрилган мисралар адибнинг ўтмиш ҳикояларига ҳам тўла – тўкис дахлдордир. Боз устига мазкур асарларга бош сўз қилиб келтирилган сатрлар одам боласининг дарду ташвишларига теран бир ҳамдардлик руҳи билан йўғрилган.

Хуллас, танқидчиликда таъкидланганидек, улуғ адибнинг ўтмишдан олиб ёзган ҳикоялари, «Ўтмишдан эртақлар» қиссаси мустақиллик руҳини юрагига жойлаб, ўзлигини англаб бораётган юксак савияли авлод учун катта ҳаёт мактаби вазифасини ўташи шубҳасиз.

Шу ўринда «қалтис» бир муаммо устида ҳам тўхталиб ўтишга мажбурмиз. Абдулла Қаҳҳор шўро даврида яшаб ижод этгани, «совет ёзувчиси» экани рад этиш мумкин бўлмаган ҳақиқат. Замондош сафдошлари каби унинг асарларида давр, мафкура, мустабид адабий сиёсат асоратлари ҳам мавжудлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Шу билан баробар унинг ўшандай мафкуравий — сиёсий тазйиқлар шароитида кўп ҳолларда расмий сиёсатга, юқори доира одамлари раъйига қарши бориб ижтимоий адолат, ҳақиқат учун мислсиз шижоат билан кураш олиб борганлиги ҳам рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат! Бу ноёб фазилат асарларида ҳам намоён бўлган. Шу жиҳатдан қаралса, «унинг ҳамма ёзганлари коммунистик ғоя, мафкура тарғиботига қаратилган» деган даъволар асоссиз. Ҳатто бир қарашда соцреализм принциплари асосида яратилгандай туюлган асарлари заминида ҳам мавжуд жамият иллатларини фош этиш, уларга нисбатан киноя — кесатиқ устивор. Жамики буюк сўз усталарига хос бош хусусият — асардаги маънонинг теранлиги, серқирра ва кўпқатламлилиги Абдулла Қаҳҳорга ҳам хосдир.

Биламизки, шўро даври адабий таълими синфийлик, коммунистик партиявийлик принципига асосланган эди. Таълим жараёнида бадиий асарнинг санъати, бадиияти эмас, биринчи галда, ижодкорнинг дунёқараши, асарда олға сурган ғояси назарда тутилар, бутун дарс ёшларни нима қилиб бўлсин коммунистик руҳда тарбиялашга қаратилар эди. Бу ҳол, жумладан, Қаҳҳор дарсларида ҳам ҳукмронлик қилган. Гоҳо бадиий жиҳатдан нисбатан заиф, аммо тарғиб — ташвиқот учун қулай «Кўк конверт», «Кампирлар сим қоқди» ҳикояларининг дарсликларга кириб қолиш сабаби шундан. «Ўтмишдан» туркумидаги ҳикоялари, «Ўтмишдан эртақлар» қиссаси ҳам дарсликларда, асосан, октябрь тўнтаришидан бурунги ўтмишни қораловчи асарлар сифатида баҳоланган, уларнинг асар ёзилган давр билан алоқаси тўғрисида эса лом — лим дейилмайди. Юксак санъат намунаси саналмиш асарлардаги кўп ноёб жиҳатлар қолиб, давр мафкурасига мос тушадиган ўринларга алоҳида урғу берилган. Чунончи, аламдийда Асрор бобо ҳам оташин шўро агитатори деб талқин қилинган.

Дарсликлардагина эмас, ўша йиллари мутахассис — ўқитувчилар учун мўлжалланган ўқув қўлланмаларда ҳам шу руҳ ҳукмрон бўлган. Биргина мисол. 1979 йили чоп этилган С.Исматовнинг «Мактабда Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва

ижодини ўрганиш» китобида «Ўғри» ҳикояси гоёси ва тарбиявий аҳамияти шундай тушунтирилади:

«Ёзувчининг «Ўғри» ҳикояси ўтмишдаги камбағал деҳқон Қобил бобо каби кишиларнинг эзилганлиги, таланганлиги, хўрланганлигини билишга ёрдам беради. Ўқувчида эксплуатацияга асосланган тузумга ғазаб — нафрат, ўшандай даҳшатлардан абадий озод қилган Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига чексиз муҳаббат уйғотади. Ҳикоянинг аҳамияти ҳам мана шунда» (12 — бет).

Бошқа ҳикояларнинг талқини ҳам айти шу тарзда — ўта юзаки, жўн, соф мафкуравий йўналишда, нуқул коммунистик гоё тарғиботига хизмат эттирилган. Мактаб тарбиясининг оқибатини қарангки, айрим мунаққид ва қаламкашлар ҳатто бугун ҳам ўша тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг асоратларидан тўла халос бўла олганлари йўқ. «Шоҳи сўзана», «Синчалак», «Сароб» каби асарларга муносабатда бу ҳол яққол кўринди.

«Шоҳи сўзана» эзилган, саҳнага чиққан, ўша давр Иттифоқ давлат мукофоти билан тақдирланган, мамлакат ва жаҳоннинг юздан ортиқ машҳур театрлари саҳнасида ўйналиб, мислсиз доврўф қозонган йиллари мен педбилим юртида ўқирдим. Бу комедия яшин тезлигида билим юрти ўқув дастурларига киритилди. Адабиёт фанидан Абдулла Қаҳҳорга ажратилган дарс соатларининг деярли ҳаммаси «Шоҳи сўзана»га бағишлангани ёдимда. Ўша кезлари машҳур театрлар билан баробар кўплаб ҳаваскор ижодий гуруҳлар ҳам бу комедияни саҳналаштирганлар. Улардан ибрат олиб гоёят билимдон, нуқтадон адабиёт ўқитувчимиз Жўнайдулла домла раҳбарлигида билим юрти ёш ижодкорлар тўгараги «Шоҳи сўзана»ни саҳнага олиб чиқди. Спектаклда мен Одиллов, болалик дўстим, кейинчалик моҳир педагог сифатида узоқ йиллар мактабда адабиётдан дарс берган, яхшигина болалар ёзувчиси бўлиб етишган Олтмишбой Ўсаров Деҳқонбой родини ижро этдик. Билим юрти спектаклининг доврўфи шаҳар бўйлаб тарқалди. Конибодом шаҳри маданият клубида бир неча бор намойиш этилди.

Спектакл роллари ижроси чоғида бир ҳолат Олтмишбой иккимизни таажжубга соларди: комсомол, фронтвик родини ўйнаган Олтмишбой, партия ташкилоти секретари родини ижро этган камина бу ёқда қолиб, нуқул «эскилик», «феодал ўтмиш» сарқитларидан халос бўла олмаган қолоқ кампирлар Холнисо

билан Ҳамробувилар олқиш олиб кетишарди. Ўша кезлари бунинг сири нимада эканлигини билолмай ҳайрон бўлардим. Очиги, мен ҳам бир вақтлар «Шоҳи сўзана»даги кулгининг моҳиятини асар ғоявий мазмуни ва тарбиявий аҳамиятини адабиётшуносликда, қолаверса, дарсликларда талқин этилганидек, эскилик сарқитларини ўзида ташувчи Ҳамробуви ва Холнисолар сингари «ҳаётдан ортда қолган», «қолоқ» кишилар устидан кулишда деб билардим. Орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтиб, унча — мунча оқ — қорани таниб, адабий — танқидий тафаккурдаги эврилишлар силсиласини сарҳисоб қилиб, «Шоҳи сўзана» довуғи сири унинг илғор замондошлар, комсомол, партия раҳбар ходими образини яратганлигида, одамларнинг чўлни ўзлаштиришдаги шижоатида, асарнинг «қаҳрамонлик комедияси» эканлигида, ҳаётдан орқада қолган қолақ кимсаларни танқид остига олинганлигида эмас, балки айни ўша «қолоқ» кимсалар — Ҳамробуви ва Холнисолар сиймосида тажассум топган миллатга хос асл қадриятлар ифодасида, уларнинг бор бисоти, улуғлиги ва ожиз томонлари, ўйлаш, фикрлаш тарзи, самимияти маҳорат билан кўрсатилганида экан. Жамики ожиз, кулгили жиҳатлари билан улар ўз қадри, шаънини баян тутадиган асл ўзбек аёлларидир. Айни ўша онажонлар тимсолида жаҳон томошабинлари ХХ асрнинг талотумлари гирдобида ўзлигини, шаънини, қалбини сақлаб қололган ҳақиқий ўзбекни кўрди ва уларга қойил қолди.

Шўро даври адабиёти дарсликларида «Синчалак» ҳам фақат «коммунистик ғоявийлик», «партиявийлик» мезонлари асосида таҳлил, талқин ва тарғиб этилган; асардаги бош қаҳрамон Саида нуқул «ажойиб замондош»ларимизнинг типик намояндаси тарзида ёшлар учун ибрат қилиб кўрсатилган. 70 — 80 — йилларда адабиёт фанидан иншо ёзиш кенг урф бўлган, иншо мавзулари орасида «Синчалак», хусусан, Саида образи муносиб ўрин тутарди. Улар билан баробар «Мен севган қаҳрамон» деган эркин мавзу ҳам тақдим этиларди. Шахсан ўзим кўп кузатганман — айни шундай эркин мавзуда олий ўқув юртига кирувчи абитуриентлар ёзган иншоларнинг аксарияти айни ўша Саида образига бағишланар, табиийки, энг юқори баҳоланган иншолар ҳам дарсликлардаги мавжуд гапларнинг сал бошқачароқ тарздаги қайтариғидан иборат бўлар, хусусан, қизлар ёзган бу мавзудаги иш, албатта, «Мен ҳаётда Саидадай бўлишни орзу қиламан» деган жумлалар билан яқунланар эди.

Бир гал адабиётдан оғзаки имтиҳон чоғи айни шундай иншо муаллифи — кўзлари чақнаб турган қизалоқдан: «Ишингизда сиз Саидани менинг идеалим, келгусида айни шу қиздай бўлишни орзу қиламан», деб ёзибсиз. Айтинг — чи, Саиданинг кам — кўстлари, сизга маъқул тушмайдиган одат, хатти — ҳаракатлари ҳам борми?» деб сўраганимда, у бирдан довдираб, ўй суриб қолди. «Бу ҳақида дарслиқда, мен ўқиган мақолаларда ҳеч нарса ёзилмаган» дейиш билан кифояланди. Қизалоқ ҳақ эди. Дарҳақиқат, дарслиқларда ҳам, «Синчалак» ҳақидаги аксар мақолаларда ҳам у нуқул ёшларга ибрат бўларли етук курашчи ижобий қаҳрамон сифатида талқин этилган.

80 — йиллари Хўжанд университети филология факультетидаги дўстларимиз таклифига кўра маърузалар ўқиш учун бордим. Маърузалардан ташқари менинг иштирокимда «Бугунги адабиётда замондошимиз образи» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбати чоғи «Синчалак» билан боғлиқ қизиқ ҳодисага дуч келдим. Талабалардан бири Саидани ҳозиргача ўзбек адабиётида яратилган энг ёрқин замондош ижобий қаҳрамон, деб атади; нутқини 80 — йиллар адабиётида Саидага ҳар жиҳатдан тенг келадиган, ёшларга ҳар жиҳатдан ибрат бўладиган қаҳрамон образи яратилмади, деган сўзлар билан яқунлади. Мен ўша йигитдан «Уйланганмисиз?» деб сўрадим. У ҳали уйланмаганлигини айтди. Яна савол билан мурожаат қилдим: «Сиз кўнги қўйган, уйланмоқчи бўлган қиз Саидадай бўлишни хоҳлайсизми?» Шунда йигит: «Йўқ. Асло!» деб жавоб берса бўладими! Даврада бирдан кулги кўтарилди. Кулги босилгач «Нега?» деб сўраганимда «Отаси, балки бобоси тенги Қаландаровдек раҳбар одам билан олишиб, аския айтишиб, далада от миниб юрадиган бетгачопар қиз бизга тўғри келмайди — да» дея жавоб берди. Унинг бу жавоби даврадагиларни ўйлантириб қўйди.

Гапнинг очиги, шу воқеадан кейин «Синчалак»ни қайта ўқиб чиқдим. Ўша пайтга қадар биз нуқул ибрат бўларли фаол ижобий қаҳрамон деб юрган бу қиз тимсолида буюк реалист адиб кўп зиддиятли жиҳатларни ҳам очиб берганлигига, муаллиф унинг хатти — ҳаракатларини нуқул ардоқ билан эмас, киноя — кесатиклар орқали ҳам ифода этганлигига амин бўлдим. Адиб яратган шўролар даврида комсомол ва партия тарбиялаб етиштирган жасур ва ғолиб раҳбар қиз Саида тимсолида бу тонфа аёлларга хос фазилатлар билан баробар қатор қусур —

ожизликлар ҳам ўз тажассумини топган. Ёзувчи бу образдаги жамики мусбат ва манфий жиҳатлар илдизилари ва оқибатларини теран очиб берган. Бу хусусда мен «Гулистон» журналида босилган мақолада, сўнг «Қаҳҳорни англаш машаққати» рисоласида батафсил гапирганман.

Ниҳоят, сўзлаш гали адибнинг энг жиддий ва мунозарали асари «Сароб»га келди. Аввало, бу романнинг ижодий тақдири ғоят мураккаб кечганлигини эслаб ўтиш жоиз. Абдулла Қаҳҳор таржимаи ҳолида: «Аввал Ўрта Осиё Давлат университетининг педагогика факультетида, ундан кейин Тил ва адабиёт илмий — текшириш институтида ўқиганимга, таржима ишлари билан қаттиқ машғул бўлганимга қарамай, «Сароб»ни тўрт йилда ёзиб тугатдим», — дейди. Асар 1934 йили республика конкурсидан мукофот олади, нашрга тавсия этилади. Асардан боблар «Ўзбекистон шўро адабиёти» журналида эълон этилади, алоҳида китобча ҳолида босилади. Аммо унинг тўла китоб ҳолда чиқиши салкам беш йилга чўзилди. Ниҳоят, роман 1937 йил декабрда чоп этилиб, 1938 йили ўқувчилар қўлига етиб боради. 10 минг нусхада босилган китоб тез орада тарқаб кетади, китобхон уни хуш қабул қилади. «Ўткан кунлар» каби уни бошдан — оёқ ёд олгучилар ҳам бўлган. Жумладан, Қаҳҳор адибимиз Саид Аҳмад «Сароб»ни ўша кезлари ёд олганлардан бири, орадан 67 йил ўтган бўлса — да, устоз ҳозиргача уни ёддан биладилар...

Абдулла Қодирий ички бир ўкинч — алам билан «Ўткан кунлар» дунёга келиши биланоқ бахтсизликка учрай бошлаган эди: беш йиллаб босила олмай ётди. Ниҳоят... босилиш муяссар бўлганида ҳам турлик зарбаларга учради» деб ёзган эди. Айни шундай ҳол «Сароб» қисматида ҳам юз берди, юқорида айтилганидай, асарнинг китоб ҳолда чиқиши беш йилга чўзилди. Китобхон уни хуш қабул қилган бўлишига қарамай, адабий танқид «найза кўтариб қарши олди». 1939 йил баҳоридан Х.Мусаев деган кимсанинг «Ёш ленинчи» газетасида «Сароб» ҳақидаги мақоласи босилди. Мақола муаллифи «Сароб»ни совет воқелигини бузиб кўрсатувчи, миллатчиларни ва эксплуататор синф вакиллари мақтаб кўкка кўтарувчи асар сифатида қоралайди; «Сароб» совет адабиётининг намунаси бўлолмайди, унинг муаллифи бизга ёт унсур, деган хулосага келади.

Шу мақола туртки бўлиб июн ойида ўша кезлари масъул раҳбар ходим вазифасида ишлаган Сулаймон Азимов раислигида «Сароб» муҳокамаси ўтказилди, мунозара уч кун

давом этди. Мунозара қатнашчилари, бир томондан, «Сароб» муаллифи аксилинқилобий кучларни фош қилиш йўлидан бориб тўғри қилган десалар; иккинчи томондан, ана шундай кучларга ачиниш уйғотиб нотўғри қилган деган фикрни илгари сурадилар. Орадан бир ярим йил ўтиб, Ёзувчилар Союзи правлениесида Ҳамид Олимжон раҳбарлигида «Сароб» ҳақидаги мунозара яна давом эттирилади. Мунозарада улуғ адиб Ойбек «Сароб» аксилинқилобчиларни фош этувчи асар бўлиши билан баробар, у юксак санъат намунаси эканини уқтиради. «Сароб» ўзбек адабиётида энг кўркам асарлардан бири. Ҳақиқатан, образнинг ишланиши, тил жиҳатидан Абдулла Қаҳҳор бу асарда катта маҳорат қозонилган» дея унга юксак баҳо беради.

Айни пайтда Ойбек ҳам асарда совет воқелигининг фактлари анча юзаки тасвирланганини, чинакам бадиийлик касб этмаганлигини таъкидлайди. Мана шундай зиддиятли қараш «Сароб»га узоқ йиллар соя ташлаб келди; уни ҳимоя қилувчилар учун ҳам, рад этувчилар учун ҳам асосий дастак хизматини ўтади. Гоҳ ҳимоя ва оқловлар роман зидди учун хизмат қилди. Матёқуб Қўшжонов ёзганидай, «Мафкуравий яккаҳокимлик авжига чиқиб бораётган пайтларда «Сароб» зарарли асар деб эълон қилинди. Абдулла Қодирий романлари қаторида қатағонга учради. Узоқ вақтлар мунаққидлар уни тилга олмадилар. Қайта нашр ҳам қилинмади». Сталин вафотидан сўнг орадан йигирма йил ўтгач, 1957 йили яна китоб ҳолида босилди. У ҳақида ижобий гаплар айтила бошлади. Бироқ 80 – йилларнинг «қайта қуриш» палласида «Сароб»га яна янги ҳамлалар бошланди; 30 – йиллари асарни ҳимоя этиш учун дастак бўлган «аксилинқилобий салбий кучларни фош этиш» энди ёзувчининг катта хатоси, замонасозлиги деб бонг урилди. Ҳатто 30 – йиллар танқидчилиги нуқсон деб ҳисоблаган романдаги салбий кучлар – буржуа миллатчиларига хайрхоҳлик ҳақида улар лом – лим демадилар. Вульгар социологизм руҳидаги бундай ҳамлаларга мен «Шарқ юлдузи» журналининг 1990 йил 4 – сониде босилган «Ҳаёт сабоқлари» сарлавҳали мақолада жавоб беришга уринганман. Ёзувчи Пиримкул Қодиров билан «Ҳақиқат ва сароб» сарлавҳали суҳбатда («Ёшлик», 1987 йил, 10 – сон), романнинг асл моҳиятини очишга уринганмиз. Бу хил баҳслар 90 – йиллар, XX аср бошларида ҳам тўхтагани йўқ. О.Шарафиддиновнинг «XX аср ўзбек адабиёти тарихи»дан (1999) жой олган «Абдулла Қаҳҳор», Матёқуб Қўшжоновнинг «Сароб»нинг «XX аср ўзбек

романи» туркумида чиққан нашрига (1995) сўнгсўз тарзида ёзган мақолаларида, Р.Қўчқоровнинг «Мен билан мунозара қилсангиз...» рисоласида (1998), камина қаламига мансуб «Мафқуравий – сиёсий тазйиқ ва истеъдод қудрати» («Жаҳон адабиёти», 2001 йил, 4–сон) сарлавҳали мақола, «Қаҳқорни англаш машаққати» номли рисолада (2000) мазкур роман теварагидаги бугунги баҳс ва қарашлар акс этган.

Муҳими, қарашлар, баҳслар, талқинлардаги фарқлар, айрим зиддиятлар давом этаётганлигига қарамай, мустақиллик йилларида «Сароб» чинакам қадрини топиб бормоқда деб дадил айта оламиз. Асар фақат олий ўқув юрти эмас, ниҳоят, мактаб адабиёт дарсликларидан ҳам муносиб ўрин эгаллади.

Биз фикрлар хилма – хиллиги қонун билан кафолатланган мустақил демократик мамлакатда, фанда замонавий герменевтика – талқинлар хилма – хиллиги устивор бўлиб бораётган замонда яшаётимиз. Бирор адабий ҳодиса, асар хусусида бир одамнинг гапини мутлақ ҳақиқат деб қабул қилинадиган ва унга расмий тус бериладиган замонлар ўтиб кетди. Фикрлар, талқинлар хилма – хиллиги таълим тизимида, адабиёт дарсликларига ҳам дадил кириб бормоқда. Ишончим комилки, дарсликлардан ўрин олган миллий ва жаҳон адабиётидаги мураккаб, мунозарали асарлар қатори малакали илғор ҳамкасбларимиз «Сароб» романи дарсларида замонавий герменевтика усулларида моҳирона фойдаланган ҳолда асарнинг асл моҳиятини ёш авлод онгига етказа оладилар.

Президентимизнинг «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳқор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги тарихий қарори эса улкан адиб ижодий меросини, жумладан, «Сароб» романини янада теранроқ англаш йўлида маёқ вазифасини ўтайди.

2007 йил январ

ТУГАЛАНМАГАН ҚИССА КЎЛАМИ

Мен гапни «Зилзила» қиссасининг ижодий тарихидан бошламоқчи эдим. Бироқ бу ҳақида гапиришдан олдин озгина адиб ижодининг айрим хос жиҳатларини эслатиб ўтишга эҳтиёж туғилаётир.

Абдулла Қаҳҳор дунёсига хос энг муҳим хусусиятлардан бири шуки, адиб бутун ижодий фаолияти давомида фақат ўзи кўрган, бевосита шоҳид бўлган, дилдан ҳис этган воқеа — ҳодисалар, замондош — таниш одамлар ҳақида ёзди. Асарларидаги макон аниқ — ҳеч қачон қадами етган ҳудуддан нари ўтмаган. Айрим асарларида, масалан, «Олтин юлдуз» қиссасида ўзи кўрмаган жанг лавҳалари қаламга олинади, бунда у ўзи бевосита танишиб яқиндан ўрганган қаҳрамон саргузаштлари, ҳикояларига таянади. Қарангки, қиссадаги нисбатан заиф саҳифалар айнаи ўша ўзганинг гап — сўзлари асосида битилган лавҳалардир. Шунингдек, «Сароб»даги расмий, мафкуравий — сиёсий ҳужжатлар таъсирида битилган саҳифалар ҳам хийла юзаки, бўш чиққан. Ёзувчи асарларида замон чегараси ҳам чекланган, барча ёзганлари дунёга келиб эсини таниган давр — мурғак болалик, тахминан 1910 йилдан то қўлдан қалами тушган 1968 йил бошларигача рўй берган ҳодисалар ифодасидан иборат. Адиб қалами остидан чиққан жамики асарларни кўз олдингизга келтиринг — улардаги қимирлаган жон борки, ҳаммаси шу оралиқда намоён бўладилар. Ёзувчи фантазия — тасаввур эмас, биринчи гада реал ҳақиқатга таяниб иш кўрган, ҳаётда кўрган — кечирганлари ҳар қандай тўқима эртак — афсоналардан кўра мароқли туюлган, ҳам сурур, ҳам фожиа, ҳам комик асосларни — барчасини бевосита ўзи шоҳид бўлган, бошдан кечирган реал ҳаётий заминдан олган. Айнаи пайтда адиб асарлари ҳаёт ҳодисаларининг айнан копияси эмас. «Ҳаётдан айнан кўчириш китобдан кўчиришдай гап» дерди устоз. Ёзувчининг ён дафтарларини, ўз ижодий тажрибалари ҳақидаги суҳбат, қайдларини ўқисангиз қатор асарлари, кўплаб персонажлар учун хамиртуруш вазифасини ўтаган ҳодисалардан огоҳ бўласиз. Айнаи пайтда, шу ҳаётий фактлар санъаткорнинг қалами сеҳри туфайли мўъжизакор янги бир оламга, чин санъат ҳодисасига, мангу барҳаёт тимсолларга айланганлигини кўриб ҳайратга тушасиз.

Ҳаётий заминда мустаҳкам турган адиб ижодда ҳеч қачон шунчаки воқеанавис — солномачилик йўлидан борган эмас. Энг сара асарлари салкам олтимиш йил давомида она — Ватан, миллат тақдирида чуқур из қолдирган аламли ҳодисаларга муносабати — адибнинг ўкинчи, дилдаги оҳу зорлари, исёни тарзида майдонга келган. Шу йиллари эл — юрт ҳаётида юз берган бирорта жиддий воқеа — ҳодиса адиб эътиборидан четда

қолмаган. Бўлғуси адиб икки ёшида эканида, маърифатпарвар ҳамшаҳари Иброҳим Давроннинг газетада «Хўқандда порк саёҳати» мақоласи босилади, мақола кўп шов – шувларга сабаб бўлади. Бу хусусида Абдулла Қаҳҳор оиласи даврасида ҳам гап – сўзлар айлангани аниқ. Шу ҳодисанинг мурғак қалбдаги акс – садоси орадан йиллар ўтиб яратилган «Томошабоғ» ҳикоясида юз кўрсатди. Бу ҳикоя, шунингдек, ўтмишдан олиб ёзилган барча асарлари муаллифнинг миллат шаънини, қадриятларини топташга қаратилган истибод сиёсатига нисбатан нафрат, қалб туғени бўлиб янграйди. «Ўтмишдан эртақлар»нинг талай саҳифалари, хусусан, «Муҳаммаджон қори» боби аср бошларидаги маърифатпарвар жадиҳчилик ҳаракатига хайрхоҳлигининг бир тасдиғи сифатида қимматлидир. Октябр тўнтаришидан кейин мамлакатимизда юз берган талотумлар, «икки тўлқин» кураши ва унинг миллат фарзандлари тақдиридаги фожей асоратлари «Сароб», «Қўшчинор» романларида ўзига хос тарзда юксак маҳорат билан акс эттирилган. Иккинчи жаҳон уруши фожиялари, яккахоким мафкура, мустабид тузум етиштирган ғаройиб нусхаларнинг хилма – хил ўхшаши йўқ тимсоллари, ўта оғир, мушкул замонларда ўзлигини, инсоний шаънини, ғурурини сақлаб қололган, гўё зулмат қўйнида нур бўлиб чақнаган Асрор бобо, Мастура, Унсин, Собир Салим, илиқ табассум, халқона юмор билан йўғрилган Ҳамробуви, Холнисо каби ёрқин адабий тимсоллар – буларнинг ҳар бири ёзувчининг замонаси, замондошлари тўғрисидаги ўй – мушоҳадалари, ёниқ сўзларидир.

Даврнинг шу хил ҳаяжонли ҳодисалари, таниш одамлари ҳақида қалам тебратган адиб асрнинг яна бир фожиявий ҳодисаси Сталин қатағонлари, қатағон қурбонлари, ёзувчи ибораси билан айтганда, «культ даври» асоратларини четлаб ўтиши асло мумкин эмас эди. Узоқ йиллар қалбини ўртаб унга тинчлик бермай келган бу мавзуга у 1959 йилнинг январида қўл урди. «Зилзила» деб аталган қиссанинг бир неча боблари қоғозга тушди. 60 – йилларнинг бошларида матбуотда асардан парча эълон этилди. Лекин қисса устида иш негадир юришмади. Адиб 1966 йил 15 декабрда ёзган «Вақтим чоғ» сарлавҳали мақоласида «бир неча йилдан бери тўхтаб ётган «Зилзила» номли повестимни давом эттираман» дея ваъда қилган эди. Ўша кезлари унинг фикри – ёди шу асар билан банд бўлган. Кибриё

опа «Чорак аср ҳамнафас» рисоласида ёзадилар: «Бир гал «Агар «Зилзила» деган қиссани битирсам, жуда иноқ, ҳамманинг ҳаваси келадиган бир оила ҳақида повесть ёзаман» деб қолдилар» (63—бет). Ана шундай улкан ниятлар оғушида анча йиллардан бери соғлигини кемириб келаётган хасталикка сўз бермай, зўр ғайрат—шижоат билан «Ўтмишдан эртақлар»ни китобхонларга тақдим этди, хасталик хуруж қилиб турганида «Муҳаббат» қиссасини поёнига етказди. Лекин «Зилзила» битмай, ҳамманинг ҳаваси келадиган бир оила ҳақидаги повесть эса ёзилмай қолди. Улуғ адиб вафоти олдидан Кибриё опага армон билан «Афсус, «Зилзила» чала қолди» деган экан («Чорак аср ҳамнафас», 93—бет).

Орадан йигирма йил ўтиб, «Шарқ юлдузи»нинг 1987 йил 9—сонида «Зилзила»нинг қоғозга тушган саҳифалари илк бор Кибриё Қаҳҳорованинг изоҳи билан эълон этилди. Ўша кезлари Кибриё опа Қаҳҳорнинг 30—йиллар бошларида ёзилиб китоб ҳолида чиққан, бироқ талабчан адиб кейинчалик танланган асарларига киритишни лозим кўрмаган «Қишлоқ ҳукм остида», «Қотилнинг туғилиши» ҳамда тугалланмай қолган «Зилзила»дан иборат тўплам тайёрлаган, тўплам учун Саид Аҳмад махсус мақола ёзиб берган эди. Қаҳҳорга нисбатан давом этаётган совуқ муносабат оқибати бўлса керак, бу тўплам чиқмай қолиб кетди; Саид Аҳмад сўз бошиси эса ёзувчининг Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги хотиралари таркибига киритилиб 2000 йили чоп этилган сайланма асарларининг учинчи томида эълон этилди. Саксон ёшда ҳам ўзини шогирд санаган Қаҳҳорнинг адиб устозининг «Зилзила» асари хусусида тўлиб—тошиб: «Бу қисса адибнинг адолатсизликка, зўравонликка, қонунсизликка қарши кўтарган исёни эди... Менимча, «Зилзила» ҳар қандай таъна тошларига дош берадиган, ўз—ўзни ҳимоя қилишга қодир асардир... Сиз уни, албатта, ўқиб чиқасиз. Ўйга толасиз, таҳқирланган, қувғинга учраган, қамоқ камераларида хор—зор бўлиб умрини поёнига етказган, олис юртлар тупроғида қолиб кетган жигарбандларингизни эслайсиз. Руҳингизни аллақандай мунг чулғаб олади» деб ёзади (137—138—бетлар).

Бундай ёниқ ҳис—ҳаяжоннинг боиси аён: муаллиф «Зилзила»дагига ўхшаш воқеа—ҳодисаларни ҳаётда кўп кузатган, ҳатто қисман ўз бошидан кечирган; адиб у ҳақида бирор нарса ёзмаслиги мумкин эмас эди, аммо ўша пайтга қадар қоғозга туширишга юраги дов бермай келган.

XX аср жаҳон романчилигининг нодир намуналаридан саналмиш «Жараён» муаллифи кашф этган энг муҳим ҳақиқат шуки, тоталитар режим шубҳа, гумон остига олинган ҳар бир бегуноҳ, ҳалол одамни истаган қолипига солиб жиноятчиға чиқариб, йўқ «гуноҳи»ни бўйнига қўйиб қатл чоҳига — аждаҳо комиға тутиб беравериши мумкин. Устидан жараён бошланган зот борки, бу чоҳдан омон чиқиб кетиши мумкин эмас, бу ишда ҳеч ким унинг жониға ора киролмайди. Ф. Кафка ўтган аср бошларида башариятни ана шундай мислсиз хавф — ўлатдан огоҳ этган эди. 30—40— йиллари тарих саҳнасида жавлон урган фашизм, тоталитаризм балоси улуғ адиб башоратини тўла тасдиқлади. «Жараён»да Йозеф К. тимсолида рамзий — хаёлий тарзда ифода этилган фожиалар реал ҳаётда айнан содир бўлди, бу офат неча ўн миллионлаб бегуноҳ одамларни ўз комиға тортиб кетди. Гарчи ҳалол ва жасур қалам аҳли бу даҳшатли ҳодисаларға имо — ишоралар қилган бўлсалар — да, ўша кезлари бу хусусда ошкора гап айтиш имкони мутлақо йўқ эди. Фақат мустабид ҳукмдор вафотидан кейингина бунинг учун йўл очилди. Миллий адабиётимизда биринчилардан бўлиб шижоатли адиб Абдулла Қаҳҳор бу хусусида ўз сўзини айтишға чоғланди.

«Зилзила» фабуласи бошда бу мавзуда яратила бошлаган асарларға хос чақув, ҳибс, тергов, қийноқ, ҳукм ва лагер ҳаёти ифодаси тарзида режалаштирилган, бош қаҳрамонни ўша мушкул сўқмоқлардан олиб ўтиш мўлжалланган.

Бош қаҳрамон Собир Салими биз турмада, ўлим камерасида йиғирма беш соатдан бери ажал кутиб ўтирган ҳолда учратамиз. Ёзувчи уни шу ҳолға тушгунига қадар бошдан кечирган ҳодисаларни ўзига хос ихчам, аниқ — лўнда, ниҳоятда таъсирчан бир тарзда ифода этади; уни шу кўйларға тушишиға сабабчи бўлган маккор сотқин ҳамкасби Мирвоҳид, одам қиёфасидаги йиртқич терговчи билан таништиради, энг муҳими, бош қаҳрамон табиатиға хос етакчи хусусиятлар, унинг маънавий — руҳий бисоти билан бизни ошно этади.

Институт раҳбар ходими, филолог олим, доцент Собир Салим ниҳоятда пок, оққўнғил, ўзига ҳам, ўзгаларға ҳам ишонадиган, ҳукуматға садоқатли одам, ҳатто у совет ҳукуматиға садоқатда фанатик даражасиға етиб борган. Ҳукумат сиёсатининг тўғрилигиға кўнглида заррача гумон туғилса ўзини қолақ, сиёсий жоҳил ҳисоблаб бу сиёсатни астойдил тушунишға, ўзгаларға тушунтиришға тиришади. Бу тузум худди китобларда,

шиорларда битилганидек дунёда энг одил, эркин жамият деб билади. Шу боис ҳибсга олиниш пайти у буни бирор англашилмовчилик натижаси, нари борса бирор соатда ҳақиқат юзага чиқади — ю, узр айтиб қўйиб юборишади деган хаёлда кўрпа — ёстиқ олиш у ёқда турсин, қўшнинг уйда ўтирган хотинини чақиришни, ҳатто нариги уйда ухлаб ётган ўрлини уйғотишни ҳам лозим кўрмайди, «булар ҳам одам... буларнинг ҳам уйи, бола — чақаси бор» деб ўйлайди.

Орадан соатлар, кунлар, ҳафталар, ойлар ўтади, масхарабозликдан иборат терговлар, куракда турмайдиган сохта айбловлар, гувоҳ билан юзлаштириш, ҳақорат, калтаклаш, қоронғи одиночкадаги мислсиз қийноқлар... Бу соддадил одам сохта айблов ўрнига кўп йиллардан бери кўнглини ғаш қилиб келган эски айби — отасидан қолган тўппончани вақтида ҳукуматга топширмаганини ошкор этгудай бўлса, бунинг учун ҳукумат кечирар, деган хаёлга боради. Ва бор гапларни ёзиб беради. Афсус, бунинг учун афв ўрнига зугум, қийноқ авжига минади. Шунда ҳам у терговчига қарата «Ўйласангиз — чи, сиз ҳам одам — ку! Мен бизнинг турмаларда маҳбусларга жисмоний озор берилар деган фикрдан узоқ эдим, ҳозир ҳам буни ақлимга сиғдиролмайман. Тушимга ўхшайди...» дея мурожаат этади.

Терговчи аслида одам қиёфасидаги мустабид режимнинг ижрочи роботи, ҳаттоки унинг исми — шарифи ҳам йўқ; ҳунари ҳақиқатни аниқлаш эмас, нима қилиб бўлмасин жиноятни тасдиқлаш, бу йўлда эртагу афсоналарни орта қолдириб кетадиган уйдирмаларни тўқиб — бичади, юзсизлик, шафқатсизликда ёсуману дажжол унинг олдида ип эшолмайди.

Ёзувчи қиссада уйдирмаларга устаси фаранг бу хил терговчилар қиёфасини янада очиб юборадиган разведкачиликда айбланган бир қув маҳбуснинг латифанамо ҳикоясини келтиради. Эмишки, маҳбус Каспий денгиз портларида жуда кўп махфий маълумотларни йиққан, жуда кўп нозик жойларни суратга олган, ундан кейин бир кун ярим кечаси моторли қайиқда Каспийдан Қора денгизга ўтади. Маҳбус Қора денгизда ҳам шунақа маълумотлар, суратлар йиққанини айтиб ёзиб беради. Жоҳил, лақма терговчи эса бу «ноёб маълумот»га — ғирт уйдирмага чипа — чин ишонади, уни айблов ҳужжатига тиркайди, тезликда бундан юқоридагиларни хабардор қилади, юқоридагилар эса ундан — да юқорига етказиш пайига тушади... Анқов терговчи ҳам, юқоридагилар ҳам Каспий

билан Қора денгиз орасида сув йўли йўқ эканини хаёлига ҳам келтирмайдилар. Зотан, улар тўқиб чиқарган бўхтонлар олдида бунақа уйдирмалар ҳеч гап эмас. Сўнг ёзувчи персонаж тилидан киноя — кесатиқ, истеҳзо ила дейди: «Разведкамизнинг аҳволи шу бўлса, тагин ҳам давлатимиз мустаҳкам экан. Разведкаси бир кунгина шу аҳволга тушган бошқа давлат эртага қолмай қулайди!»

Нақадар ўткир айбнома бу!

Мана бу лавҳаларга келганда ўқувчи ўзини қўярга жой тополмай қолади. Терговчи Собирнинг рақиби Мирвоҳид олдида ўзи қолиб фуқаролар урушида шўролар ҳимояси йўлида ҳалок бўлган отасини Чапаевга менгзаб масхара қилади. Адиб ёзади: «Терговчи бу гапи билан отасининг арвоҳини ҳақорат қилаётганлиги Собирнинг жон — жонидан ўтиб кетди, фарёд чекиб, йиғлагиси келди, лекин кўз олдида тантана қилиб турган икки душмани олдида оғзи тўла қон бўлса ҳам тупургиси келмади — ю, тишини тишига қўйиб, хиёл титраган товуш билан:

— Менинг отам оддий жангчи эди, ҳалок бўлганида уни бутун шаҳар кўмган, — дея олди холос».

Жисмоний, айниқса, маънавий азоб — уқубатлар, таҳқиру хўрликлардан тўйиб кетган Собир ўзини ўлдирмоқчи бўлади — ю, бирдан ниятидан қайтади, «наинки бу қоронғи кечанинг сўнмас, абадий кундузи бўлмаса!... Шу умид, шу ишонч уни ўлимдан омон сақлади» деб ёзади адиб.

Тройканинг ҳукми эшиттирилаётган лавҳа тасвирида ёзувчи бу бола табиат, соддадил одам бисотини яна ҳам ёрқинроқ очиб юборадиган бир ҳолатга эътиборимизни тортади. У оқланишига амин бўлгани учун ҳукмининг «Собир Салим батамом оқлансин!» деган жойига илҳақ бўлиб туради. Бироқ тройка уни отиб ўлдиришга ҳукм қилгани маълум бўлгандан кейин ҳам вужудини совуқ бир карахтлик қамраб оладию «Бу мени қўрқитиш учун қилинган найранг эмасмикин» дея ўзига тасалли беради. Соддадиллик ҳам шунчалар бўларкан!

Қаҳрамондаги бу ноёб туйғу — одамзотга бемисл ишонч, адолат тантанасига чексиз умид, матонатни фақат мутаассибликка йўйиш бир ёқламалик бўлар эди. Буни, баки, ардоқли қаҳрамонига муаллифнинг ўзидан ўтган айрим хислатлар зуҳри деб қараш ҳам мумкиндир. Пировардида ўлим жазоси ўрнига йигирма беш йил озодликдан маҳрум этилиши

бу аломат инсонга нисбатан муаллифнинг мукофоти, қолаверса Аллоҳнинг инояти эди.

Гарчи қисса тугалланмай қолган бўлса — да, назаримда, Собир Салим тугал қаҳрамон. У адиб бисотидаги Асрор бобо, Мастура каби баркамол «ғўзал инсон» образлари қаторидан ўрин олишга ҳақли.

1966 йил баҳорида Абдулла Қаҳҳор хонадонига гурунг чоғи Озод ака «Зилзила» устидаги иш қандай кетаётгани хусусида сўз очиб қолди. Шунда адиб: «Иш жараёнида аввалги режалар ўзгариб борапти. Қиссада лагер ҳаётини ҳам қаламга олиш назарда тутилган эди. Кейинчалик ўйлаб кўрсам, бу менинг ишим эмас экан. Буни ўша воқеаларнинг атрофида эмас, ичида бўлган Шайхга, Шухратга, Саид Аҳмадга қўйиб бериш керак. Менинг вазифам бу ёқда — «озодлик»да юрганларнинг ҳаётини, аҳвол — руҳиятини кўрсатиш. Булар бошига тушган кўргиликлар лагердагиларникидан асло қолишмайди. Уларнинг қисмати, дарди — дунёси ўзимга яқиндан таниш» деган эдилар.

«Зилзила»нинг қоғозга тушган саҳифаларини синчиклаб ўқисангиз қисса воқеалари икки чизиқ бўйлаб, чунончи, Собир Салимнинг ҳибс — қамоқдаги кўргиликлари ҳамда умр йўлдоши Гуландомнинг «озодлик»даги драмаларга тўла чигал қисмати ифодаси тарзида давом этади. Собир Салим йўналиши деярли интиҳосига етиб асосий диққат — эътибор Гуландом қисмати талқинига қаратилади, у асардаги етакчи сюжет йўналишига айлана боради. Қиссада Гуландомнинг бошига тушган савдолар драмаси ҳам қаҳҳорона юксак бир маҳорат билан кўрсатилган.

Гуландом бирдан йўқолиб қолган эрининг қаерда экани ҳақида уч кундан кейин дарак топиб у ерга кўрпа — ёстиқ элиб беради. Мана шу оддий хабарга берилган шарҳга қаранг: «Бу ерга кўрпа — ёстиқ киргизиб юбориш ўликнинг қабрига бир жуфт шам ёқишдай охирги маросим, чунки у дунёдан ҳам, «бу дунё»дан ҳам ҳеч ким қайтиб келган эмас».

Бу шарҳни ўқиб вужудингизга титроқ югуради.

Гуландом эрининг қамалганини мумкин қадар яширишга ҳаракат қилади, буни ўғлига ҳам тайинлайди. Бу оддий хабарнинг изоҳини ўқиб кўринг: «бу кунларда қамалган одам ўлик бўлса, унинг яқинларига ўлим тўшагида ётган моховдай қаралар, улардан ҳамма ҳазар қилар, тезроқ ўлишини, гумдон бўлишини кутар эди». Ўша машғум замонларда ҳибсга олинган «халқ душмани» яқинларига бўлган мудҳиш муносабат

дахшатини бундан ошириб шарҳлаш мумкинми?! Қиссада биз мана шу шарҳнинг амалдаги кўриниши жонли гавдалантирилган ёрқин лавҳалар билан танишамиз.

Мудҳиш муносабатнинг илк оқибат — натижаси шу бўлдики, бу ғам — ташвиш бир ойга қолмай Гуландомни сўриб, кемириб, ғажиб ташлайди, унинг нозик, чиройли қомати, хиёл бўлса ҳам букчаяди, нигоҳига одам боласи тоб беролмайдиган қора учкун сочиб турадиган кўзлари сўнади, юзи сўлиб, икки бетидаги қулдиргич йўқолаёзади. Бор чиройнинг йўқолаётганини айтиб аёл жамолини намоён этиш ҳам ўзига хос санъат! Ўғли Исмат эса ундан кам азоб чеккани йўқ, ўн икки яшар бола чолга ўхшаб қолади...

Бутун бошли бир асар ёки катта бир бобда бериш, ифодалаш мумкин бўлган инсоний драмалар асоратини адиб шапалоқдек матнга сиғдиради.

Булар ҳали ҳолва, энг кескин драмалар, фожиалар, инсон боласи дош бериши мумкин бўлмаган ғусса, кўргиликлар ҳали олдинда. Тирикчилик қилиш керак, «Ётиб ейишга тегирмон чидамайди» деган нақл бор. Гуландом институтни битиргандан кейин редакцияга ишга кирган, аммо Собирнинг рашки, хархашасидан безор бўлиб, ишдан кетган, шундан бери уйда; ўқишда боласига, ишда эрига ёрдам беради. Энди бирон ишга кириши керак. Уни шу дамда ким ҳам ишга оларди...

Ана шундай мушкул дамда Мирвоҳид, ҳа ўша Собирнинг бошига етган маккор Мирвоҳид пайдо бўлади. Йўқ, у бу гал рақибининг умр йўлдоши қаршисида унга ҳамдара, маслаҳаттўй, «нажоткор» сифатида гавдаланади; жабрдийда аёлга эри — халқ душмани билан ора очиқ қилишини маслаҳат беради. Бу билан аёл халқ душманининг хотини деган тавқи лаънат ва маломатдан қутулади, ишга кириб рўзғор тебратиш имкониятига эга бўлади... Ниҳоят, Гуландом шундай ўй — хаёл билан эридан ажралишга қарор қилади, бу ҳақидаги хабар газетада чиқади.

Қиссанинг энг ҳаяжонли, драматик лавҳаларидан бири, шубҳасиз, газетада босилган ажралиш хабарининг яқин кишилар, биринчи галда ота ўғил Исмат қалбидаги акс — садоси тасвиридир. Исмат ҳовлига бемаврид кириб келар экан, ўша шармандали хабар чиққан қўлидаги газетани силкиб бир нима демоқчи бўлади, лекин оғзи очилади — ю, товуши чиқмайди. Қаршисида кечирилмас гувоҳ — юзсизлик қилган бўлса — да, барибир туққан, тарбия берган онаси. Кўнгилдаги ғазаб,

аламини айтишга, тўкиб солишга тили бормай вужуди титрайди, қақшайди, ўзини ҳар ёнга уради, тўлғонади, боши қонга беланиб, жон бераётгандай хириллайди... Гуландом эс — ҳушидан айрилиб дод солади. Қўни — қўшни йиғилади, ҳаял ўтмай воқеанинг сабаби ҳаммага аён бўлади. Қўшни чол Исмат қўлидан тушиб зинада ётган газетани икки бармоғи билан олиб бир — икки силкийди — ю, йиғлаб юборади... Чолнинг йиғиси тигиз ҳолат драмасини олий даражага кўтаради. Бор — йўғи юздан сал ошиқ сўз орқали шунча алам, изтироб, қалб тугёнларини, бир эмас, бир неча тирик инсон тигиз ҳолати, хатти — ҳаракатини бу қадар таъсирчан ифодалаш чиндан — да мислсиз бадиий мўъжиза!

50 — йиллар бошларида талабалик кезлари газеталарда пешма — пеш босилиб турган шундай хабарларни ўқиб ўзаро муҳокама қилардик. Айниқса, ўзимизга таниш «халқ душманлари» жуфти ҳалолларининг бундай қилмишларидан дилимиз вайрон бўларди. Айни пайтда университетимиз юқори курс талабаси шоира Саида опанинг жасоратига қойил қолардик, опани ҳам «халқ душмани» сифатида айбланиб ҳибсга олинган эри Саид Аҳмаддан ажрашишга ундашган, аммо жасур аёл бунга асло кўнмаган...

Бугун Гуландом қиссасини қайта ўқир эканман, замона зуғуми авжига минган ўша кезлардаги Саида опа жасорати ёдга тушади, унга ҳам осон бўлган эмас, лекин ҳамма кўрғиликларга чидаб инсонлик шаъни — шарафини сақлаб қололган. Бўлар экан — ку, ахир! Гуландомда мана шу ноёб инсоний фазилат етишмайди. Осон йўл танлайди. Бу «нажот йўли» аввало ўзи учун қимматга тушади. Яккаю ёлғиз фарзанди бу шармандали хиёнатга чидолмай ўлим излаб кетади, инсофли, диёнатли одамлар ундан юз ўтиради. Буларнинг барчасини адиб ўқувчини ларзага соладиган бир тарзда бутун драмалари билан беради.

Инсон зоти ҳаётда, қалтис вазиятда бир чалғимасин экан, чалғидими қадам — бақадам тубанлик сари кетаверади. Маккор, шилқим «нажоткор» кўмағи билан Гуландом институт буфетига ишга олинади, сўнг юқори доира одамлар доирасига тортилади. «Отнинг ўлими — итнинг байрами» деганларидай, Исматнинг ўлими, бир томондан, Гуландомнинг бағрини тилка — пора қилган бўлса, иккинчи томондан, унинг обрўйини оширади. Муаллиф шу ўринда: «Мирвоҳид ҳар важ билан ва ҳар мажлисда бир илмоқ топиб Гуландомни ибрат қилар, унинг халқ душманидан халқ олдида юз ўтирганини, Гуландом тарбиясида

ўсган бола халқ душманининг пуштикамаридан бўлиб яшагандан ўлимни афзал кўрганини айтиб, баъан кўзига ёш олар эди» деб ёзади. Ва шу заҳоти донишманд адиб вазиятга шундай изоҳ беради: «Собир Салимнинг халқ душмани эканига заррача ҳам ишонмаган, лекин дами ичида бўлган одамлар Гуландомнинг қилмишига юзсизлик, боланинг ўлимига эса шу юзсизликнинг натижаси деб қарашса ҳам, Мирвоҳиднинг сўзларига қарши лом — мим дейишолмас эди».

Бутун фожиа ана шунда, бу айрим одамларнинг эмас, бутун бир жамиятнинг фожиаси. Кўриб, билиб туриб рост гапни айтолмаслик, жамики розолатларнинг дояси. Бундан ҳам ёмони, Гуландом кўра — била туриб эрининг кушандаси қаллоб, шиақим кимса этагидан тутиб эри фожиаси, ўғли ҳалокати, у ҳақидаги бўҳтонлар, қолаверса, ўзининг топталган аёллик шаъни устига тикилган зинапоялар орқали мансаб — мартаба томон интилади, партия сафига киради, райком секретари лавозимига кўтарилади; «совет аёлига хос жасорат билан ботқоқдан чиқиб олган ёш коммунист» келажакда яна янгидан — янги мансаб — мартабаларга кўтарилиши, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган кароматлар кўрсатиши тайин... Афсуски, қисса воқеалари қаҳрамон мансаб — мартабанинг илк зинасига қадам қўйганида узилиб қолади. Қаллоблар қўли билан яратилган, қаллоблик йўли билан юқори лавозимларга кўтарилган коммунист раҳбар аёл воситасида тоталитар режимнинг ички зиддиятларини бор бўйича очиш имконияти шундоққина кўриниб турибди. Фоят кенг кўламли фожейий воқеа — ҳодисалар олдида эди. Агар улар тўла — тўкис қоғозга тушганда борми, «Зилзила» XX асрнинг ноёб адабий ҳодисаси бўлиши аён эди. Бироқ мавжуд тугалланмай қолган саҳифаларнинг ўзи ҳам ўтган асрнинг энг ўткир, энг фожейий ҳодисаси ҳақида улкан ҳақгўй адибнинг салмоқли ҳақ сўзи, бадиий ихтироси сифатида қимматлидир.

2007 йил март

Иккинчи бўлим

ХОТИРАЛАР

АДАБИЙ ТАНҚИД ЖОНКУЯРИ

Кўплар қатори эсимни таниб, хат — савод чиқариб дунёдаги етти хазинанинг бири саналмиш сўз санъати намуналари билан таниша бошлаган пайдан бошлабоқ бу ҳайратомуз мўъжизаларнинг ижодкорлари, улар яратган қаҳрамонлар аслида қанақа одамлар экан дея ўй суриб, ёзувчи — адибларнинг китоблардаги суратларига термилиб узоқ хаёлларга толардим... Шу орада илк бор ҳам тирик ёзувчини, ҳам тирик ҳаёт қаҳрамонини кўриш шарафига муяссар бўлдим.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари эди. Қўшни қишлоқдан чиққан, ўша кезлари номи тилларда дoston бўлиб кетган уруш қаҳрамони Аҳмаджон Шукуров жангдан қисқа муддатли отпускаиға келиб бир гуруҳ ҳамроҳлари билан қишлоғимизға ташриф буюрди. Аввал қишлоқ гузарида Қаҳрамон шарафига катта учрашув тантанаси — митинг ўтказилди, сўнг бизникида зиёфат берилди, ўша даврга хос камтарона дастурхон ёзилди. Ўспирин мезбон сифатида хизмат юзасидан меҳмонхонаға кириб — чиқиб турардим, фурсат келиши биланоқ пойгакроқда дадам ёниға чўкка тушиб уй тўрида ўтирган тирик қаҳрамон — кўксида Олтин Юлдуз медали ярақлаб турган Аҳмаджон ака — ю, тирик ёзувчи — чарм куртка кийган миқтидан келган, истараси иссиққина одам — Абдулла Қаҳҳорға ҳайрат ва ҳаяжон билан тикилардим. Аҳмаджон ака жангдаги саргузаштлари — гоҳ даҳшатли ҳодисалар, гоҳ фаройиб, бир оз кулгили воқеалар ҳақида берилиб гапирар, гоҳ қишлоқдаги таниш — билишлари, жангта кетганлар, уларнинг бевалари, бола — чақалари ҳол — аҳволини суриштирар, гоҳ бир дам давр ташвишларидан андак узоқ кетиб, урушдан бурунги, хусусан, Катта Фарғона канали қурилиши даври хотираларини эсга олар, болаликда Рапқонға келганда ўзи гувоҳ бўлган қизиқ — қизиқ ҳангомалардан сўзлар, гоҳ суҳбатта бошқа гапга чечан ҳамқишлоқларимиз қўшилиб даврада аския, кулги — қийқириқ янграрди. Хуллас, Аҳмаджон

ака тун ярмидан оққунга қадар даврани тўлдириб, бир уй одамни ўз оғзига қаратиб ўтирди. Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор эса ўзига ярашадиган бир сиполик билан суҳбатга қўшилмай, аммо ичдан яйраб – ёзилиб, даврадагиларнинг ҳар бир гап, хатти – ҳаракатига зимдан разм солиб, хаёлга толиб ўтирарди; даврада аския, кулги – қийқириқ янграган пайтларда эса хиёл жилмайиб қўярди...

Меҳмонларни кузатгач, эртаси дадам: "Ёзувчи – шоир гапга чечан одам бўлади, деб юрардим. Болалигимда қишлоғимизга шоир Муқимий келган эди, гузардаги чойхонада қизиқ ҳангомалар айтиб, шеър ўқиб тонггача ҳаммани ўзига ром этган эди... Бу Абдулла Қаҳҳор бўлса, шунча ўтириб бир оғиз гапирмаса – я!" – деб қолдилар. Орадан кўп ўтмай Абдулла Қаҳҳорнинг "Олтин Юдуз" повести чиқди, дадам уни ўқиб "Буни қаранг – а, нега ўшанда Абдулла Қаҳҳор сира гапга аралашмади десам, нуқул гап териб ўтирган экан – да... Ҳамма ёзганлари шундоққина одамларнинг оғзидан олингандек! Аҳмаджон ҳам қуйиб қўйгандек ўзгинаси... Қойил!" – дедилар.

Дарвоқе, дадам инқилобдан бурун мадрасада таълим олган, араб, форс тилларини яхшигина билар, янгича имлоларни мустақил ўрганган, кўп китоб мутолаа қиладиган одам эдилар; шунга кўра қишлоқ аҳли уни "Қори ака" деб аташарди; қишлоқда шўро ҳокимиятини барпо этиш, колхоз тузиш ишларида фаол қатнашган, ҳукумат орден ва медаллари билан мукофотланган, ўша кезлари қишлоқдаги "Совет" колхозига раислик қилар эдилар... Аҳмаджон ака отпускага келганида уйига бориб, уруш даври жабрини чекавериб паймонаси тўлиб кетган қишлоқ аҳлини жанг қаҳрамони билан таништириш, одамларнинг руҳини кўтариш ниятида уни ва у ҳақида асар ёзиш пайида унга ҳамроҳ бўлиб юрган Абдулла Қаҳҳорни қишлоққа таклиф этиб келган эканлар...

Ўша – ўша бир бор уйимизда меҳмон бўлган бу ёзувчи бир умр уйимизнинг энг азиз кишисига, ўз одамига айланди. Ўшанда даврада сўзи билан эмас, кейинроқ ёзган асари, асардаги сўзлари, санъати билан фақат дадамнигина эмас, кўпларни қойил қолдирган Абдулла Қаҳҳорнинг ҳар бир янги асарини интизорлик билан кутиб, иштиёқ билан ўқиб, у ҳақида журнал ва газеталарда нимаики чиқса, барчасини кузатиб борадиган бўлдим; "Кўшчинор" теварагидаги баҳслардан, уларда айтилган ўринсиз аччиқ гаплардан ўқиндим, "Шоҳи сўзана" доврўғидан

беҳад қувондим, Қўқон театрида саҳнага қўйилганида яёв бориб томоша қилдим. Конибодом педбилим юртида ўқиб юрган кезларим қаваскор талабалар бу асарни саҳналаштирганларида Одилов ролини ижро этганман, комедия шаҳар клубида бир неча бор намоёиш этилиб, ўзбек – тожик томошабинларининг олқишига сазовор бўлган эди...

Орадан йиллар ўтди, Тошкентга келиб университетда, филология факультетида ўқиш, сўнгра аспирантурада таълим олиш насиб этди. Университетда, Ёзувчилар союзида Абдулла Қаҳҳор иштирок этган учрашувлар, ҳар хил адабий анжуманларга қанда қилмай борар, бу аллома адибнинг тўла мағизли, ниҳоятда зарур ва нишонга беҳато урадиган, гоҳо омбурдек узиб оладиган, даврани тўлқинлантириб юборадиган нутқларини мароқ билан эшитар эдим. Абулла Қаҳҳорнинг ҳар бир чиқиши шаҳар адабий жамоатчилиги оғзига тушиб кетар, яхши маънодаги шов – шувларга сабаб бўларди... Бу одамга бутун вужудим билан талпинсам, бошлаган илмий ишим – ҳикоячилик масалалари бўйича Қаҳҳордек ҳикоя устасидан баъзи нарсаларни сўраб олиш, у билан маслаҳатлашишни кўнгилга тугиб юрсам ҳам, унинг яқинига боришга, ҳатто унга хат ёзиб вақтини олишга журъат этолмас эдим.

Матбуотда баъзи танқидий машқларим, ҳикоя ҳақидаги мақолаларим чиқиб, ўзимча қувониб, ўзгалар, хусусан, ёзувчилар бу ҳақида нима дер экан, дея ҳадиксираб юрган пайтларим – 1960 йили кутилмаганда Абдулла Қаҳҳордан мактуб келиб қолса борми... Хат қисқа ва лўнда эди, “Ўзбекистон маданияти”да чиққан ҳикоя ҳақидаги бир мақолам, айниқса, ундаги айрим бўш ҳикоялар хусусида билдирилган танқидий мулоҳазалар унга маъқул бўлгани айтилган эди... Ўшанда қандай ҳолатга тушганлигимни таъриф – тавсиф этишга қаламим ожизлик қилади, бунинг учун фақат ёзувчи бўлиш керак... Шундан кейин дадилроқ бўлибми ёки бир оз ҳовлиқибми, кетма – кет мақолаларни қалаштириб ташлай бошладим; танқид тигини хийла кескинлаштириб, кўпроқ, беозор ёшларга қаратар эдим. Шу орада Ёзувчилар союзида қандайдир адабий йигин бўлди – ю, Абдулла Қаҳҳор сўз олди; жумладан, ёшлар ижоди ва адабий танқидчилик хусусида тўхталиб, кутилмаганда: “Менинг ёш танқидчи Умарали Норматовдан умидим катта эди, мен уни ҳалол, объектив мунаққид деб билардим... “Маданият”даги кейинги мақоласини

ўқиб қаттиқ ранжидим. Умарали худди цирк паҳлавонлари каби енг шимариб майдонга тушибди — да, иккита улуғга таъзим қилиб, сўнг кучи етадиган ёшларни роса дўшпослабди... ” — деса бўладими...

Бу сўзларни эшитиб аъзойи — баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Абдулла Қаҳҳор ҳақ эди, ўша мақоламда иккита мансабдор ёзувчининг ўртачароқ асарлари кўкларга кўтариб мақталган, беозор ёшларнинг ҳикоялари эса хийла қаттиқ танқид қилинган эди. Бу дакки мен учун унутилмас сабоқ бўлди.

Сал фурсат ўтмай Абдулла Қаҳҳор мени устозим Озод Шарафиддинов орқали уйига — Дўрмондаги боғига таклиф этдилар. Мен у кишига рўпара келишим биланоқ Озод акага қараб: “Умарали шуми, ўзим ҳам шундоқ бўлса керак, деб юрардим”, — дедилар, сўнг бизни айвонга таклиф қилдилар. Стол теварагида узоқ суҳбат бошланди, Озод ака ўзига хос одамшавандалик, чечанлик, бир оз эркалик билан гапни гапга улаб турди... Билдимки, Абдулла Қаҳҳор даврада мен илк бор уйимизда кўрганимдагидек ўта “индамас” одам эмас экан; аммо гурунгда узундан — узоқ сўзлаш, ҳикоя қилишни эмас, суҳбатдошларини гапга солишни, кўпроқ уларни тинглашни хуш кўрар экан. Ўзига гап келганда лўнда, жонли, образли қилиб гапирар, гапларининг сўзлари ҳамиша тўла мағизли, ҳикматларга бой, лекин дидактикадан, панд — насиҳатлардан холи ва, албатта, юмор, пичинг, киноя — кесатиклар билан йўғрилиб кетар; гапирганда ҳеч қачон овозини баланд кўтармас, эҳтиросга берилмас, энг кескин, жиддий ҳодисалар ҳақида ҳам осойишта сўзлар, бироқ кўнглидаги эҳтирос, ҳис — ҳаяжонларни суҳбатдошига тўла етказа олар экан. Унинг сўзлаш оҳанги, даврадагилар билан суҳбат, мулоқот тарзи менга шундоққина ҳикояларидаги персонажлар нутқи, диалогини эслатди.

Ўшанда суҳбатимиз, асосан, адабий танқид устида борди. Абдулла ака ўзбек адабий танқидчилиги чинакамига оёққа туриб келаётганлиги, Матёқуб Қўшжонов, Лазиз Қаяюмов, Озод Шарафиддинов, Салоҳиддин Мамажонов, Норбой Худойбергенов мақоалари, уларнинг яхши фазилатлари хусусида гапирди. Танқид учун энг муҳими — истеъдод, катта билим, шу билан баробар ҳалоллик ва объективлик эканлигини алоҳида таъкидлади. “Танқид, танқидчи ҳаммадан бурун ҳалол бўлиши керак, — деган эди у ўша гурунгда. — Танқид ниҳоятда покиза бир майдон. Биласизларми, мусулмонлар назарида

масжид покиза даргоҳ саналади. Мусулмончилик таомилиги кўра, бу даргоҳга кирадиган одам ювинган — таранган, таҳорат олган бўлиши шарт; даргоҳга киргандан кейин ҳамма ўй — хаёлларни кўнглидан қувиб, фақат бир нарсани — Аллоҳни ўйлаши керак, салгина бўлса — да хаёли бошқа томонга кетдими — тамом, тоат — ибодати, дуоси ижобатга ўтмайди... Бир оз эриш туялса — да, танқид майдонини ҳам шунга қиёс қилиш мумкин. Бу майдонга қадам қўйган одам ҳам ўта покиза, ҳар қандай губорлардан, шахсий таъма, ғаразлардан бутунлай холи бўлиши шарт; бу майдонда у фақат бир нарсани — адабиёт, китобхон манфаатинигина ўйлаши керак. Шахсий таъма, ғараз ёки бошқа субъектив майллар аралашдими, иш тамом деяверинг. Танқид майдонида эътиқоддан салгина бўлсин четга чиқишнинг реал хунук оқибати бор. Бундан ёзувчи, танқид, адабиёт, қолаверса, китобхон зарар кўради..."

Бу гапларни у, албатта, бўлиб — бўлиб, орада неча бор суҳбатдошлари луқмасини тинглаб, уларни шунга ундаб туриб айтди.

Шу даврада Абдулла ака айтган яна бир гап ёдимда қолган. Ўша кезлари танқидчиликда жавлон урган, деярли ҳар куни газеталарда қулоч — қулоч мақолалари билан чиқиб турадиган, адабий мажлисларда албатта сўзга чиқиб узоқ гапирадиган, нуқул аравани қуруқ олиб қочадиган бир мунаққид ҳақида сўз очиб: "Бу одам танқидчилик ҳунарини нуқул ёзиш — чизиш, газета — журналларда мақола чиқариш, минбарда булбулигўё бўлиб сайраш, деб билади шекилли... Мажлисларда унга разм солсам, гапирмаган пайтлари ҳам оғзи очилиб ёпилиб турар экан, ичида тинмай сайраса керак... Ҳолбуки, танқидчи ҳам худди ёзувчи, шоир каби кўнглида айтадиган зарур гапи, кўпчиликка керакли фикри бўлса, кўнгли дардини ёрмаса туролмайдиган ҳолга тушсагина гапириши, қўлига қалам олиши керак — ку, ахир! Белинский билан Добролюбов мақолаларини ўқиб кўринг! Улардаги гапларни айтмаслик, ёзмаслик мумкинмиди?! Асло! Қандай ҳолда ва нима мақсадда ёзиш, гапириш кераклигини ана ўша алломалардан ўрганиш лозим!" — деган эди.

Бу суҳбат менинг адабий танқид ҳақидаги содда тасаввурларимни алгов — далгов қилиб юборди. Авваллари танқидчилик табиати, принциплари ҳақида анча — мунча нарсалар ўқиган бўлсам ҳам ўшанда илк бор танқиднинг асл

табиатини, танқид ва танқидчининг ёзувчи, адабиёт, халқ олдидаги ниҳоятда катта масъулияти, танқидчининг юксак инсоний ва граждонлик бурчини юракдан ҳис этгандай бўлдим.

Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи танқидчилик фаолиятида шу принципларга риоя этишининг яхши намунасини кўрсатган. Унинг марказий матбуотда, хусусан, "Литературная газета"да, қолаверса, ўзимизда босилган қатор мақолалари, адабий анжуманларда сўзлаган нуқталари, ҳамкасб дўстлар даврасида айтган гаплари бунинг учун ёрқин далил. Адибнинг ўз вақтида матбуотда чиққан, кейинчалик тўпламларидан жой олган мақолалари, катта адабий йиғинларда тинловчиларни тўлқинлантирган нуқталари кўпчиликка аён. Мен саккиз йил давомида Абдулла аканинг гоҳ шаҳар ҳовлисида, гоҳ Дўрмондаги боғида у киши билан яккама – якка учрашувларда, кўпинча, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддиновлар, шунингдек, мен тенгли ва менадан ёшроқ танқидчи, ёзувчилар – Ўлмас Умарбеков, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Учқун Назаров, Норбой Худойберганов ишгирок этган гурунгларида айтган айрим ибратли танқидий гап – сўзларини, мулоҳазаларини эсга олганимда, ҳаминша бу одамнинг юксак этиқодига, ҳалол ва принципиаллигига ич – ичимдан тан бераман.

Ҳар гал унинг хонадонига борганимда адибнинг умр йўлдоши Кибриё опа биринчи бўлиб эшик очар, очиқ юз билан қарши олар, Абдулла ака ҳузурига бошлаб кирар, ниҳоятда дида билан дастурхон тузаб, сўнг суҳбатга халақит бермаслик учун бўлса керак, бизни холи қўяр эди.

Абдулла аканинг ҳар бир адиб – ўзига тенгдош ёзувчилар, шогирдлари, истеъдодли ёшлар ҳақида аниқ – равшан қараш ибор эди. Айниқса, у ўзига тенгдош улкан талант соҳибларини ниҳоятда юксак қадрлар эди. Бир гал Ойбек ҳақида сўз очиб шундай деган эди: "У ўзбек адабиётида бамисоли ҳамма томондан барчанинг кўзига ташланиб турадиган улкан, салобатли қоя. Булутли кунлар довуллари ҳам, серғалва давр зилзилалари ҳам бу қояни қулата олмади. Аммо, афсус, ўша довулу зилзилалар пайтида унга дарз кетди. Шунга қарамай, у ҳамон қоядай бардам туриб, тинмай ижод қиляпти".

Ғафур Ғулум вафотидан сўнг ҳам афсус, ҳам ифтихор билан деган эди: "У мислсиз истеъдод эгаси эди. Афсуски, ўзидаги

шу улкан истеъдоднинг ҳаммасини тўла ишга сололмай, тўқсон фоизини ўзи билан олиб кетди. Аммо чин истеъдод маҳсули бўлган чин асарлари билан ҳам у адабиётимизда классик бўлиб қолаверади”.

Мақсуд Шайзоданинг дафн маросимидан қайтаётганимизда бир гуруҳ адабиётшуносларга қараб: “Мақсуднинг шоирлигию, драматурглигини бир ёққа қўйиб турганда ҳам, адабиётшунос — танқидчи сифатида ўзбек адабиётшунослигининг ярмини ташкил этарди. Афсус, шундай одам кетди. Энди қолган ярмини ўзаро бўлишиб оласизлар”, — деганди.

Абдулла Қаҳҳор адабиётдаги янгиликларни, ҳар бир ёзувчи ижодини синчиклаб кузатиб борар, улар истеъдоди, ижодига хос бош хусусиятларни, уларнинг ютуқ ҳамда камчиликларини аксари беҳато белгилаб олар, ютуқлари ҳақида қувониб, камчиликлари тўғрисида эса куюниб гапирар эди. Мабодо асарида жиддий хато, камчилик кўрса, ким бўлишидан қатъи назар, бор гапни хоҳ юзига, хоҳ мақоласи орқали, хоҳ минбарда туриб дангал айтаверар эди.

У Саид Аҳмадни ўзига ниҳоятда яқин олар, асарларидаги миллий руҳни, халқчил юмор ва жўшқин эҳтиросни хуш кўрар, шу билан баробар: “Бир оз шошилади, керакли ўринларда эҳтиросини жиловлай билмайди; гоҳо китобхон кулавермаса қитиқлаб кулдиришга, йиғлайвермаса кўзига пиёз суртиб йиғлатишга уринади”, — деб койирди.

“Уфқ” романи, “Турналар” ҳикояси ўзбек адабиётининг юзини, бугунги бўй — бастини кўрсатадиган, жиддий таҳлиллarga арзийдиган асарлар деб айтганини ва ўша ўзи ардоқлайдиган адибнинг матбуотда бўш ҳикояси ёки ҳажвияси чиқиб қолганида эса қаттиқ ранжиганлигини кўп кўрганман. “Саид Аҳмаднинг “Микроб”ини ўқидингизми?” — деб сўраб қолди бир кун ва ўзи давом этди. — Ҳар нарсадан жирканавериб асаб касалига мубтало бўлиб қолган сдам устидан кулиб ёзибди. Касал одамни ҳажв қилиб бўладими? Ҳажвчи тан, асаб касали эмас, социал жароҳатлар устидан кулиши керак — ку!.. Сиз — танқидчилар бунақа ҳолларга бефарқ қарамасликларинг лозим...”

Одил Ёқубов билан Пиримқул Қодировни у янги типдаги билимдон, ҳозирги рус ва жаҳон тараққийпарвар адабиётидан чуқур хабардор, чинакамига русча таълим кўрган ёзувчилар деб биларди. “Аммо уларнинг тил ва ифодаларида бир оз шира, ўзбекона руҳ етишмайди... Улар гоҳо русча ўйлаб, ўзбекча

ёзишади", дерди. — "Газетада Одилнинг янги романидан парча ўқидим, — деди у бир гал. — Одил роман қўлёзмасини кўриб беринг, деб тиқилинч қиялпти. "Ўтмишдан эртақлар"ни ниҳоясига етказиш билан овораман... Қўлёзмасини ўқишга сира фурсат тополмаяпман ... Газетада чиққан парчадан ҳам кўриниб турибдики, асар ёшлик эҳтироси билан ёниб ёзилибди. Бироқ Одил эҳтиросга берилиб гоҳо шеър тилида гапиришга уринибди. Мана бу гапларни қаранг, — у газетада чиққан парчадан икки — уч жумла ўқиб, сўзида давом этди. — Жумлаларнинг охири чаённинг думидек гажжак қилиб ташланган. Тилдаги инверция шеърда ўзини оқласа ҳам прозада унча кетмайди. Бунақа тил — ифода Туроб Тўлага ярашади, Одилга эса сира ўтиришмабди... Буни ҳозироқ унга айтиш керак" .

Абдулла ака О. Ёқубовга буни айтган бўлса керак, ёзувчи устоз маслаҳатини олиб, асар тили устида иккалагани аниқ, роман, яъни "Эр бошига иш тушса..." журналда тўла чиққанида, ўша Абдулла Қаҳҳор айтган камчиликлар тузатилган эди.

"Эркин Воҳидовни шахсан танийсизми? — деб сўради бир куни. — Жуда ақлли, билимдон, боодоб, ўта серандиша, етти ўлчаб бир кесадиган йигит кўринади. Буни шеърларидан ҳам билса бўлади... Лекин шеърятда, ижодда ўта эҳтиёткорлик ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермайди... Буни Эркинга тушунтириш керак."

Адибнинг, айниқса, шоир Абдулла Ориповга ихлоси билади эди. Шоирнинг "Муножот"ни тинглаб" шеърини ўқиб, узоқ хаёлга толиб, сўнг шундай деганди: "Ўзи боладай масъум, беозор, осойишта кўринса ҳам, юрагида ғалаён жўш уриб туради. Замонлар драмасини, одамлар дардию ғамини бугун вужуди билан ҳис этади... Ҳис — ҳаяжонлари, айтмоқчи бўлган гаплари кўнглидан шаршарадек шитоб билан отилиб чиқса керак; уларни қоғозга туширишда қўли шошилиб қолар — ов дейман... Бунақа ноёб таланти ёмон кўздан асраш лозим".

"Ўтқир куйиб — ёниб, ўртаниб, шавқ билан ёзади... Қани энди, шундай ёниқ истеъдод тезроқ кенгроқ уфққа, Иттифоқ минбарига чиқиб олса! — дея гап бошлади у Дўрмонда учрашувларимиздан бирида ва "Муҳаббат" ҳикоясининг фазилатлари ҳақида гапириб, у ҳақида махсус мақола ёзишни менга маслаҳат берди.

Абдулла ака ўзи танқид қилган ёзувчининг яхши асари чиққанида қувона билар эди. Чунончи, Мирмуҳсиннинг "Зиёд

ва Адиба" романи тўғрисида анча кескин салбий фикр билдирган адиб бир суҳбатда унинг "Араб ҳикоялари" туркуми, аниқроғи, шу туркумдаги "Йўқолган жавоҳир" билан "Искандария кўрфази" ҳақида мамнуният билан: "Буларни асар деса бўлади. Уларда ҳаёт бор, қалб кўри бор, дард, одам боласининг ташвишига ҳамдардлик бор", — деган эди.

Абдулла Қаҳҳор ўз ижоди ҳақида ёзилган илмий ишлар, мақолалар устида ҳам одилона фикр юритар эди. У ўзининг инсонлик, ёзувчилик шаънини юксак қадрлар, керак бўлганида қаттиқ туриб ўзини ҳимоя қила олар, шу билан бирга ўз ижодидаги яхши ва заиф асарларни фарқлай билар, асарларидаги кам — кўстларни мардона туриб тан оларди.

У афсус — надомат билан деганди: "Лазизхоннинг 1957 йили "Ўзбекистон маданияти"да чиққан мақоласига қадар "Сароб" йигирма йил танқид таъқибида бўлди. "Сароб" илк бор босилганида сочимда бирорта ҳам оқ тола йўқ эди. "Сароб" туфайли йигирма йил бошимда танқид таёғи синавериб, сочимнинг бирорта ҳам қора толаси қолмади... "Сароб" теварагидаги жанжаллардан бирида туппа — тузук танқидчи мени мурсага чақириб: "Туфлаб ташланган нарсани қайта оғизга олмай қўя қолинг энди", — деганида, ўзимни тутолмай: "Аввало "Сароб" ҳечам туфлашга лойиқ асар эмас. Агар туфлаш керак бўлса "Сароб"ни тан олмайдиган, тушунмайдиган, жоҳил, нодон, чаласавод, демагог танқидчиларнинг юзига туфлайман! — деб юборибман... Замон "Сароб" халққа, жамиятга керакли асар эканини тасдиқлади. Танқидчилар эътироф этганидек, бу типдаги асарлар адабиётимиз учун ёт эмас экан — ку!"

"Даҳшат" тўғрисида "Шарқ юлдузи"да босилган мақоламни ўқиб: "Ҳикоядаги лаҳм жойларни сизга тортгандай тизиб чиқибсиз... "Даҳшат" қаҳрамони билан "Ўғри", "Бемор", "Анор" ҳикоялари персонажлари орасидаги фарқни ҳам тўғри топибсиз..." — деди. "Нурли чўқилар" тўғрисидаги мақоламни ўқиганда эса: "Мақтовни ошириб юборибсиз, ҳикояни нурли чўққига чиқариб қўйибсиз" — дея дакки берганди.

Бадий адабиёт нашриёти Абдулла Қаҳҳор туғилган куннинг олтимиш йиллигига бағишлаб унинг ижоди ҳақида монография тайёрлайдиган бўлди. Монография ёзиш танқидчи Матёкуб Қўшжоновага топширилган эди. Матёкуб ака менга китобнинг ҳикоячиликка оид қисмини ёзишни таклиф этди. Китоб дастлаб «Тасдиқ ва инкор устаси» деб аталган эди. Матёкуб ака Абдулла

Қаҳҳордан китоб номи хусусида фикрини сўраганида, бундай ном унга маъқул тушмади. Сўнг китобни "Маҳорат сирлари" деб аташга қарор қилдик. Буни эшитиб Абдулла Қаҳҳор: "Яхши ном, аммо бундай ном Навоий, Толстой, Чехов ҳақидаги китобларга ярашади. Уларнинг ижоди маҳорат сирларига тўла... Менда "сир" нима қилсин... Иложи борича бошқа "одмироқ" ном топинглар", — деб илтимос қилди. Бошқа "одмироқ" ном топилмади, китоб "Маҳорат сирлари" номи остида чиқди, аммо уни ёзувчининг ўзи кўрмай кетди. Агар ҳаёт бўлганида китоб шу ном билан чиққани учун ранжирмиди...

"Ўтмишдан эртақлар" университет студентлари даврасида муҳокама этилганида, нотиқлардан бири асарнинг охириги қисмлари, хусусан, "Қўқон харобалари орасида" боби бир оз бўш ёзилгани, тасвир суръати жуда тезлашиб кетгани, бу ерда аввалги бобларга хос жонли, лўнда лавҳалар, ёрқин, тугал характерлар йўқлиги ҳақида тортинмай гапирди. Шунда Абдулла ака ҳулоғимда шивирлади: "Бу бола бало экан — ку! "Эртақлар"нинг заиф жойини топиб танқид ўқини нишонга бехато урди — я!"

Ҳамиша ҳақ гапни айтгани, ҳақиқат олдида ҳеч кимни, ҳатто ўзини ҳам аямагани учун бўлса керак, ҳақиқий истеъдод эгалари, гарчи ундан қаттиқ дакки эшитсалар — да, барибир унга талпинаверардилар. Абдулла Қаҳҳор бамисоли оҳанрабодек чин истеъдод маъданларини, хусусан, ёш истеъдодларни ўзига тортиб турарди. Истеъдоддан маҳрум шуҳратпараст қаламкашлар эса унинг ҳақ сўзига, аччиқ танқидига дош беролмай устидан иғво, фисқу фасод тарқатиб юрар, ҳар хил йўллар билан пайт топиб ўч олишга ҳаракат қилардилар.

Бир йиғинда шундай кимсалар Абдулла ака айтган ҳақ ва аччиқ гап учун унга қаттиқ ташланганликларини эшитиб, кечқурун кўнгил сўраш учун уйига бордик. Даврада ўтирган ўта андишали, мулоҳазакор ёзувчи — шогирдларидан бири Абдулла ака кўнглини кўтарадиган кўп яхши сўзлар айтди, пировардида, умуман олганда, катта ёзувчи бунақа жанжаллардан узоқроқ юргани, тинчгина ижод билан машғул бўлгани маъқул, деган маънода гап қилди. Абдулла ака унинг сўзларини жимгина тинглаб бўлиб осойишталик билан Нозим Ҳикматнинг инсон ёнмоғи кераклиги ҳақидаги машҳур сатрларини туркча ёд айтди. Сўнг: "Эс — ҳуши жойида ҳар бир одам кўриб — билиб туриб ҳақ гапни айтмаса, ким айтади!" —

дея илова қилди. Адиб яна сўзида давом этиб: «Мен уларнинг ҳамласидан асло хафа эмасман, қайтага ҳақ гапни айтиб уларни талвасага солиб қўйганимдан хурсандман. Кўпдан бери кўнглимда тош бўлиб ётган дардни тўкиб енгил бўлиб олдим», — деганида унинг ҳузурига кўнгили сўраш, унга далда бериш учун келган бизлар бир оз ноқулай ҳолатга тушиб қолган эдик.

Адиб хуш кўрадиган жанговар танқидчилардан бири ўз мақоласида номдор бир шоирнинг бўш шеърларини танқид қилгани учун сиқувга олиниб, руҳи тушиб юрганида, Абдулла ака унга далда бериб: "Бардам бўл, агар ўзини шоир — ёзувчи деб санайдиган одамда озгина истеъдод ва инсоф бўлса, эртами — кечми ҳақ гапга, адолатли танқидга тан беради. Агар унда иккиси ҳам бўлмаса, ҳақ гапинг учун кетингдан болта кўтариб югуради... Агар шунақа кимсаларнинг болтасидан кўрқсанг, яхшиси, танқидчилик дастгоҳини йиғиштир — да, вақтида бошқа бирор тинчроқ, ёғлироқ касбнинг этагидан тут!" — деганди.

Абдулла Қаҳҳор бевосита адабиёт назарияси билан махсус шуғулланган ёки шуғулланмаганлигини билмайман, аммо адабиёт, танқид табиати, қонуниятлари, принциплари хусусида айтган пишиқ — пухта гапларини кўп эшитганман. Бир гал социалистик реализм ҳақида гап кетганда шундай деганди: "Яқинда Польшадан келган адабиётчилар мендан шу хусусидаги фикримни сўрашди. Мен уларга: "Социалистик реализм кўча қоидалари йиғиндиси эмас. У ёзувчи учун ҳақиқатга элтадиган йўлни ёритиб турувчи маёқ", — деб жавоб қилган эдим, маъқул бўлди шекилли, ён дафтарларига шу сўзларимни ёзиб олишди".

«Танқиднинг энг асосий вазифаси — талантни, талантли асарларни кашф этиш», — деган сўзларни кўп такрорларди ва танқидчи дўстларини, шогирдларини шунга даъват этарди.

Абдулла Қаҳҳор умрининг сўнгги йилларида Ёзувчилар союзидаги шоир Миртемир бош бўлган ёшлар семинари машғулотларига мунтазам қатнашар, муҳокама, мунозара қатнашчилари, айниқса, ёшларнинг сўзларини эътибор билан тинглар, ён дафтарига доимо нималарнидир қайд қилиб ўтирар, аммо ҳар қанча қистовга олишса ҳам бу йиғинларда сўзга чиқмас, гапирмас эди. Мен бунинг сабабини сўраганимда: "Ёшлар ҳаётидан асарлар ёзиш ниятидаман. Ҳозирги ёшлар дили, тили, кайфиятини бизлардан кўра ёш ижодкорлар яхшироқ билади, нозик ҳис этади... Ёшлар олдида гапириш,

уларга ўргатиш учун эмас, улардан ўрганиш учун бу ерларда юрибман", — деб жавоб қилган эди.

Қаранг, Қаҳҳордай устоз санъаткор ёшларга ўргатибгина қолмай, улардан ўрганар ҳам экан. Дарҳақиқат, унинг сўнги йилларда яратган ёшлар ҳаётидан олинган "Нурли чўққилар", "Муҳаббат" асарларида ўша кезлардаги истеъдодли ёшлар ижоди билан муштарак жиҳатлар кўп.

Булар саккиз йил давомида Абдулла Қаҳҳор билан бўлган мулоқотлар, шахсан ўзим гувоҳ бўлган воқеа — ҳодисалар, ўз оғзидан эшитган гапларнинг бир қисми, холос. Афсуски, мен ўз вақтида кундаликлар тутиб, мунтазам уларни ёзиб бормаган эканман. Менинг хотирамда қолган ва юқорида келтирилган унинг гаплари, эҳтимол, айнан унинг ўзи айтгандай эмасдир. Аслида улар мен келтиргандан кўра лўнда, образли, ширали, таъсирчанроқ экани шубҳасиз. Мен унинг сўзларини ҳамшиша ҳам айнан ўзиникидай қилиб келтиролмаган бўлсам, устоз руҳи олдида узр сўрайман.

Ниҳоят, унинг кўп ёшлар қатори менга кўрсатган ғамхўрлигидан, жонкуярлигидан, маслаҳат ва мададларидан беҳад миннатдор эканлигимни ҳам айтиб ўтишим керак. У менинг оилавий, моддий аҳволим, яшаш, ишлаш шароитим, ўқишим ҳақида доимо суриштириб турар эди. Мени Ёзувчилар союзига ўтишга илк бор маслаҳат берган, бировнинг уйини ижарага олиб ночор туришимни билиб Ёзувчилар союзидаги маъсул шахсларни хабардор этган, туриш — турмушимизни билиб келиш учун биз яшайдиган уйга шахсан ўша пайтлари республикамизда яшаб ижод этаётган, Ёзувчилар уюшмасида маъсул вазифада ишайдиган ёзувчи, уруш қаҳрамони В. Карповни юборган, оғир хасталикка дучор бўлганимда ўзига таниш бир тажрибали врачга кўрсатган ва яна кўп ғамхўрликлар кўрсатган, асоссиз ҳамлалардан қаттиқ туриб ҳимоя қилган бу табаррук зот олдида мен бир умр маънавий қарздорман. Абдулла Қаҳҳордек буюк сўз санъаткори олтмиш ёшлик тўйи арафасида у ҳақида кинофильм яратмоқчи бўлганларида мендек оддий бир танқидчини талай шогирдлари, истеъдодли ёш ёзувчилар қатори суратга тушиш учун таклиф этганида ҳам қувонч, ҳам хижолатдан ўзимни қўярга жой тополмай қолганман.

Мен устоз Абдулла Қаҳҳор ҳақида ўйлаганимда ёш бир шоирнинг адиблар айтган панд — насиҳатлари билан эмас, ижоди, шахсий ибрати, кўрсатган жасоратлари билан устозга

айланадилар, деган сатрлари ёдимга тушади. Абдулла Қаҳҳор бебаҳо, ўлмас асарлари билангина эмас, бевосита амалий ишлари, шахсий ибрати, юксак эътиқоди, метин иродаси, ҳақиқат йўлида жонбозлиги, жасорати билан бизлар учун устоз — мураббий эди ва шундай бўлиб қолаверади.

1986 йил

АДИБНИНГ БИР ПОЙ ГАЛОШИ

Ўтган аср 60—йиллари аспирантурада таълим олган, сўнг номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб университетда ишлай бошлаган кезларим ёзги таътил ойларини оиламиз билан туғилиб ўсган Рапқон қишлоғида ўтказар эдим. Шаҳарга қайтгач, ҳар сафар биринчи бўлиб устоз Абдулла Қаҳҳор ва Озод Шарафиддиновларни зиёрат қилгани борардим. Бир гал Абдулла ака ҳузурида бўлганимда, уруш йиллари Аҳмаджон Шукуров билан бирга Рапқонга боргани, у ердаги қизиқ ҳангомаларни эслади:

— Қишлоғингда уч кун турган бўлсак, қайси хонадонга бормайлик ўртага дастурхон ёзилиб, нон, мева — чевалар билан бирга ҳар бир меҳмоннинг олдига битта пиёла ва чойнақда қўлбола мусаллас келтириб қўйишар экан. Кейинроқ Арманистонда бўлганимда айти шундай таомилга дуч келдим. Фарқи шуки, мусалласни улар сопол кўзачада фужер билан келтиришар экан. Аммо Рапқон мусалласи таъмини арманларники билан асло солиштириб бўлмайди... Умрим бўйи бунақасини татиб кўрганим йўқ. Сабабини суриштириб кўрсам, бу хил мусалласни шираси 35—36 фойизли қора узумдан, янги сўйилган қора қўчқорнинг думба ёғини қўшиб хумда тайёрлашар экан. Даданг эса бунақа ноёб мусалласнинг устаси фаранги саналаркан...

Ҳикоя охирида Абдулла ака:

— Шунақасидан ҳозир ҳам топиладими? — деб сўрадилар.

— Топилади. Бир, бир ярим ойдан кейин тайёр бўлади. Келтириб берайми? — дедим.

— Кераги йўқ, — дедилар. — Афсус, қанд касали бор одамга мумкин эмас — да... — Сўнг:

— Дарвоқе, эшитганмисан, ўша сафар чоғи қишлоғининг йўлида бир пой галошим қолиб кетган, — дедилар ҳазил аралаш жилмайиб.

Бир пой галошнинг тарихи бундай бўлган: йигирма йил бурун ёзилган «Адабий танқид жонкуяри» хотира — мақоламда адибнинг Рапқон сафари ҳақида ҳам тўхталиб ўтган, ҳажм тақозоси туфайли бир пой галош воқеаси ва ўша сафарнинг бошқа айрим тафсилотларини ўзга бир мақола учун қолдирган эдим. Мана энди ўша воқеани ҳикоя қилиб бериш мавриди келди.

1943 йилнинг кеч куз кунлари эди. Бир неча кун босиб ёққан ёмғир тинган, аммо теварак — атроф қуюқ туман ичида, қишлоқ кўчалари лой, босган қадамнинг тўпиққача ботади. Раис дадам бошлиқ қишлоқ фаоллари колхоз идораси дарвозаси олдида меҳмонларни кутишмоқда. Кўчанинг икки чеккаси кексаю ёш, хотин — халаж, бола — чақалар билан тўла. Ниҳоят, кўча бошида тўртта отлиқ меҳмонлар кўринди ва ҳадемай дарвоза ёнига етиб келиб, бирма — бир отдан тушишди. Дадамнинг ёнида туриб меҳмону мезбонларнинг салом — аликларидан уларнинг кимлигини билиб олдим. Аҳмаджон Шукуровга ёзувчи Абдулла Қаҳҳор, тошкентлик масъул ходим Йўлдош Шамшаров ва райком секретари ҳамроҳ бўлиб келган эдилар. Ҳамма отдан тушса ҳам, Абдулла Қаҳҳор эгардан тушмай жилмайиб узангидаги бир оёғига тикилиб турарди. Сир дарҳол ҳаммага ошкор бўлди. Меҳмоннинг туфли устидан кийган бир пой галоши йўқ... Шу ҳолда отлиқ эгардан ерга тушса, туфли лойга ботиб қолиши тайин. Шунда бўйи меҳмонимизга бир ярим баробар келадиган Қўчқор полвон деган азамат йигит ёзувчининг ҳайҳайлашига қарамай, уни эгардан даст кўтариб олиб одамларнинг кулги — қийқириқлари остида дарвоза айвонининг нам тегмаган жойига келтириб қўйди. Аҳмаджон ака шунда ҳазил қилиб:

— Абдулла ака, ҳайрон бўлманг, рапқонликларнинг таомили шунақа, фақат куёвни эмас, куёвжўраларни ҳам отдан кўтариб уйга олиб киришади, — деди.

Дарвоза олдида бундай ҳазил — мутойибалар бир мунча муддат давом этди...

Уруш ва урушдан кейинги йиллари қиш ойлари, ёғингарчилик, лойгарчилик кунлари, айниқса, қишлоқ жойларида кўн этик ёки туфли устидан резинка галош кийиб

юриш одат тусига кирган эди. Абдулла Қаҳҳор ҳам куз — қиш гамини еб, Тошкентдан туфли устидан ўшандай галош кийиб келган экан. Қарангки, аксига олиб бутун районда фақат райком секретари учун ажратилган биргина енгил машина бузилиб қолиб, секретарь бошлиқ азиз меҳмонлар қишлоққа отларда келишга мажбур бўлганлар. Абдулла Қаҳҳор минган саман от ёш ва хийла асов — ўйноқи бўлган. Йўлда уни хийла қийнаган. Абдулла ака хонадонида ўша кунги гурунг чоғи «йўл азоби — от азоби» хусусида гапирганида, кўз олдимда «Синчалак»да қаламга олинган Саиданинг асов от устида Қаландаров билан дала сайридаги ҳолатлари гавдаланаверди. Адиб гўё ўша ўз бошидан ўтган «йўл азоби — от азоби»ни Саида ҳолатларига айнан кўчириб бергандай...

Дарвоза олдидаги гурунг чоғи дадамнинг ишораси билан фаоллардан бир нечаси галош қидиришга кетдилар. Бироқ улардан ҳадеганда дарак бўлавермади. Шу пайт ёнимда турган Янка тигиз вазиятни сезиб бирдан кўздан ғойиб бўлди ва ҳаш — паш дегунча отаси кийгиз этик устидан кийиб юрадиган бир пой галошни кўтариб келди. Дадам Янкага раҳмат айтиб, елкасига қоқиб меҳмонга юзланиб:

— Бу болани Янка, Яник деймиз. Ота — онаси яхши, тоза одамлар. Ташқи ҳовлимизда туришади. Бу отасиники. Бутунча кийиб турасиз, эртага Қўқонга одам юбориб янгисини топтириб келамиз, — дедилар.

Шунда меҳмон айтган гап ҳаммани лол қолдирди:

— Раҳмат, миннатдорман, Қори ака! Ялангоёқ лой кечсам ҳам мусофирнинг галошини киймайман!

Шу сўзлардан кейин эртаси эмас, ўша куннинг ўзидаёқ Қўчқор полвон от чоптириб Қўқонга бориб бир пой эмас, бир жуфт янги галош топиб келди.

Уч кунлик меҳмонлар билан учрашувлар, зиёфатлар ғоят мароқли ўтди. Ниҳоят, учинчи кун Аҳмаджон ака қишлоқ чеккасида жанг кўринишларини намоёиш этадиган бўлди. Кўча ҳар кунгидек одамлар билан гавжум. Олдинда шудгорланган кенг дала майдони. Уруш қаҳрамони станокли пулемётни марзага тираб, гўё душманга қарата патирлатиб ўқ узиб қирон келтирганини кўрсатди. Сўнг шудгор билан боғни ажратиб турувчи нураган пахса девор ортига ўтиб шудгорга кетма — кет учта граната улоқтирди. Пулемёт овозига — ку чидаса бўларкан, ammo гранатанинг кетма — кет портлаши томошабинларни

довдиратиб кўйди, хотин – халаж, бола – чақа уввос солиб ҳар томон чопарди. Ёнимда турган Янка эса бирдан ранги бўздай оқариб, кўзлари олайиб, титраб – қақшаб шайтонлаб ерга ағнаб тушди. Эҳтимол, Киев бомбардимони, эвакуация чоғидаги даҳшатли гумбур – гумбурлар, қийқириқлар эсига тушгандир... Дадам югуриб келиб, уни кўтариб бағрига олиб, юзига сув сепиб аранг ўзига келтирди. Бу ҳангомаларни кузатиб турган Абдулла Қаҳҳор ёнидаги ҳамроҳи Йўлдош Шамшаров томон қайрилиб деди:

— Аҳмаджоннинг ажаб одатлари бор – да. Бу ердаги одамларга олисда бўлаётган урушнинг овозалари ҳам етиб ортади. Пулемётдан ўқ узиб, граната портлатиб уларнинг кўнглига гулгула солишга бало борми!

Учрашувда ана шу воқеаларни эсга олдик. Суҳбат охирида у киши:

— Ўша галош қўлтиқлаб келган мусофир баладан дарак борми? – деб сўрадилар. Мен «Ҳеч қанақа дарак йўқ», – деб айтдим.

Ажиб тасодиф. Орадан роппа – роса олтмиш йил ўтиб Янкадан дарак топилса бўладими!

Олдин Янка ва унинг оиласи ҳақида бир неча оғиз сўз.

Ҳа, бошда айтиб ўтганимдек, Янка ота – онаси билан икки ойча ташқи ҳовлимизда туришди. Шу орада ўзбек тилини яхшигина ўрганиб олди, икки оилани туташтирувчи таржимонга айланди. Отаси моҳир тикувчи эди. Урушдан қайтган жангчилар кийиб келган шинеллардан ниҳоятда чиройли палтоллар тикарди. Жумладан, дадамга ҳам кўркам бир пальто тикиб берди. Дадам умр бўйи байрам, тўй – ҳашамларда, тантаналарда кийиб юрадиган бу пальто яқин – яқинларгача сақланарди. Онаси эса ғоят қўли енгил шифокор эди. То Украинага қайтиб кетгунига қадар қишлоқ амбулаториясида врачлик қилди – қанчадан – қанча беморлар унинг қўлида шифо топди. Шахсан ўзим ойлаб азоб берган тиш оғриғидан шу опа туфайли халос бўлганман, оғриқ тишимни сездирмай олиб ташлаган. Қозонимиз ҳам, дастурхонимиз ҳам бир эди. Афсус, опа ишлайдиган амбулатория узоқлик қилгани учун, қишлоқ гузарига кўчиб ўтишга мажбур бўлишди. Энди улар Ҳайдарали деган синфдош дўстимникида туришарди. Борди – келдимиз давом этди. Ниҳоят, Киев фашистлар босқинидан озод қилинган, бу оила ўз юртига қайтадиган бўлди. Кузатиш маросимида қишлоқ аҳли йиғилди.

Ота — она кўзда ёш билан хайрлашди, Янка эса Киевга кетмайман, шу ерда қоламан, деб роса хархаша қилди. Шу — шу улар дараксиз кетди.

Уч йил бурун Ҳайдарали эшик қоқиб қўлтиғида қалин китоб билан ҳовлиқиб ҳовлимизга кириб келди:

— Умарали, дўстим, Янкадан, ҳў, ўша уруш йиллари Киевдан келган Янкадан дарак топилди. Мана кўринг, — деб Москвада чоп этилган қалин ўзбек кураши, машҳур полвонлар ҳақидаги суратли китобни қўлимга тутқазди. Не кўз билан кўрайки, китоб саҳифалари ичида ошпоқ сочли етмишдан ошган муаллиф фотосурати ёнида ўша бизга болалиқдан таниш озғин, шалпанг қулоқ, катта — катта кўзлари ичига ботган Янканинг ўзгинаси, киевлик тивувчи отахон, шифокор онахон суратлари. Китобда келтирилган маълумотга кўра, болалиқ қадрдонимиз Яник улғайиб Киев университети журналистика факультетини тугатган, халқаро спорт бўйича таниқли журналист бўлиб етишган. Уруш йиллари кўп яхшиликлар кўрган юртга ҳурмат — эҳтироми ўлароқ мазкур китобни яратган. Китоб тақдими муносабати билан Тошкентга келгач, сўраб — суриштириб, болалиги ўтган, номи, асарлари Украинада ҳам машҳур буюк ўзбек адиби Абдулла Қаҳҳор ҳамда фашизмга қарши олиб борилган жангларда қаҳрамонлик кўрсатган Аҳмаджон Шукуровлар билан учрашган Рапқон қишлоғига ташриф буюрган, Ҳайдарали хонадонида меҳмон бўлган. Аксига олиб, Ҳайдарали ўша кезлари сафарда экан, у билан учрашолмаган. Китобидан бирига дастхат ёзиб қолдирган ва Ҳайдаралини Киевга меҳмон бўлиб боришини илтимос қилган.

Кейин суриштириб билишимча, Яник қишлоқда ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг бир пой галоши билан боғлиқ воқеаларни гапириб бериб даврадагиларни роса кулдирган. Тошкентга қайтгач, улуғ ёзувчи қабрини зиёрат қилиб, унинг бошига гул қўйган.

2007 йил 30 январ

ЭҲТИРОМ

1967 йил май ойининг бошлари. Илк ҳикоялари билан Абдулла Қаҳҳор назарига тушган истеъдодли ёш ёзувчи, кинорежиссёр Учқун Назаров узтоз адиб таваллудининг 60 йиллигига бағишланган ҳужжатли фильм устида қизгин иш олиб бораётган кезлар. Фильмнинг «Абдулла Қаҳҳор ижодкор дўстлари, шогирдлари даврасида» лавҳаси адибнинг илтимосига кўра, унинг Дўрмондаги боғ ҳовлиси ёнида, ёзувчилар ижод уйига кираверишдаги ариқ бўйида, азамат арғувону чинорлар соясида суратга тушириш режалаштирилган эди. Қаҳҳор оиласи, аниқроғи, умр йўлдоши Кибриё опа билан йигирма йилдирки, шу сўлим масканда яшаб ижод этардилар. Бошда бу ерда ариқ бўйида қапа тикиб туришган, сўнг шу маскандан ер олиб иморат қуриб уйли – жойли бўлишган. Кибриё опанинг саъй – ҳаракати, тадбиркорлиги туфайли бу жой жаннатмакон боғ ҳовлига айланган. Айниқса, баҳор, куз кунлари бу масканнинг таровати ўзгача тус оларди. Адиб бу ерда ўзини гўё жаннатда юргандай ҳис этарди. «Йилнинг апрел – май ва сентябр – октябр ойлари Тошкентни, айниқса, Дўрмонни ташлаб кетиш гуноҳ, айти шу ойларда нариги дунёнинг жаннати мана шу Арғин ариғи бўйларига кўчиб тушади» дерди у ички бир мамнуният билан.

Белгиланган дақиқаларда, чошгоҳ пайти суратга олиш учун таклиф этилган, адиб кўнглига яқин олган ижодкорлар жамулжам бўлди. Аксига олиб ўша куни худди «Минг бир жон» ҳикоясида тасвирланганидек, кўк юзида сузиб юрган булут парчалари офтобни бир зумда юз кўйга соляпти. Чарақлаб турган куюш бирдан булут орасига кирадию, теварак – атроф хиралашади. Офтоб ҳар сафар булут остига кириб чиққанида, баҳор келганидан беҳабар ҳануз ғафлатда ётган ўт – ўланни, қумурсқаларни уйғотмоқчидай аввалгидан ҳам ёруғроқ, аввалгидан ҳам иссиқроқ шуъла сочаётгандай туюлади. Бундай манзаранинг ҳам ўзига хос таровати, гашти бор. Бироқ бу ҳол кинога очиқ ҳавода суратга олиш учун ноқулайлик туғдирар экан. Бор – йўғи 5–6 минутлик лавҳани лентага тушириш бир неча соатга чўзилиб кетди. Ўртадаги стол тўрида бўлғуси фильм бош қаҳрамони Абдулла Қаҳҳор, атрофида эса кино «персонажлари» – Саид Аҳмад, О. Ёқубов, П. Қодиров, М.

Қўшжонов, О. Шарафиддинов, Ғ. Умарбеков, Э. Воҳидов, А. Орипов, Ш. Холмирзаев, Ғ. Ҳошимов, Н. Худойберганов, ниҳоят,

камина қўр тўкиб ўтирибмиз. Рўпарада операторлар курсовида Учқун қуёш булут орасидан чиқиб теврак – атроф чарақлаши билан даврадагиларга қараб «бошлаймиз» ишорасини бошланиши билан офтоб булут остига беради. Суратга олиш бошланади «Стоп!» деган ўксик овози эшитилади. беркинадию, Учқуннинг Сўнг эркин суҳбат, ҳазил – мутойиба, Ижодий жараён тўхтайд. Осмондан булут ариб, қуёш турфа ҳангомалар бошланади. «Мотор!», сўнг боягидек «Стоп!» садоси... кўриниши билан яна «Мотор!», сўнг бора бор такрорланди. Бу хил

Бу ҳолат адашмасам уч – тўрт бор такрорланди. Бу хил оврагарчиликлар киночиларни, биринчи галда, Учқунни хижолатга, ташвишга солгани, кимларгадир малол келаётгани аниқ. Бироқ бу ораликлардаги давра гурунглари, хусусан, адиб ҳазил – мутойиба, луқмалари биз ёшлар учун унутилмас сабоқлар бўлган эди.

«Қаранг – а, ажиб ўхшашлик, – дея луқма ташлади у бир гал. – Олтмиш йиллик умрим айна бутунгидек ўтибди. Энди булут қаъридан чиқиб елкамга офтоб текканида, яна бошқа булут галаси тепамга бостириб келаверади – я! Тавба...»

Абдулла Қаҳҳор ўша суратга олиш лавҳасида, жумладан, «Адабиётга ўғри мушукдай сўзларини айтиши лозим экан. Айна бўлади» деб бошланувчи сўзларини айтиши лозим экан. Айна шу сўзлар икки – уч бор такрорланганида, ҳар гал охирига етмай туриб «Стоп!» садоси янграб, гап орайўлда қолаверди. Шунда у: «Менинг бу гапларим айрим ҳамкасбларим тугул, ҳатто об – ҳавога ҳам ёқмаяпти», деганида, даврада гур этиб кулги кўтарилди.

Боз устига адиб такрорий нутқлари кўнгилдагидек чиқмаётганлигини сезиб турарди. «Мендан бирибир актёр чиқмайди. – деди у бир гал. – Мен нишонга фақат бир бор ўқизишга одатланганман. Ромга кириб такрорлашни эплолмайман».

Орада ярим соатлик танаффус эълон этилди. Кўплар оёқ Орада ярим соатлик танаффус эълон этилди. Кўплар оёқ чигалини ёзиш учун бог оралаб кетишди. Абдулла ака ёнида Саид Аҳмад билан Озод ака «гап ўғриси» бўлиб камина бирга қолдик. Шунда Саид Аҳмад ака даврада энг ёш, жуссаси кичик шоир Абдулла Орипов устима гап очиб: «Одатда катта ёзувчилар ўз асарлари учун муқаддас китоблардан, номи жаҳонга машҳур классиклардан эпитраф оларди. Абдулла ака, бу қанақаси бўлди,

Сиз «Ўтмишдан эртақлар» қиссангизга миттигина бошловчи шоир Абдулла Орипов сатрларини эпиграф қилиб келтирибсиз», — деди андак қувлик билан. Шунда устоз бир оз сукут сақлаб, хаёлга толиб «Бу борада кўп ўйлаб кўрдим. Олдинроқ Абдуллажон илтимосимга кўра «Нурли чўққилар»га эпиграф учун тўрт сатр шеър ёзиб берган эди. Бу галгиси бутунлай бошқача бўлди... Эсимни таниганимдан бери мени қийнаб келаётган, тўрт йил тер тўкиб ифода этмоқчи бўлган кўнглимдаги гапни, ғам — ғуссани Сиз «митти» шоир деган бу бала (устоз «бала» сўзини кўзончасига чиройли шикаста овозда «бала» деб талаффуз этарди) тўрт сатрда қойил қилиб айтиб қўйибди. «Муножот»ни тинглаб» шеърдан олинган ўша сатрлар асарга ўз — ўзидан тайёр эпиграф бўлиб кириб келди:

Эшилиб, тўлғониб ингранади куй,
Асрлар ғамини сўйлар «Муножот».
Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига
Қандай чидай олган экан одамзот!

Бу сатрлар гўё айни «Ўтмишдан эртақлар» учун ёзилгандай. Қисса маъно — моҳиятини — пафосини бундан аниқроқ, ёрқинроқ ифодаладиган бошқа бир сўз топиш мумкинми?!»

Шу пайт бирдан қуёш булут панасидан чиқиб теварак — атроф ёришиб — яшнаб кетдию, Абдулла ака боғи томонидан булбулнинг шодон садоси янграй бошлади. Адиб бир дам сеҳрли садога ғарқ бўлиб турди — да: «Булбулнинг сайрашини, янгроқ овозини эшитмаган, ундан завқ олмаган зот йўқ. Аммо булбулнинг ўзини кўрганмисизлар?», — дея савол ташлади. Саид Аҳмад ака кўрганлигини, Озод ака иккимиз кўрмаганлигимизни айтдик. Қишлоқдаги ҳовлимизда бир туп азамат қизил олма бўларди. Ҳар йили баҳорда гуллаганида қўшалоқ булбул гуллар чамани орасида ҳафта давомида басма — басига тўлиб — тошиб сайрашарди. Ҳарчанд уринмай улар кўринмасди. Фақат мен эмас, оила аъзоларимиздан бирортасининг ҳам кўзига тугқич бермаган... Абдулла ака бош бармоғини кўрсатиб: «Булбулнинг жуссаси шу бармоқнинг учидай келади, — дея давом этди. — Унинг юраги жуссасидан ўн баробар катта. Тўлиб юракдан сайраганида гўё дунёни титратади. Анави «митти» шоир «бала»нинг юраги ҳам жуссасидан ўн чандон каттадир — ов...

«Митти юлдуз» китобчасини варақлаб кўринг. Шу митти шоир қалб тубидан шаршарадек отилиб чиққан сатрлар қалбларни ларзага солади. Ҳали кўрасизлар, унинг овози олис – олисларга етиб боради...»

Сўнг гап Эркин Воҳидов устига кўчди. Устоз истеъдод бобида Абдулла билан Эркин бир – бирларидан асло қолишмаслигини таъкидлаб, «Маҳалла» ҳикоясига эпиграф қилиб Эркин Воҳидовдан олинган:

Инсон билан тирикдир инсон,
Муҳаббатдан ҳаётнинг боши.
Одамзодга бахш этади жон,
Одамларнинг меҳр қуёши.

Тўртлигининг тарихини сўзлаб берди. Маълум бўлишича, Абдулла ака «Маҳалла» ҳикояси тайёр бўлгач, Эркинга телефон орқали асарнинг қисқача мазмунини сўзлаб беради ва шу маънони ифода этадиган шеърий сатрлар ёзиб беришини сўрайди. Эртасигаёқ шоир юқорида келтирилган тўртликни қоғозга тушириб адибга етказлади. Тўртлик унга маъқул бўлади. «Маҳалла» ҳикояси ўша эпиграф билан «Совет Ўзбекистони» газетасида эълон этилади. «Бунақа ёрқин, ҳаётбахш, умидбахш сатрларни Эркиндек ноёб истеъдод эгасигина ёзиши мумкин эди, — дея сўзини давом эттирди устоз. — Бошда мен, Эркинни шодлик, бахт, ёшлик куйчиси деб юрардим. «Нидо» дostonини ўқигач, фикрим ўзгарди. У айни пайтда одам боласининг дарди — дунёсини, қалб нидосини ифодалаш бобида Абдулладан қолишмас экан...»

Сўхбат чоғи англадимки, Абдулла аканинг ўша кунги даврага таклиф этган ёш ижодкорларга, хусусан, Эркин Воҳидов билан Абдулла Ориповга эътибори, эҳтироми, улардан умиди ниҳоятда катта экан. Ўз навбатида, ёшларнинг ҳам устозга ҳурмати, эҳтироми чексиз эди. Абдуллажон илк китоби «Митти юлдуз»ни қаҳҳорона ихчам ва лўнда «Ҳурматли устозга эҳтиром билан» деган дастхат ёзиб тақдим этган, шу тариқа гўё устоз ва шогирдлар қалбидаги мангуликка дахлдор ноёб руҳий ришталарга имзо чеккан эди. Тириклигидагина эмас, вафотидан кейин ҳам устознинг муқаддас уйғоқ руҳи давра қатнашчилари — дилига яқин «ўз одамлари», шогирдлари қадамини ҳар дақиқада кузатиб борганлигини тасдиқлайдиган ғаройиб

ҳодисаларга шахсан ўзим шоҳидман. Биргина мисол. Уни Кибриё опа такрор—такрор ҳикоя қилишдан зерикмасди. Абдулла Қаҳҳор вафотидан сўнг опа учун Дўрмондаги боғ ҳовлисида ёлғиз туриш имкони бўлмай қолади. Абдулла ака учун ниҳоятда азиз бўлган бу йигирма йиллик масканни кимга бериш масаласи жиддий жумбоққа айланади. Унча—мунча одам бу боғ ҳовлига оғиз солишга ботинолмайди. Бир улкан математик академик олим опанинг илтимосига кўра муайян фурсат бу даргоҳда туради. Ўша кезлари опа ҳар куни тушида Абдулла акани қовоғи солиқ, тажанг ҳолда такрор—такрор кўради. Қарангки, ўша олим оиласи ҳам бу ерда ўзларини ноқулай сезиб, ниҳоят, бу хонадонни тарк этишга мажбур бўладилар. Опа хаёлан — руҳан Абдулла ака билан мулоқот чоғида унинг розилигига кўра боғ қўрғонини иккига бўлиб, каттароқ бўлагини адибнинг тўнғич шогирди Саид Аҳмадга, кичикроқ қисмини энг кенжа шогирди Абдуллажонга топширади. Ўша кундан бошлаб опа кечалари тинч ухлайдиган, тушида Абдулла акани ўша таниш боғда оромкурсига суяниб юзида табассум билан хотиржам ўтирган ҳолда бот—бот кўрадиган бўлади...

Салкам қирқ йилдирки, бу табаррук масканда устоз эҳтиромига жавобан бу икки муносиб шогирднинг ундан—да буюк эҳтироми давом этади, устоз ёққан чироқ ўчмай келади. Бир чеккаси, устоз руҳи мадади туфайли бу икки алломанинг бу йилларда ижодий парвози тобора юксалиб, бетиним шуҳратига шуҳрат қўшилди. Иккалови, қолаверса, устоз руҳига садоқатда улардан қолишмайдиган Озод ака билан Эркинжонлар ҳам Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар.

Ўша тарихий воқеа — машҳур фильмга таклиф этилган бугун ўзлари ҳам алақачон устозга айланган барҳаёт шогирдлар орадан қирқ йил ўтиб кўли кўксига таъзим ва эҳтиром ила улуғ устознинг юз йиллик тўйи тараддуудида холис хизматга шай бўлиб турибди.

2007 йил январ

«ЁШЛАР БИЛАН СУҲБАТ» КЎРГИЛИКЛАРИ

1966 йилнинг май ойи бошлари. Тошкент zilzilасидан кейинги нотинч, тўс — тўпалон кунлар. Устоз адиб Абдулла Қаҳҳор 60 ёшга тўлиши муносабати билан Фафур Гулом номидаги нашриёт унинг олти томлик асарларини, «Ёш гвардия» нашриёти эса «Ёшлар билан суҳбат» китобини нашр этишни режалаштирган. Адиб ўз одатига кўра бўлғуси китобларга кирадиган асарларининг жиддий таҳрири билан банд. Шу орада у киши мени хонадонига таклиф этдилар ва кўлимга 20 чоғли мақолалар рўйхати битилган қоғозни тутқазиб, «Буларнинг қўлёзмаси сақланмаган. Кутубхоналарга бориб қидиришга вақтим бўлмапти. Шу рўйхатдаги нарсаларни топиб кўчириб берсанг. Уларнинг бир қисмини «Олти томлик»нинг 6 — томига, муносибларини эса «Ёшлар билан суҳбат»га киритмоқчиман, — дедилар ва давом этиб. — Араб, лотин ёзувига қалайсан?» — деб сўрадилар. «Эпласам керак, қийналсам, ёрдам берадиган шоғирдлардан бор» дея устозни хотиржам қилдим. Дарҳақиқат, рўйхатда араб ва лотин ёзувида чиққан 20 — 30 — йилларга оид қатор мақолалар номлари ҳам бор эди. Ўтган йили университетни тугатиб, «Маданият» газетасида иш бошлаган, болалик йиллари Шинжонда яшаб, ўқиб, арабча ёзувни пухта эгаллаган Ёқубжон Яқвалхўжаевни ёнимга олиб zilзилада дарз кетган «Навой», «Турон», университетнинг асосий кутубхоналарида ўтириб икки — уч кун ичида рўйхатдаги барча мақолаларни топиб кўчириб, талабчан адиб олдида хижолатга қолмаслик учун кўчирилган матнларни аслиятга қайта — қайта солиштириб чиқдик. Муҳим бир ҳол: адиб тузиб берган рўйхатда мақолаларнинг чоп этилган нашр манбалари ҳам кўрсатилган, улар ёнига «тахминий» деган сўз қайд этилган эди. Шуниси қизиқки, «тахминий» дейилган манба ва саналарнинг барчаси аниқ бўлиб чиқди; рўйхатда кўрсатилган нашр сонини қўлга олиб очиб кўрсак, ҳаммаси ўз ўрнида. Шунда мен бу аломат алломанинг хотираси ниҳоятда тиниқлигига тан берганман.

Кўчирмаларни олиб бориб берганимда «Мунча тез!» дедилар ва миннатдорчилик билдириб давом этдилар, — «Ёш гвардия» директори Сотволди ниҳоятда одобли, интизомли йигит. Яхши бўлди. «Ёшлар билан суҳбат»ни ваъда қилинган кундан олдинроқ олиб бориб унинг қўлига тутқазадиган бўлдим».

Айни шундай бўлди. Директор Сотиболди Йўлдошев китоб қўлёзмасини мамнуният билан қабул қилиб олди. Яқингинада университетни тугатиб ишга келган, илк ижодий машқлари билан Қаҳҳордек талабчан устоз назарига тушган ёш ёзувчи Шукур Холмирзаевни китобга муҳаррир этиб тайинлади, таниқли мунаққидлар, «Қаҳҳор одамлари»дан М.Қўшжоновни китоб учун махсус сўз боши ёзишга, О.Шарафиддиновни эса масъул муҳаррирликка кўндирди. Иш юришгандан юришиб кетди. Ҳаммаси тахт бўлиб, қўлёзма 1967 йилнинг бошларида босмахонага топширилди, шитоб билан терилиб босишга тайёр бўлди, таомилга кўра «Лит» деб аталган қилкўприкка етганида, бирдан ишкал чиқиб ҳаракат тўхтаб қолди. Орадан бир неча кун ўтиб китобнинг босма саҳифалари нашриётга қайтиб келди; унинг деярли ҳар бир саҳифаси ҳошияси савол аломатлари, таҳдид, дағдағали сўз ва жумлалар билан тўлиб – тошган эди. Бутун – бутун абзац, саҳифалар, қатор мақолалар устига чизик тортилиб уларни олиб ташлашга амру фармон ўқилган эди... Редакция раҳбарияти китоб муаллифи Абдулла Қаҳҳордек сўз санъаткори рухсатисиз бунақа кўпол таклиф, аниқроғи, буйруққа рози бўлолмас эдилар. Маслаҳатга кўра муҳаррир қўлёзмани қўлтиқлаб адиб ҳузурига борди, бор гапларни унга дангал айтди. Бунақа машмашаларни кўравериб пишиб кетган адиб «Икки – уч кун ичида кўриб кўяман. Келиб олиб кетарсан» дея кўзи жавдираб турган Шукурни юпатди. Дарҳақиқат, адиб ваъда қилган муддат давомида ҳошиядаги қайдлар асосида қўлёзмани «қайта ишлаган» бўлди, кескин таҳдидга учраган жумла, абзац, мақолалар ўрнини бошқа – улардан – да кескинроқ жумла, абзац ва мақолалар билан тўлдирди. Муаллиф билан «Лит» орасидаги бунақа жанг ўйини яна уч бор такрорланди. Бу орада Сотиболди Йўлдошев бошқа ишга ўтди. Нашриётга янги келган бошлиқнинг журъатсизлиги туфайли нашр иши яна тўхтаб қолди. Адиб юбилейига тўёна тарзида Фафур Ғулом нашриёти «Олти томлик»нинг икки китобини тақдим этди. Аммо «Ёш гвардия» ваъда қилган жажжигина китобча чиқмай қолди.

Кимларнингдир аралашуви туфайли юбилейдан кейин «Ёшлар билан суҳбат» устидаги иш яна ҳаракатга тушди; адиб уни яна қайта кўриб бир қатор янгиликлар билан тўлдирди. Ниҳоят, янги 1968 йил бошларида адиб хонадонида Озод ака, Матёқуб ака, Шукур ва камина маслаҳатга тўпландик. Бу

кезлари Абдулла ака оғир хаста, ранги афтодаҳол, кўнглига қил ҳам сизмайди. Шундай бўлса — да ўзларини дадил тутиб, Шукур қўлидаги қўлэзма жилдига ишора қилиб, «Хўш, яна қандай даъволари бор экан?» дея истеҳзоли савол бердилар. Шукур «Бу сафар унча кўп эмас», дея даъво, таклифлар тўғрисида маълумот бера бошлади. Бошда иш хийла силлиқ кечди. Муросаю мадора деганларидек, кўп шов — шувларга сабаб бўлган 60 йиллик юбилей тантанасида сўзланган нутқ матнини тушириб қолдиришга муаллиф розилик билдирди. Бироқ ўша матн ўрнига «Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман» деган афористик жумлани киритишни таклиф этди. Бу таклиф даврадагиларнинг ҳаммасига маъқул тушди.

Босма саҳифалардан бирининг ҳошиясида саволлар қўйилган ёзувчи қайдларидаги «Адабий танқидда лаганбардорлик вужудга келаёт»гани, «Нотавон асар адабиётнинг чўққиси бўлаёт»гани, «Пахта далаларида одамларнинг ўлгани, аёллар майиб бўлиши, болаларнинг пачоқ бўлиб ўсиши»га оид кескин жумлалар тушириб қолдириладиган бўлди. Яна бир саҳифада ёнига савол ва хитоб аломатлари чекилган мана бундай жумлалар бор эди:

«Мамлакатимизда Сталиндан сўнг узундан — узун момақалди роқ бўлди — ю ўтди. Бу момақалди роқнинг биринчи садоси халқлар кўнида жуда катта орзу — умидлар уйғотди, халқлар бунинг кетидан келади ган обираҳматни кутди, бироқ момақалди роқ, шамол тўпалон қилди — ю, обираҳматдан бир томчи ҳам томмади».

Ажаб, давр ҳақида бу қадар қаҳр билан топиб айтилган кескин айбномани тушириб қолдиришга муаллифнинг ўзи рози бўлди.

Бироқ охириги мулоҳаза «Евтушенко сингари шоирлар, ёзувчилар кўнглида борини айтаётибди, холос, шунга мунча шовқин? Ахир булар кесак эмас — ку, ўт чиқса нима қипти!» деган қайдга нисбатан эътирозга келганда, адибнинг пешонаси тиришиб тоқати тоқ бўлиб: «Агар шу гаплар ҳам ўтмайди ган бўлса, китоб чиқмай қўя қолсин. Папкани қолдириб кетавер» дедилар. Бу қайд қолдириладиган бўлди...

Шундай қилиб, 1967 йил 16 феввалида босмаҳонага берилган 5 босма табақлик тўплам шу хил машмаша, борди — келдилардан сўнг орадан бир йилу беш кун ўтиб 1968 йил 21 февралда босишга рухсат этилди.

Бу ёғи нима бўлгани ўқувчиларга маълум. «Ёшлар билан суҳбат» адиб вафотидан сўнг китоб бўлиб чиқди. Ўттиз минг нусхада чоп этилган китобча китоб дўконларига етиб борар — бормас муаллиф оёқ тираб туриб ўтказган бояги икки жумла қалтис гап учун таъқибга учради, йиғиштириб олиниб, ўтда ёқилди.

2006 йил сентябр

ВАСИЯТ

Миллатнинг виждони, «сўз заргари» деган ном олган улуғ адиб Абдулла Қаҳҳор шўро даврида яшаб, шўро мактаби, университети таълимини олиб ижодкор бўлиб етишди. Сир эмас, у ўз сафдошлари каби ҳукмрон мафкура, сиёсат таъсири, таъйиқи остида ижод қилишга мажбур бўлган, Аллоҳнинг ўзи кечирсин, айрим даҳриёна руҳдаги асарлар ҳам яратган.

Шахсан ўзим кўндан — кўп фазилатлари қатори, илк устози Муҳаммаджон қори ибораси билан айтганда, «бир мусулмоннинг фарзанди» сифатида бу улуғ зот қалбининг туб — тубида исломий эътиқод барқарор эканига имон келтирганман.

Адибнинг шўро ҳукумати атеистик сиёсати хусусида истеҳзо билан айтган гапларини кўп эшитганман. Бир галги учрашувимиз Ҳайит кунига тўғри келиб қолди.

— Тонг чоғи машинада Қибрай атрофи қишлоқларни айланиб чиқдим, — дея сўз бошлади у, — ҳар йилгидек, барча мачитлар эшиги олдида район активлари, милиционерлар саф тортиб туришибди. Қўлтиғига жойнамоз қистирган қариялар кўчаларда тўда — тўда бўлиб ини бузилган чумолилардек сарсон — саргардон кезиб юришибди. Биламан, улар, барибир дала шийпонигами ёки деворларига атеистик шиорлар ёпиштириб ташланган клубгами кириб, албатта, ҳайит намозини ўқишади. Ҳукуматнинг ишига ҳайрон қоласан киши, бу қилмиши билан неча минглаб одамлар кўнглида ўзига нафрат уйғотади. Одамлар ярим соат мачитда тўпланиб тинчгина номозини ўқиб олса, осмон узилиб ерга тушмайди — ку, ахир!

Бошқа бир гал хориж сафаридан қайтган адиб у ерда юз берган кўнглисиз бир ҳодисани истеҳзо ила ҳикоя қилиб берган эди. Сафар чоғи режага кўра делегация аъзолари жаҳонга

Машҳур ибодатхонаи зиёрат қилишади. Зиёрат охирида меъзбонлар меҳмонларнинг ҳар бирига Инжил китоби совға қилади. Шу заҳоти делегация раҳбари ёнидаги одам қулоғига ниманидир шивирлайди, орада шивир – шивир изғиб, ҳамма бу имо – ишорадан хабар топади ва делегация аъзолари совға қилган Инжилни эшиқдан чиқаришда стол устига ташлаб кетади...

Орияти бор, маданиятли одам учун бу нақадар номуссизлик... Кўнги учун китобни лоақал меҳмонхонагача кўтариб борса нима қипти. Бирор кимса дарҳол онги бузилиб, насроний динига ўтиб қолмайди – ку!

У ёғини суриштирсангиз, Абдулла Қаҳҳор шўро даврида Қодирийнинг «Обид кетмон»идан кейин диндорларнинг бетакрор, ёқимтой образини яратган ёзувчилардан. Лутф, ҳазил – мутойиба, енгил кинолар билан йўғрилган «Синчалак»даги такводор, бир оз мутаассиб, аммо ниҳоятда ҳалол, ишбилармон, тадбиркор Ҳамидулланинг юмористик тимсоли ўша давр адабиётида муҳим ҳодисадир.

Ёзувчи ижодининг якуни ва чўққиси саналмиш «Ўтмишдан эртаклар»нинг энг нурли саҳифалари устозига бағишланган «Муҳаммаджон қори» бобидир. Бўлғуси адиб бу очиқ фикрли одам кўлида янгича – жадида усулида савод чиқаради, «Қуръони карим»ни тоборак сурасигача ёд олади, жадида маърифатчилари дарсликларидан сабоқ чиқаради. Бир умрга бу илк устозига эҳтиромини сақлаб қолади. Умрининг сўнгги дақиқаларида мана шу Табаррук зот билан хаёлан мулоқотда бўлади.

Қаҳҳорнинг сўнгги кунлари, Москвада касалхонадаги видолашув дақиқалари адибнинг умр йўлдоши Кибриё опанинг «Чорак аср ҳамнафас» китобида, Шуҳратнинг «Устознинг сўнгги кунлари» хотира – мақоласида анча батафсил ҳикоя қилинган. Жумладан, Шуҳрат ўша мақоласида касалхонада устоз билан мулоқотлари тафсилотларини қаламга олар экан, улардан мана бундай хулосага келади: «У ҳаётда қандай мардонвор яшаган, ҳаёт этган бўлса, ана шундай матонат билан сўнгги нафасигача ижод кечирди. Унинг ўлимининг эсласам: «Ҳаёт билан видолашишнинг ўзи бир санъат экан. Бунга ҳам матонат ва ирода керак экан» деган хаёлга бораман».

Шуҳрат ака Абдулла ака билан ўша учрашувдаги ҳамма гапни ёзади – ю, лекин энг асосий гап – фақат унинг қулоғигагина айтган васияти ҳақида ҳеч нарса демайди. Бу ҳақда кейинроқ.

Энди Кибриё опадан эшитайлик. Ажал таҳдидини сезган адиб Кибриё опадан Тошкентдан шоир Шухратни чақиртириб келишни илтимос қилади. Ҳарҳолда сочига оқ тушган, удуларимизни, мусулмончиликни яхши билади, ота — онасини кўнган бу одамга айтадиган зарур гапларим бор, деб туриб олади. Кибриё опа, негадир, ўзи айтмоқчи, умрида биринчи маротаба Абдулла Қаҳҳорнинг бу хоҳишини бажо келтирмайди. Сўнг адиб Ўзбекистоннинг Москвадаги вакили Қосим Раҳимовични ҳузурларига чақириб, «зудлик билан менга Тошкентдан шоир Шухратни чақиртириб беринг. Мен айтадиган гапларимни айтиб, хотиржам бўлишим керак» дея илтижо қилади. Вакил бу илтимосни бажо келтиради. Опа ёзадилар:

«24 май куни эрталаб касалхонага қадрдон дўстлари Константин Симонов келди... Константин Симонов кетгандан кейин кўп фурсат ўтмай, шоир Шухрат етиб келди. Абдулла Қаҳҳор ўша куниёқ айтадиган гапларини айтиб, васиятларини қилдилар ва худди елкаларидан тоғ ағдарилгандек, бирдан хотиржам бўлиб қолдилар».

Хўш, бу васият нимадан иборат эди? Кибриё опа ҳам бу хусусда лом — мим демайди. Кибриё опанинг шу сўзлари битилган китоби ҳам, Шухратнинг хотира — мақоласи жой олган «Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида» тўплами ҳам шўро даврида, 1987 йили чиққан. У кезлари Қаҳҳор васиятини ошкор қилиш имкони йўқ эди. Ҳатто адиб васиятини Кибриё опадан ҳам қизганиб у палатадан ташқарида эканида ўзи ишонган бу одамнинг қулоғигагина айтган. Мен уни Шухрат аканинг ўз оғзидан такрор — такрор эшитганман. Мана ёдимда қолган Абдулла Қаҳҳорнинг ўша сўзлари:

«Пайғамбар ёшини яшадим. На илож, Муҳаммад пайғамбар «севимли умматим менинг ёшимдан нарига ўтмасин» деб эшикни миҳлаб кетган экан, — дея у сўнги видолашув гапларини ҳам ўзига хос ҳазил аралаш образли жумлалар билан бошлайди ва шу руҳда давом этади. — Тақдирга тан бераман — да... Сиздан ўтиниб сўрайман, жоним чиққандан то қабрга киргунимгача бошимда турсангиз. Тобутимни Тошкентга олиб боргач, удумга кўра, албатта, яшикка солиб томошага қўясизлар. Улардан олдин ювиб — тараб, кафанликка ўранглар. Хунугим чиқиб ётмасин, соқолимни ўзингиз қиртишлаб қўйинг. Тезликда Қўқон яқинида Оққўрғонда турадиган устозим Муҳаммаджон қорини чақиртириб келинг. Жанозада имомликка ўша киши

ўтсин. Қабристонга борганда яшиқдан олиб, кийимларимни ечиб кафан билан лаҳадга қўйинглар. Елкам, танам Тошкентимиз тупроғига тегиб ётсин...»

Мен бу васиятни хотирам хофизаси имкони даражасида қоғозга туширдим. Янглишлар бўлса, аввало, Аллоҳ, қолаверса, икки устоз руҳи поклари олдида узр сўрайман. Қани эди, бу табаррук васиятномани Шуҳрат аканинг ўзлари ёзиб қолдирганларида эди, бор ҳақиқат янада равшанроқ бўларди. Афсуски, 1987 йиллар шароитида бу асло мумкин эмас эди.

Шуҳрат ака устоз васиятини тўла – тўкис адо этишга эришди.

Марҳумнинг тобути Тошкентга, ўз хонадонига келирилгач, ҳукумат вакиллари ташриф буюради. Бош раҳбар Кибриё опага ҳукумат номидан таъзия изҳор қилиб, ундан: «Абдулла ака бизга қандоқ топшириқ бердилар» деб сўрайди. Кибриё опа ўз дардини айтади, сўнг Шуҳрат ака адибнинг васиятини баён қилади. Бош раҳбар уни эътибор билан тинглайди – ю, вазият тақозоси бўлса керак, ҳеч нарса демайди. Шуҳрат ака буни «сукут аломати ризо» тарзида тушуниб енг шимариб ишга киришади.

Қабрисондаги дафн маросимига кутилмаганда ҳукумат раҳбарлари ҳам етиб келади. Одатдагидек, митинг бўлади, видолашув нутқлари ирод этилади, энг ҳаяжонли дил сўзларини Шуҳрат ака айтади. Раҳбарият қабр бошида турганига қарамай, майит яшиқ тобутдан олиниб лаҳадга қўйилади, қабрга тупроқ тортилиши билан, Муҳаммаджон қори тиловат қилган Қуръон оятларининг сеҳрли оҳанглари қабристон узра таралади.

Шу воқеаларга, мана, бир кам қирқ йил бўляпти. Ўша дақиқаларда адибнинг устози овозида янграган Қуръони карим оятлари садоси ҳамон қулоғим остида янграб тургандек. Мана шу мангу садо устоз руҳига қиёматга қадар ҳамроҳ бўлиб боришини яратгандан сўраб қоламан.

2007 йил феврал

Учинчи бўлим

СУҲБАТЛАР

БИР СУҲБАТ САБОҚЛАРИ

«Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 5, 7 – сонларида «Ҳикоянавис санъати» сарлавҳаси остида эълон этилган туркум мақолаларим адабий жамоатчиликка, муҳими, устоз Абдулла Қаҳҳорга маъқул тушганидан руҳланиб, унинг энг жиддий, кескин мунозараларга сабаб бўлган романи ҳақида каттароқ бир нарса ёзишга жазм этдим. Ҳа йилнинг ёзида адиб билан «Сароб» хусусида қисқа – 10–15 минутлик суҳбат қилишга муяссар бўлган эдим. Мана Ҳа суҳбат тафсилотлари:

– *«Сароб»нинг бош ғояси теварагида кўп тортишувлар бўлган. Айтинг–чи, сизнингча, романинг асл ғояси нимадан иборат?*

– Асарнинг ғоясини қидиришга эҳтиёж борми Ҳа? Мен шу кунгача битта – иккита дурустроқ нарса ёзган бўлсам бирортасининг ҳам ғоясини олдиндан белгилаб олганим йўқ. Асар ўқувчида қандай таъсир қолдирса, уни қайси йўлларга бошласа, ғояси Ҳа – да!

Мен ҳам ёшлигимда сизларга ўхшаб, янглиш маслаҳатларга амал қилиб, нуқул асарнинг ғоясини қидирар эдим. Кейин билдимки, асарда автор нияти – мақсади билан оқибат – натижа бутунлай фарқ қилиши, китобхон асарни автор ўйлаганидан, танқидчилар талқин этганидан бошқача қабул қилиши ҳам мумкин экан. Жек Лондоннинг «День пламенеет» деган романи бор. Ҳар бир асардан ғоя қидириб юрган кезларим уни ўқиганман. Айна пайтда у ҳақда ёзилган нарсалар билан танишганман. Роман ғояси ҳақида айтилган бирорта гап мени қаноатлантирмади. Роман ғоясини тополмай ҳайрон эдим. Шу китобни ўқигандан кейин негадир шаҳарда тургим келмай қолди. Қолган умримни қишлоқда ўтказишни хоҳлаб қолдим. Ҳаилаб қарасам, асарнинг асл ғояси шу – одамларни табиат кучоғига даъват этиш экан...

Хуллас, жавобим шу — «Сароб» сизда қандай таассурот қолдирган, сизни нимага даъват этган бўлса — гоёси ўша!

— «Сароб» романи бош қаҳрамон Саидийнинг талабалик даври воқеалари тасвиридан бошланади, сўнг қаҳрамон турли давраларда, кўпроқ ижодий зиёлилар орасида, газета таҳририятида, шаҳар атрофи қишлоқларида кўринади. Саидий билан Мунисхон илк бор танишган, сўнг улар таҳсил олган маскан — айни ўзингиз ўқиган САГУ (Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) биноси. Романга қаламга олинган кўчалар, кўтлаб манзаралар бизга таниш жойлар. Лекин кутилмаганда кўз олдимизда бирдан Қўқон ва унинг атрофидаги манзаралар гавдаланади...

— Тўғри пайқабсиз. Биласиз, мен Қўқондаги педбилим юртида, сўнг Ўрта Осиё Давлат университетининг аввал ишчилар, кейин педагогика факультетида ўқиганман, «Янги Фарғона», «Қизил Ўзбекистон» редакцияларида ишлаганман. «Сароб» айни ўша йиллари содир бўлган, ўзим кўрган — кечирган воқеа — ҳодисалар таассуроти асосида ёзилган. Бироқ «Сароб» тарихий роман эмас, у очерк ҳам эмас, ундаги макон аниқ бир жой сурати эмас. Энди ўйлаб қарасам, «Сароб»да икки шаҳардан битта адабий шаҳар яратилган экан. Асар устида ишлаш чоғи бу нарса хаёлимга ҳам келгани йўқ.

— Ҳар гал «Сароб»ни қайта ўқиганимда, ундаги бир ҳолат мени ҳайратга солади: Саидий билан Мунисхон илк бор танишганларида бир—бировларига «сиз»лашиб мурожаат қилади; бора—бора улар секин—аста оврўпачасига «сен»лашга ўтишади. Уларнинг, айниқса, Мунисхоннинг кийиниши, кўриниши, фикрлаш, сўзлаш тарзи, мағаний савияси ниҳоятда баланд; фалсафий мавзуларда баҳслашади, роялда машқлар чалади, мана мен деган яхши тарбия кўрган оврўпа қизларидан асло қолишмайди... Шу хил ўринларда бир оз ошириб юборилган эмасмикан? 20—йилларда шунақа қизлар бўлганми?!

— Бўлган. Шундай қизлар оз бўлса — да бор эди. Ўша кезларда университетда таълим, асосан, рус тилида олиб борилар, муаллимларнинг аксарияти рус домлалари эди. Биз университет хоналарида ҳам, кўча — кўйда ҳам русча гаплашишга, оврўпача муомала қилишга ҳаракат қилардик. Мана, сизга биргина ҳаётий мисол. Ойбек билан университетда деярли бир пайтда ўқиганмиз. Ойбек билан Зарифанинг севги мулоқотларидан хабарим бўлган. Улар бир — бирларига «сен»лашиб муомала қиларди. Уларнинг бу одати ҳозиргача сақланиб қолган.

– «Сароб»да таржимаи ҳолингизга оид бир қатор ҳолат, деталлар учрайди. Чунончи, Саидийнинг отаси темирчи, ўзи эса тортинчоқ, одамларга қўшилавермайдиган йиғит, у ҳам айни Сиз таълим олган мактаб ўқувчиси, университет талабаси, сўнг редакция ходими, ижодкор. Айрим персонажлар университет муаллимларидан кўра, Сизга педбилим юртида таълим берган домлаларга ўхшаб кетади. Университетга кириш учун Сизга рус тилини ўрганишда ёрдам берган рус йиғит Павел Шафрин романда ҳам иштирок этади...

– Аминманки, ҳар қандай асарда автор ҳаёти — шахсиятидан кўчиб ўтган жиҳатлар бўлади. Бирида кўпроқ, бирида озроқ. «Сароб» ҳам бундан мустасно эмас. 39— йилги «Сароб» теварагидаги мунозаралар чоғи бир нотик романдаги ўша сиз эслатган ҳолатларни рўкач қилиб, Саидий образи орқали ёзувчи ўз ўтмишини ҳикоя қилган, деб даъво қилган эди. Бу билан чекланмай, у «қуюшқон»дан чиқиб кетиб: «Адиб ҳаёт рад этган ўз ўтмишига туфлаши керак!» дея амри фармон қилса бўладими! Шунда мен ҳам қизишиб кетиб «Менинг туфлайдиган ўтмишим йўқ, агар туфлаш керак бўлса, оғзимни тўлдириб «Сароб»ни, бинобарин, бадий асарни тушунмайдиган сиз каби жоҳил кимсаларнинг юзига туфлайман» деб юборибман. «Сароб» қаҳрамони ҳаёт гирдобига тушиб қолиб ҳалок бўлиб кетади. Шукрки, мана мен тирик юрибман. Бояги нотикнинг фаросатини қарангки, унинг ақли шунга ҳам етмабди. Фаросатда ўша жоҳил кимсадан қолишмайдиган танқидчилар, афсуски, ҳозир ҳам бор.

– «Сароб» ҳақида ёзилган нарсалар орасида сизга маъқул тушадиганлари борми?

– Танқид шу пайтга қадар «Сароб»дан нуқул сиёсат излади. Романдаги одамларнинг дарди — дунёсини, оҳу зорини эшитадиган бир азамат топилмади. Агар қўлингдан келса, шу ишни қил, эпполмасанг «Сароб»дан узоқроқ юр...

Қирқ йил бурун мен учун нутиламас сабоқ бўлиб қолган юқоридаги суҳбатни бугун устоз таваллудининг 100 йиллиги арафасида қоғозга туширар эканман, адиб учун армон бўлиб қолган, «Сароб»даги одамларнинг дарду дунёси, оҳу зори ҳақида бирор жиддийроқ нарса ёзиш хаёлидаман. Мақтанмайман, бу борада баъзи ишлар қилдим, бироқ улар етарли эмас.

2007 йил январ

ҲАҚИҚАТ ВА САРОБ

(Ёзувчи Пиримқул Қодиров билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ. Адабий асарнинг қадри, аҳамияти, аввало, яратилган пайтида ўша давр адабиёти, ижтимоий – маънавий ҳаётда тутган ўрни, қолаверса, адабиётнинг кейинги тараққиётига, адабий авлодлар ижодига, жамият маънавиятига кўрсатаётган таъсири, асло эскирмайдиган бадий қиммати билан белгиланади. Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романи 30 – йиллар ўзбек адабиётида, маданий – маънавий ҳаётда муҳим ҳодиса, ўзбек романчилиги ривожига янги босқич бўлди. «Ўткан кунлар» сингари бу асар теварагида ҳам қизғин баҳс – мунозаралар бошланди, асарнинг ғоявий – бадий йўналишидаги, поэтикасидаги ўзига хосликни тушунмай, ҳис этмай, романга ўринсиз талаблар қўйиш, уни камситиш ҳоллари бўлди. Ёзувчининг ўзи афсус – надомат билан: «Сароб»ни тўрт йилда ёзиб тугатдим. Китоб республика конкурсида мукофотланди. Уни китобхон хуш қабул қилди, лекин баъзан арзон шуҳратпарастлик, баъзан сиёсий демагоглик, баъзан эса тўғридан – тўғри жаҳолат натижаси бўлган танқид найза кўтариб қарши олди. Бу нарса баъзи ҳолларда ҳатто фаросатли одамларни ҳам чалғитди», деган эди.

Тўғри, «Сароб» тўғрисидаги баҳсларда уни ҳимоя этиб чиққанлар ҳам бўлган, аммо, барибир, манфий қараш устунлик қилди. Кўпгина илмий – танқидий ишларда «Сароб» социалистик реализм доирасидан ташқарига чиқариб қўйилди; унга «буржуа – объективистик реализми» (Ҳ. Ёқубов) ҳаётни объективистик – натуралистик тасвирлаган асар (Ў. Рашид), «бу роман бизга ёт асар» (Ю. Султон) деган ҳар хил ёрлиқлар ёпиштирилди. Бундай қараш 50 – йилларнинг ўрталарига қадар давом этди. Фақат Сталин вафотидан кейинги «эрувгарчилик» шароитидагина романга муносабат ўзгарди, у ҳақиқий илмий баҳосини ола бошлади, ниҳоят, М. Қўшжоновнинг «Адашганлар фожиаси» мақоласида бу роман моҳияти ўзгача талқин этилди. Пиримқул ака, сиз ҳали «Сароб» ҳақиқий илмий баҳосини олмаган, унга менсимай қараш давом этаётган бир пайтда Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳақида йирик илмий тадқиқотга қўл ургансиз. Очигини айтсангиз, ўша кезларда Сизнинг романга қарашингиз қандай бўлган, ўша пайтда ҳукмрон бўлган бир

ёқлама қарашлар ҳам ёзувчи, ҳам танқидчи, ҳам оддий ўқувчи сифатида сизни чалғитганми? Сизга тенгдош адибларни — чи?

ЁЗУВЧИ. Умарали, сиз «Сароб» романи муносабати билан адабиётимиз ва танқидчилигимизнинг равнақига хизмат қиладиган муҳим гапларни ўртага ташлаётирсиз. Ҳақиқат худди замин бағрида ётган ўлмас уруғдек ахири бир кун униб чиқиши «Сароб» ва унга берилган баҳолар мисолида яққол кўринади. Айниқса, бизнинг замонамиз ҳақиқат айтиш, йўл қўйилган хато ва камчиликларга ошкора муносабат билдириш учун имконият яратаётгани туфайли Абдулла Қаҳҳор каби ҳақгўй, соҳибистеъдод, шиддатли ёзувчилар ижодининг қадри ортиб боряпти. Қарангки, замонавий мавзуда ёзилган баъзи асарларимиз тўрт — беш йил ўтмасдан эскириб, истеъмолдан чиқиб кетяпти. Ўз даврининг долзарб замонавий асари тарзида майдонга келган «Сароб» романи эса эллик йилдан бери авлоддан авлодга ўтиб, ҳамон қўлма — қўл бўлиб ўқилияпти.

Бу романнинг умрини узоқ қилган фазилатлар сирини очиб — адабиёт илмининг энг муҳим вазифаларидандир. Танқидчи ва олимларимиз «Сароб» атрофида эллик йилдан бери мунозарали фикрлар айтишади, лекин ҳали ҳам ҳақиқатнинг тагига етишолмайди. Шу ҳолнинг ўзи бу романдаги ғоявий — бадиий хусусиятларнинг нақадар теранлигидан далолат беради.

Сиз келтирган фактларда ўттизинчи — қирқинчи йилларнинг кўшгина танқидчилари адабиётнинг бадиийлик қонуниятлари билан ҳисоблашмагани, асарни қотиб қолган доғмалар ва вульгар — социологик қолипларга солиб баҳолагани учун «Сароб»га ўта адолатсиз айблар таққанлиги аччиқ сабоқ тарзида кўзга ташланади. Бу ҳаммаси муайян даврлардаги тарихий вазият ва адолат нормаларининг бузилиши билан боғлиқ эди.

Ниҳоят, йигирма йил ўтиб, «Сароб» қайта нашр қилинди.

1954 йилда Москвада мен Абдулла Қаҳҳорнинг урушдан кейинги ижоди ҳақида кандидатлик диссертацияси ёқлаган эдим. Қисман, шу сабаб бўлди — ю, 1956 йилда устоз адибнинг уч томлигига бош сўз ёзиш менга топширилди. У пайтларда ҳали мен ҳам «Сароб» ҳақидаги эскича тасаввурлар таъсиридан қутулиб улгурмаганлигимни кейинроқ сездим. Тўғри, аввалги даврда ёзувчига тақилган асоссиз ғоявий — сиёсий айбларни инкор этиб, романни бутунича ижобий баҳолаш, Саидий, Мунисхон, Муродхўжа домла каби марказий персонажларни

адибнинг муваффақияти деб баҳолаш — адолат томон юзланиш ва бир қадам олға кетиш эди.

Лекин ҳали бу бир қадам ҳам тўлиқ, ҳақиқатдан хийла узоқда қолганини орадан ўн — ўн беш йиллар ўтгандан сўнг пайқадим ва «Ўзбек совет адабиёти тарихи» учун ёзган «Абдулла Қаҳҳор» сарлавҳали адабий портретда аввалги бир ёқламалиқдан қутулишга интилдим. Айниқса, ҳозир «Сароб» романида салбий қаҳрамонларга нисбатан ижобий қаҳрамонлар заифроқ чиққан, деган фикрим ўзимга эриш туюлади. Чунки Абдулла Қаҳҳор одамларни фақат салбий — ижобий, яъни оқ — қора ранглар билангина тасвир этмагани, балки турли, ҳаётий бўёқларни худди камалақдагидек қоришиқ ва яхлит кўрсатгани асарнинг нуқсони эмас, фазилатидир. Бундан ташқари, романдаги барча персонажларни ичдан бирлаштириб турган бош образ — муаллиф бор. «Сароб»ни ёзган муаллиф ўз даврининг илғор ва курашчан ижобий қаҳрамони бўлганлиги асарнинг бутун мундарижасидан сезилиб турибди.

ТАНҚИДЧИ. «Сароб»нинг 1957 йилги иккинчи нашрини ёзувчи жиддий таҳрир этган, кўпгина тузатишлар киритган, кескин равишда қисқартирган. 1967 йилги учинчи нашрида ҳам талайгина ўзгартиришлар бор. Танқидчиликда, бундай ўзгартиришлар, қисқартиришлар дастлаб ижобий баҳоланган эди. Сиз романнинг ҳар уч нашрини бевосита ўқиган китобхон, тадқиқотчи, ҳам ижодий меҳнат машаққатларини бошдан кечирган ёзувчи сифатида бу ишга қандай қарайсиз? Романнинг илк вариантини ўқигандаги кайфият ва кейинги наشري билан танишгандаги таассуротларингиз қандай? Кўзингиз тушган бўлса керак, «Ёшлик»нинг 1986 йил 6 — сонида «Сароб» романининг уч нашрини қиёсий текширувчи мақола босилди, унда ёш тадқиқотчи таҳрирлар туфайли кейинги нашрлар кўп фазилатларини йўқотган, деган хулосага келади. Менинча, бу асарнинг танқидий матнини тайёрлаш, ҳар уч нашрини синчиклаб қиёсий ўрганишни давом эттириш керак. Шунда таҳрир, ўзгартириш ва қисқартириш туфайли роман нималарга эришгану, нималарни йўқотгани тўлароқ аён бўлади.

ЁЗУВЧИ. «Сароб»нинг ҳар уч нашридаги барча фазилатларни саралаб олиш ва асарнинг мукамал бир матнини яратиш фикрига мен ҳам қўшиламан. Ёш қалбнинг жўшқин туйғулари адибнинг бошқа асарларига нисбатан ҳам «Сароб»да ёрқинроқ акс этган. Асарнинг фазилатлари унинг илк нашрида кўзга

яққолроқ ташланиши «Ёшлик»да чиққан Раҳмон Қўчқоров мақоласида тўғри кўрсатилган. Айниқса, романнинг биринчи бўлимида Саидийнинг болалик ва ўсмирлик ҳаётига оид бутун бир боб кейинги нашрга кирмай қолганлиги асар учун ютқизиқ бўлган.

Шу билан бирга романнинг кейинги нашрларида ўринли қисқартиришлар ва тилга оид яхши таҳрирлар ҳам оз эмас. Ёзувчи ўнлаб йил давомида орттирган ҳаётий ва ижодий тажрибасига таяниб, «Сароб»даги айрим баёнларини, тили ноаниқ жумлаларни, ўхшатиш ва истиоралар бири устига бири қўшилиб, услубни мураккаблаштирган ўринларини моҳирона тузатган. Танқидий матн яратиладиган бўлса, бу тузатишлар унга албатта киритилиши керак.

Саидий образининг талқини кейинги нашрларда қандай ўзгаргани масаласига келсак, москвалик адиба Вера Смирнова билдирган фикр менга ҳам асосли туюлади. Характер мантиғи нуқтаи назаридан Саидий бутун роман давомида иродаси бўш, оқимга қараб оқадиган лоқайд шахс сифатида тасвирланади. Романнинг охирида у хасталаниб, нимжон бўлиб қолади. Шундай одам сўнгги бобда тўсатдан фаол ва зўр қўпоровчига айланиши, бир ўзи иккита оғир ишални кўтариб бориб изга қўйиши ва бутун бошли юк поездини ҳалокатга учратиши, В.Смирнова айтганидек, кишини унча ишонтирмайди.

Лекин «Сароб» қайта ишланган 1957 йилда адабий муҳит эскича тушунчалар таъсиридан ҳали бутунлай чиқиб кетолган эмас эди. Айрим одамлар: «Саидийдай буржуа миллатчиси китобхонда мутлақо ачиниш туйғусини уйғотмаслиги керак, балки автор синфий позицияда изчил туриб, унга қарши нафратни янада кучайтириши лозим!» деган талабни муаллифнинг олдига қатъий қилиб қўяди. Абдулла Қаҳҳор бу талабнинг бир ёқдамалигини сезади. Адибга «Сароб»нинг дастлабки нашри кўпроқ ёққани ҳақида унинг рафиқаси Кибриё Қаҳҳорова ҳам гувоҳлик беради. Чунки роман бошдаёқ салбий кучларга қарши нафрат ва ғазаб билан ёзилган эди. Саидий ва Мунисхонларнинг ёшлиги, гўзаллиги, муҳаббати ва бошқа инсоний фазилатлари салбий кучлар муҳитида емирилиб, сўниб борганлигини кўрсатиш эса ўша муҳитга қарши китобхон нафратини янада кучайтиришга хизмат қилади. Шундай бўлгач, Саидийга қора бўёқни кўпроқ чаплаб, уни ёвуз бир душманга айлантириш асарнинг ишонтириш кучини сусайтириб қўйиши

мумкин эди. А. Қаҳҳор шуни сезгани учун Саидий образининг таъқинини ўзгартиришга аввал рози бўлмайди, лекин «Сароб»га қайта қўл уришдан олдин А.Қаҳҳор «Қўшчинор»ни қайта ишлаган эди. Бу икки романга адабий танқиднинг таъсирида ўхшаш нуқталар кўп.

ТАНҚИДЧИ. «Қўшчинор»нинг тақдири «Сароб» қисматига кўра ҳам мураккаб ва машаққатлироқ кечган. Тасодифни қарангки, «Сароб» 30 — йилларнинг охирларидаги чигал муҳит таъйиқига дуч келган бўлса, «Қўшчинор» 40 — йилларнинг охирларидаги ўта нохуш муҳит қаршилигига учради. «Қўшчинор»нинг биринчи қисми «Шарқ юлдузи»да чиқиши биланоқ жамоатчилик эътиборини ўзига тортди, танқидчиликда дастлаб ижобий баҳо олди; тезда рус тилига таржима этилиб, матбуотда у ҳақида илиқ гаплар айтилди. Аммо, сал фурсат ўтмай романга муносабат бутунлай ўзгариб кетди. Коллективлаштириш давридан олинган бу романда ёзувчи ўша давр ҳаётига ўзига хос тарзда ёндашган — ўз тўпидан ажралиб кейинда қолган оддий деҳқон — батракнинг янги ҳаёт йўлига чиқиб олгунча бошдан кечирганларини, машаққатли изланишларини кўрсатмоқчи бўлган эди. Адабий танқид унинг бу ниятини мутлақо ҳисобга олмаган ҳолда ҳали тугамаган романга муайян стереотиплар асосида ёндашиб, унга жиддий ғоявий айблар қўя бошлади. Ёзувчи бошда асоссиз танқидий фикрларга мутлақо қўшилмайди, қатъий туриб уларни рад этади. «Қизил Ўзбекистон» газетаси «Қўшчинор» муҳокамаси ҳақидаги ҳисоботда (1948 йил 4 август) Абдулла Қаҳҳор қилинган «ҳаққоний танқидларнинг мазмунига тушуниб етмай катта хато қилди», ёзувчи «мунозарада қилинган танқид асосида романда кўрсатилган хатоларни албатта тузатиши керак» деб ёзди.

Қарангки, танқидчилик ёзувчига ошқора таъйиқ ўтказган, кўрсатилган «хатолар»ни албатта тузатиш керак, деб туриб олган. Ниҳоят, адиб ўшандай асоссиз танқидларни тан олишга мажбур бўлган, шу мажбурият асосида асарни қайта ишлаган. «Қўшчинор»ни «Қўшчинор чироқлари»га айлантирган. Кейинчалик автор бу ҳақида ҳам афсус — надомат билан «Қўшчинор чироқлари» номи билан чиққан роман, танқид хуш қабул қилган бўлса ҳам, таъбимдаги китоб эмас», «ўзимга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан мақсадимга етолмадим», дейди. «Қўшчинор»нинг «Қўшчинор чироқлари»га айланиш жараёни,

қайта ишлаш туфайли бу роман ҳам нималарга эришгану, нималарни ютқазган, «Қўшчинор» теварагидаги баҳслар, асоссиз танқид ва талабларнинг келтирган зарари масаласи ҳам адабиётшуносликда чуқур ўрганилиши лозим. «Ўзбек совет адабиёти тарихи» учун сиз ёзган «Абдулла Қаҳҳор» рисолангизда шу хусусда баъзи мулоҳазалар мавжуд. Ҳозир бу аччиқ сабоқни бор овоз билан айтиш пайти келди.

ЁЗУВЧИ. Албатта, ёзувчи адолатли танқидий фикрларни ҳисобга олса ва асари устида қайта – қайта ишлаб, уни мукаммаллаштириб борса, буни нур устига аъло нур деб баҳолаш керак. Лекин «Сароб» ва «Қўшчинор» босилиб чиққан даврларда Абдулла Қаҳҳорга адолатсиз айблар ҳам тақилган ва бу ҳол ёзувчи ижодига хийла мураккаб таъсир кўрсатган эди.

Биз муайян даврда тарихий вазият ва адабий муҳит ёзувчига қандай таъсир қилишини хийла соддалаштириб талқин қиламиз. Мураккаб ва зиддиятли ҳодисаларни четлаб ўтамыз.

Бу салбий ҳодисалар орасида манфаатпараслик, маъмуриятчилик, ўз хизмат лавозимини сунистеъмом қилиш ҳоллари адабиётимизнинг ривожини қийинлаштиради.

«Қўшчинор» илк бор журналда босилиб чиққанда биз ҳали студент эдик. Бу романни ўқиш ҳаётимда катта воқеа бўлганини ҳали – ҳали эслаб юраман. Адабий жамоатчилик ҳам «Қўшчинор»га 1946 – 1947 йилларда юксак баҳо берган, Муқимий театри биносида Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий кечаси бўлган, бу роман унинг катта муваффақияти, деб баҳоланган эди. Боя айтилгандай, матбуотнинг «Қўшчинор»га берган илк баҳолари ҳам ижобий эди. 1947 йилнинг кузида «Шарқ юлдузи» журналида адабиётшунос Фулом Каримовнинг «Ўзбек адабиёти ўттиз йилда» деган мақоласида «Қўшчинор» фақат Абдулла Қаҳҳорнинггина эмас, бутун ўзбек адабиётининг муваффақияти эканлиги таъкидланган эди. Орадан кўп ўтмай «Қўшчинор»нинг ютуғини йўққа чиқарадиган ур калтак танқид бошланиб кетди.

ТАНҚИДЧИ. «Қизил Ўзбекистон»да «Қўшчинор» ҳақида бирин – кетин иккита «фош» этувчи мақола – танқидчи А.Алимухамедовнинг тақризи ва роман муҳокамаси ҳақида батафсил ҳисобот босилади. Ҳисоботда, жумладан, ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ўз романида партиянинг қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш сиёсатини бузиб тасвирлаган, асарда «коллективлаштириш даврида кескин синфий курашнинг кўрсатилмаслиги, майда деҳқон хўжалигини йирик социалистик

хўжаликка айлантиришда коммунистлар партиясининг роли, қишлоқдаги камабағал деҳқонларнинг актив фаолиятлари курашининг акс эттирилмаслиги ёзувчининг энг катта, кўпо-сиёсий хатосидир» дейилади.

ЁЗУВЧИ. Абдулла Қаҳҳор коллективлаштириш тарихи ҳақида илмий рисола эмас, бадий асар ёзаётгани, унда кескин синфий курашлар жараёни эмас, шу курашлардан четда турган одам қисмати ифода этилаётгани, бош қаҳрамон Сидиқжон ҳаёти, қарашларида кучли силсилалар кетаётганини, шу тариқа даврининг катта ҳақиқати ўзига хос тарзда бадий талқин қилинганлиги мутлақо ҳисобга олинмайди.

ТАНҚИДЧИ. Асар марказида адашган, ўз тўпидан ажралган батрак йигит тақдири туради. Танқидчилар эса бу одамдан совет кишиларига хос «барча яхши сифат ва туйғуларни» талаб этадилар. «Асарнинг бош қаҳрамони» Сидиқжон колхоз қишлоғини яхши кишилари учун типик бўлмаган хислатли, индивидуалист, пассив, нодон, ҳар нарсадан ҳадиксировчи, янгиликлардан қўрқувчи ва саботсиз одамдир», ёзувчи Сидиқжонни шундай одам тарзида кўрсатиб «катта хато қилади», улар «замонамиз кишилари эмас» дейилади ҳисоботда. Қарангки, танқидчилар оддий ҳақиқатни — Сидиқжон «илфор совет кишиси» эмас, бу образ орқали муаллиф адашган одам фожиасини, ундаги уйғонишни кўрсатмоқчи бўлганини асло тан олмайди.

ЁЗУВЧИ. Газета ҳисоботи Абдулла Қаҳҳорни танқидга нотўғри муносабатда айблаган бўлса ҳам, аслида ёзувчи ҳақ эди. «Қўшчинор» ҳали томомланмаган романнинг биринчи китоби эди. Ундаги жузъий камчиликларни муаллиф иккинчи китобни тугаллаш жараёнида тузатиши мумкин эди. Бу орада «Қўшчинор» рус тилига таржима бўлиб чиққан, уни москвалик адиблар ҳам ўқиган эди. Таниқли рус совет ёзувчиси Юрий Либединский «Литературная газета» саҳифасида «Сидиқжоннинг уйғониши» деб номланган каттагина мақола эълон қилди. Мақоланинг хулосаси: «Сидиқжоннинг маънан қайта туғилиш жараёнидаги қалб жунбушлари ёзувчи томонидан ҳаққоний ва таъсирли кўрсатилган. Абдулла Қаҳҳор янги инсон шаклланишидаги теранлик ва мураккабликни очиб берган. Сидиқжон образининг муваффақиятли чиққани романнинг бош фазилатидир».

Бу холисанилло баҳо Абдулла Қаҳҳорни адолатсиз танқидлардан ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан ҳам қадрлидир. Чунки Ю. Либединскийнинг мақоласи Тошкентда «Қўшчинор»га бутунича салбий баҳо берган бир ёқлама танқиддан кейин 1948 йилнинг 14 августиди босилган эди. Бу ҳодиса ёзувчининг ўша пайтдаги биз каби ёш мухлисларини жуда қувонтирган эди. «Москва романга ижобий баҳо бердим, энди биздаги «ур калтак» танқидлар бас қилинади», деб ўйлаган эдик. Лекин 1949 йилда «Қўшчинор»ни бир ёқлама танқид қилишлар баттар авжланиб кетди. Ўша йилнинг май ойида Москвада чиқадиган «Культура и жизнь» ҳозирги «Советская культура» газетасида «Қўшчинор»га ўта салбий баҳо берган мақола босилади. Бу бир ёқлама баҳо мақоланинг «Воқеликни бузиб кўрсатувчи роман» деб номланган сарлавҳасидаёқ кўзга яққол ташланади.

ТАНҚИДЧИ. Мақола муаллифлари Ю. Либединскийни «Қўшчинор» ҳақида илиқ гап айтгани учун қаттиқ айблайдилар, ёзувчининг романга берган холис, адолатли баҳосини «роят асоссиз», «ўқувчиларни ва ёзувчиларни чалғитиш», «нуқул партиявий ёндашишдан», «синфий позициядан» чекиниш деган дағдаға билан қоралайдилар.

ЁЗУВЧИ. Танқидчилар ёзувчини синфий позициядан чекинишда, муштумзўрларнинг колхоз ҳаракатига кўрсатган қаршилигини хаспўшлашда, янги тузумнинг афзалликларини бузиб кўрсатишда айблайди. Бироқ асарни холисона ўқиган ҳар бир фаросатли китобхон унинг биринчи бобидаёқ қишлоқдаги жараёнлар қаҳрамонлар тақдирини қандай ўзгартириб юбораётганига гувоҳ бўлади. Ахир, муштумзўр Зуннунхўжа Сидиқжонни ичкўев қилиб, унинг орқада қолишига ва кўпчиликдан ажралишига сабаб бўлган экан, шунинг ўзи муштумзўрнинг беғуноҳ одамлар қисматига кўрсатган қаршилиги эмасми? Сидиқжон билан унинг қайнотаси орасидаги конфликт — сўнгги батракнинг ниқоблаган муштумзўрга қарши исёни тарзида кўрсатилган — ку! Бу ҳаммаси Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаққоний йўлда мустаҳкам турганидан далолат беради. Фақат ёзувчи ўз ниятини декларация ва шиор тарзида очик айтмайди, балки образлар мағзига синдириб беради. Адабиётнинг ўзига хос образли тафаккур экани ўша даврдаги догматизм ва вульгар социологизм тарафдорлари томонидан тан олинмайди. Улар романга, хусусан,

унинг «Капсанчилар» деган бобига, худди илмий мақолага қўйиладиган талаблар билан ёндашадилар. Ёзувчидан муштумзўрларнинг синф сифатида тугатилиш жараёнини батафсил кўрсатишни талаб қиладилар.

Абдулла Қаҳҳор 1950–1951 йилларда романни тугаллаш пайтида унинг биринчи қисмини қайта ишлайди. «Капсанчилар» деган бобга яна тўрт боб қўшиб, колхоз ҳаракати давридаги шароитни кенг кўрсатади. Романга маҳорат билан тасвирланган бир қанча янги образлар қўшилади, унинг мундарижаси бойийди. Аммо аввалги бош қаҳрамон Сидиқжон янги кирган боблардаги воқеаларга аралашмайди, узоқ вақт асосий ҳаракатдан четда қолиб кетади. Сюжет ва композицияда номуаносиблик пайдо бўлади.

Ёзувчи Сидиқжонни сюжет чизигига тезроқ қайтишига шошилади. Бу шошилиш натижасида айрим суқма образлар схематик тарзда берилади. Адибнинг ўзи «Қўшчинор»нинг қайта ишланиши ва «Қўшчинор чироқлари»га айланишини эслаб, «бу таъбимдаги китоб эмас» деб ёзгани шу боисдандир.

Орадан беш йил ўтгач, «Сароб»ни ҳам қайта ишлаш кун тартибига қўйилди. Шунда «Қўшчинор»нинг қайта ишланганини маъқуллаган адабий муҳит «энди игна ўтган жойдан ип ҳам ўтади» дегандек қилиб «Сароб»ни ҳам қайта ишлашга ёзувчини кўндирди.

Адолат юзасида айтиш керакки, ўша адабий муҳитнинг бир четида мен ҳам бор эдим. Ўзи зерикарли, декларатив китобларни кўп ёзган бир муаллиф нуқул А. Қаҳҳорнинг шавқ билан ўқиладиган бадиий ёрқин асарларидан «ғоявий хато» топар эди.

Эскича тушунчалар таъсиридан қутулиш бизнинг авлод онгида хийла секин ва қийин кечганини мен кейинроқ «Уч илди»даги Маҳкам ва Очилларнинг ички дунёлари орқали кўрсатишга интилганман. Аммо «Сароб» қайта нашр бўлган пайтларда мен ҳам Саидий образининг талқини ўзгарганини маъқуллаб, «роман ғоявий жиҳатдан ютибди», деб юрганман.

Образнинг ғоявий мазмунини унинг бадиий тасъир кучидан ва ёзувчининг ишонтириш санъатидан ажратиб баҳолаш қанақа чалкашликларга олиб келишини мен кейинроқ билдим. Чунки ғоявийлик билан бадиийлик худди жон билан тандек бирга бўлгандагина бизга теран таъсир қилади.

Агар яхши мавзу ва ғоя ўзига яраша ёрқин бадиий шаклда мужассам этилмаса, зерикарли схемага ва қуруқ декларацияга

айланиб қолади, уни ҳеч ким ўқимайди. Бундай жонсиз зерикарли китоб магазин пештахталарида сарғайиб ётади, охири носкашлар нос ўраб сотадиган ташландиқ қоғоз даражасига тушади. Шу тарзда бадий заиф асар яхши ғоя ва мазмуннинг обрўсини тўқади, улардан китобхоннинг ихлосини қайтаради.

Ахир, илғор ғояни газетанинг бош мақоласида ҳам айтиш мумкин. Ёзувчининг бутун меҳнати, истеъдоди, маҳорати илғор фикр ва ғояларни оригинал ва ёрқин образлар мағзига сингдириб беришга, шу тарзда уларнинг таъсир кучини беқиёс даражада ошириб, инсон қалбини бойитишга қаратилади. Шунинг учун адабий асарнинг ғоявий — бадий хусусиятлари ҳамisha диалектик бирликда таҳлил қилиниши керак. Ғоявийлик бадийликдан ажратиб қўйилдими, дарҳол бир ёқламалик келиб чиқади. Кейин бу бир ёқламаликдан акси тушунчали манфаатпарст одамлар ғаразли мақсадларда фойдаланадилар: гоҳ нурсиз, заиф асарларни «ғояси яхши, мавзуси долзарб» деб мақташга тушади, гоҳ догматик қолипларга сиғмайдиган таланти ва оригинал асарга йўқ жойдаги ғоявий айбларни тақиб, қўпол адолатсизликларга сабаб бўладилар.

«Сароб» ва «Қўшчинор»га асоссиз айблар таққан, Абдулла Қаҳҳорнинг ўз тили билан айтганда, уларни найза кўтариб қарши олган танқидчилар бугунги авлодлар олдида қанчалик ноқулай аҳволда қолганидан биз бугун сабоқ чиқаришимиз керак.

Афсуски, бадий адабиётнинг хусусияти билан ҳисоблашмайдиган, ғоявийлик ва синфийликни асарнинг бадий образларидан ажралган ҳолда бир ёқлама талқин қиладиган вульгар — социологик танқидлар бугун ҳам учрайди. Айниқса, ҳозир, бугун мамлакатда янгича тафаккур секин — аста қанот ёяётган пайтда эскича догматик тушунчалар чидаб бўлмас даражада хунук кўринади. Вульгар социологизм ва догматизм — адабиётимиздаги нурсиз, декларатив, схематик асарларни «ғояси муҳим, мавзуси долзарб» деган бир ёқлама кўзбўямачилик ақидаси билан мақтаб келганлиги, «Сароб» ва «Қўшчинор» каби баркамол асарларга асоссиз айблар тақиб, Абдулла Қаҳҳордай таланти ёзувчилар ижодий ишига халақит берганлиги, бунинг ҳаммаси охир — оқибатда адабиётимизнинг тараққиётига тўсиқ бўлганлиги ҳозир ҳар қачонгидан ҳам аниқ кўриниб турибди. Шунинг учун бадий ижод соҳасидаги

янгилашиш ва қайта қуриш жараёнида эскича бир ёқлама тушунчалардан узил — кесил қутулмоғимиз керак.

Кейинги пайтларда «бизга бадий кашфиётлар керак»лиги алоҳида таъкидланмоқда, конъюктурага мослаб ёзилган нурсиз, заиф нарсалар аёвсиз танқид қилинмоқда, на ақлга, на ҳис — туйғуга таъсир қилмайдиган ўртамиёна, сўхтаси совуқ асарлар озмунча чиқмаганлиги ва уларга баҳо беришда мезонлар пасайтириб юборилганлиги махсус кўрсатиб ўтилди.

Мезонларни юқори кўтариш учун юракларни тўлқинлантирувчи, ақл — идрокни жунбушга келтирувчи асарларнинг фазилатлари китобхоналар оммасига, айниқса, ёшларга мумкин қадар тўлароқ очиб беришга интилаётганимиз ҳам ана шу боисдандир.

ТАНҚИДЧИ. «Сароб» романи хусусидаги баҳсга қайтайлик. Бу роман ҳаммадан бурун замонавий мавзуда ёзилган, ўз даврининг жиддий ҳаётий зиддиятларини ифода этгани муҳим ижтимоий, маънавий — ахлоқий муаммоларни дадил ўртага қўйгани, замондошларининг ёрқин, бетакрор образларини яратгани, уларнинг маънавий олами, руҳиятини юксак маҳорат ила очиб бергани билан ғоят қадрлидир. Ўзбек адабиётида замонавий мавзуда ёзилган ғоявий — бадий энг мукамал илк роман ҳам шу «Сароб» бўлган.

Мени бир ҳолат, айниқса, ҳайратга солади. Абдулла Қаҳҳор «Сароб» устида иш бошлаганда йигирма уч ёшли йигит эди; бир қатор фельетонлар, ҳажвиялар, ҳикоялар ёзган бўлса ҳам, «Бошсиз одам»ни мустасно этганда, ҳали ижодда қадрини ростлаб ололмаган, ёзувчи сифатида танилмаган эди. Шундай пайтда унда бирдагина бу қадар улкан масъулиятли ният — муддаонинг пайдо бўлиши, автордаги ижодий жасорат кишини лол қолдиради...

Ҳозирги ёш ёзувчиларимизни мен асло камситмоқчи эмасман, лекин кейинги йигирма — ўттиз йил давомида Абдулла Қаҳҳор ёшида «Сароб»га ўхшаш йирик, жиддий ижтимоий, маънавий — ахлоқий муаммога дадил қўл уриб, сезиларли муваффақиятга эришган, миллий адабиётни бир қадам олға силжитган бирор ёш прозаикни учратганим йўқ... Улуғ кашфиётлар, аввало, улуғ муддаолардан бошланади, ижодкор ёшлар ёшлик пайтидаёқ буни унутмаслиги керак. Биз ёш ёзувчиларни кўпроқ камтарликка ундаб улардаги шижоатнинг ўтмаслашувига сабаб бўлмаётирмизми?

ЁЗУВЧИ. Улкан жасорат — улкан мақсадлар йўлида туғилади, бу жиҳатдан сиз ҳақсиз. Лекин ижодий жасорат билан камтарлик бир — бирини инкор этмаса керак. Мен Абдулла акада шу икки фазилатни, кўпинча, бирга кўрар эдим.

Ғўдайиш, такаббурона қилиқлар қилиш ички маданиятнинг етишмаслигидан ҳам келиб чиқади. Абдулла Қаҳҳорда ички маданият жуда баланд эди, шунинг учун унда табиий бир камтарлик бор эди. Лекин йигирма уч ёшида «Сароб»дай мураккаб роман ёзишга журъат этгани албатта фавқулодда бир шижоатдан далолат беради. Аср бошидаги миллий уйғониш ҳамма соҳадаги тараққиётни тезлаштириб юборган.

Фақат: «ҳозирги ёшлар нега бу ёшда роман ёзмайдилар» деган саволни беришга менинг тилим бормади. Чунки Чингиз Айтматовдай оламшумул адиб ўзининг биринчи романини элик ёшдан ошганда ёзган. Лекин унинг ўшангача ёзган энг яхши қиссалари жуда кўп романлардан зўрроқ бўлиб чиқди. Демокчиманки, жанрларнинг яхши — ёмони йуқ. Шунинг учун масалани жанр ҳал қилмайди.

ТАНҚИДЧИ. Тўғри масалани жанр ҳал этмайди. Аммо ўша ёшда ўта мураккаб мавзуга қўл уриб йирик жанрда новаторона йўл тутиш, катта муваффақиятга эришиш кишини ҳайратга соладиган ҳол.

ЁЗУВЧИ: Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб»ни ёзган давридаги бошқа бир нодир фазилатига ёшларнинг эътиборини жалб этгим келади. Роман тўрт йил давомида ёзилган. Ўша ёшда тўрт йил босим ўтириб битта асар устида ишлаш учун жуда катта бардош керак бўлган. «Сароб» 1934 йилда ёпиқ конкурсда мукофот олган бўлса ҳам фақат 1938 йил охирида китоб бўлиб чиқади. Ёш адиб ромanning чоп этилишини яна беш йил кутади. Бу йиллар қанчалик секин ўтганини ва қандай мураккаб даврга тўғри келганини кўз олдингизга келтиринг. Бу роман адибдан етти — саккиз йиллик умрини талаб қилди. Яна босилиб чиққандан кейинги муҳокамалар, асоссиз айбномалар... Бунинг ҳаммасига чидаш учун Абдулла Қаҳҳорга қанчалик зўр ирода ва бардош керак бўлганикин! Ҳозир ҳам бардошли ёш ёзувчиларимиз йўқ эмас. Лекин асарини мумкин қадар тезроқ ёзиб тугатишга ва ундан ҳам тезроқ чоп эттиришга интиладиганлар кўпроқ. Мен уларга француз ёзувчиси Флобернинг: «Талант — бу кўпга кетадиган бардошдир», деган гапини эслатгим келади.

давр адабиёти, Европа адабиёти вази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли асарлар ёзган, ўзбек романчилигини бошлаб берган улкан адибдир, деб атаган эди.

А. Қаҳҳор «Қўшчинор» романини ёзганда шу мавзудаги илк асар — «Обид кетмон» тажрибасини ҳисобга олгани ҳам табиий. Айниқса, деҳқон меҳнати тасвирларида ҳар икки ёзувчининг бир — бирига руҳан яқинлиги сезилиб туради. А. Қодирий тарихий романларида ҳам, «Обид кетмон»да ҳам бобларга сарлавҳа қўйишга одатланган эди. Оддий китобхоннинг асарни чуқурроқ тушунишига ёрдам берадиган бундай сарлавҳаларни «Қўшчинор» романи бобларида ҳам кўриш мумкин.

ТАНҚИДЧИ. Айниқса, «Сароб»даги Муродхўжа домла образи талқинида Абдулла Қаҳҳор «Меҳробдан чаён»га яқинлашган. Муродхўжа домла характерининг айрим жиҳатларида, унинг Саидийга муносабатида Солиҳ маҳдум ва Анвар муносабатларини эса туширадиган ўринларга дуч келамиз.

ЁЗУВЧИ. Чиндан ҳам мумсиклик, пулга ўчлик Солиҳ маҳдумдан Муродхўжа домлага юққан бир касалдек туюлади. Солиҳ маҳдум Анварнинг билимидан, истеъдодидан фойдаланиб қандай пул ишласа, Муродхўжа домла ҳам Саидийнинг адабий истеъдодини худди шундай пулга сотиб ейди. Бу икки очкўз шахс учун қалам ва истеъдод бамисоли соғин сигир. Икковлари ҳам ўз уй — жойлари ва қизларидан шу сигирни яхшироқ соғиш учун бир восита тарзида фойдаланадилар. Бу А. Қодирийнинг ижодий тажрибасидан А. Қаҳҳор қандай баҳраманд бўлганини кўрсатувчи далилдир. Биз адабий авлодларнинг ўзаро муносабатидаги яқинлик ва ҳамкорликни жуда қадрлашимиз керак.

Бир — биридан баҳра олган адибларни маълум йилларда бир — бирига қарши қўйиш ҳодисалари ҳам содир бўлган, авлодлар орасидаги меҳру оқибат сусасайиши эса адабиётнинг равнақига салбий таъсир кўрсатган эди. Бизнинг бугунги ҳаракатларимиз адабиётнинг ривожини жадаллаштиришга қаратилгани учун адабий авлодлар орасидаги меҳру оқибатни мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз.

ТАНҚИДЧИ. Адабиётимизнинг жиддий ютуқлари бўлган асарларни рус, жаҳон адабиёти нодир намуналари билан қиёсий ўрганишда бир ҳолатни — асарнинг ҳаётини замини, ўзига хослигини, ёзувчининг бадиий ниятини ҳаминиша ёдда тутиш

керак. Айтайлик, «Сароб» қаҳрамони Саидий билан «Тинч Дон»даги Мелехов ўртасида муайян муштаракликлар мавжуд, аммо «Тинч Дон» қаҳрамони билан «Сароб»даги Саидийнинг киёс этганда, бир оз эҳтиёткорлик зарур, «Сароб» қаҳрамониға «Тинч Дон» қаҳрамони миқёси, мезони билан асло ёндашиб бўлмайди. Адабиётшунос С. Мирвалиев «Ўзбек романи» китобида «Саидий қанчалик мурракаб ҳаётий конфликтларда эпик планда ҳаракат қилмасин, у Григорий Мелехов образи каби етук даражаға кўтарилмаган», — дейди (177—бет). Мелехов тўрт китобдан ташкил топган йирик эпопеянинг марказий қаҳрамони, Саидий эса бир китобдан иборат ихчамгина роман қаҳрамони; М. Шолохов ўз қаҳрамонини ғоят мурракаб улкан тарихий ҳодисалар — биринчи жаҳон уруши, граждандар уруши воқеалари ичидан олиб ўтади. «Сароб» воқеалари эса ер—сув ислоҳоти, қисман коллективлаштириш даврида, асосан, торроқ бир муҳит ичида кечади. А. Қаҳҳор ана шу биқик муҳит ичига тушиб қолиб, инқирозға учраган истеъдодли йигитнинг фожиасини кўрсатмоқчи бўлади. Муаллиф асарда ўз олдига қўйган бадий мақсадға тўла эришган, тўлақонли етук характер ярата олган. Саидий образидан бундан ортиғини талаб этиш ўринсиз...

Эҳтимол, «Сароб» «Тинч Дон», «Клим Самгиннинг ҳаёти»дан кўра ғоявий — бадий йўналиши, бош қаҳрамон концепцияси, асар поэтикаси жиҳатидан Жек Лондоннинг «Мартин Иден» асарига яқинроқ турар. Дарҳақиқат, Саидий ҳам Мартинга ўхшаш истеъдодли ёзувчи, зиёли йигит. Мартин каби у ҳам худбинлик касалиғи мубтало, айни шу худбинлик уни инқирозға маҳкум этади. Саидийнинг севғиси, ҳалокати тасвирида Мартин тақдирини эсга туширадиган ҳолатлар кўп... Жек Лондон Мартин Иден образи моҳиятини изоҳлаб: «Мартин ўзгалар манфаати, бинобарин, инсоният манфаати ҳақида ҳеч қандай тасаввурға эға бўлмаган индивидуалист сифатида фақат ўзини деб яшади, ўзи учунгина курашди, боринги, ўзини деб ҳалок бўлди... Мартин Иден одамзодға ишонмаганлиғи учун ҳалокатға учради. У фақат бир ўзигагина ишонар, бошқалар эса бир пул эди». Шундай хусусиятлар Саидийда ҳам бор. Лекин, барибир, «Сароб» ўзига хос, бетакрор асар. Умуман, сиз адабиётдаги турли асарлар, образлар орасидаги ўхшашликлар масаласига қандай қарайсиз? 30 — йиллар ўзбек адабиётида Жек Лондон

ижодига қизиқиш кучли бўлган, бунинг сабаби нимада деб ўйласиз?

ЁЗУВЧИ. Саидий муносабати билан Григорий Мелехов ёки Мартин Иден каби жаҳонга машҳур адабий образларни жуда шартли равишда эслаш мумкин. Чунки тарихий даврларда ҳам, инсоний характерларда ҳам катта фарқлар бор. Уларнинг фожиавий тақдирларида ўхшашлик йўқ эмас, лекин Саидийга нисбатан Мартин Иден ёки Григорий Мелеховдаги улкан миқёс, курушчан руҳ, катта жасорат, фавқулодда фаоллик хийла бошқача. Аслида шундай бўлиши керак, чунки классиклар анъанасига эргашиш қуруқ тақлиддан юқори турадиган ижодий мустақилликни талаб қилади. Бир нарсани таъкидлаш керакки, «Сароб» китобийликдан узоқ турадиган асардир. Романнинг ёзилиши учун ҳаёт ва воқелик ҳал қилувчи асос бўлиб хизмат қилганини Абдулла Қаҳҳор ўз таржимаи ҳолида махсус кўрсатиб ўтади. Саидий, Мунисхон, Муродхўжа домла ва бошқа типдаги персонажларни ёзувчи ҳаётда кўрган. Олдин ўтган адибларнинг тажрибаси эса шундай одамлар тўғрисида ҳам асар ёзиш мумкинлигига уни ишонтирган ва реалистик методнинг йўлларини курсатган.

ТАНҚИДЧИ. «Сароб» муайян тарихий шароитда, аниқ ҳаётий — миллий заминда туғилган; бош қаҳрамон ҳам худди ўша тарихий шароитда миллий заминда етишиб чиққан шахс; 20 — йиллардаги конкрет ижтимоий — ғоявий курашлар ичида намоён бўлади, шу курашлар гирдобида ҳалокатга учрайди.

«Сароб» муайян ижтимоий — ғоявий курашлар билан мангу маънавий — ахлоқий муаммоларни боғлиқ — туташ ҳолда ифода этиш санъати жиҳатидан ҳам ибратли. Бош қаҳрамон характериға хос худбинлик, индивидуализм шахс ва инсоният учун хатарли иллат, жиддий маънавий — ахлоқий муаммо сифатида қадим — қадимлардан бери сўз усталари эътиборини тортиб келади. Хусусан, реалистик адабиётда бундай психология табиати, моҳияти ғоят чуқур таҳлил этиб берилди, реалистик адабиёт ҳамон инсон табиатидаги бу хатарли оғу тадқиқини давом эттирмоқда, унинг хилма — хил қирраларини очиб бермоқда. «Сароб» ўзбек адабиётида шу жиҳатдан мислсиз ҳодиса, унда ёзувчи худбин шахс психологиясини, боя айтилганидек, жаҳон реалистик адабиёти даражасида туриб ўзига хос тарзда бадий таҳлил қилган. «Сароб»да тасвир этилган йилларға хос сиёсий — ғоявий зиддиятлар ва курашлар

аллақочон тарихий ўтмишга айланган, аммо Саидий табиатига хос худбинлик иллоти ҳали ҳаётда барҳам топган эмас, бугунги кунда ҳам у энг ўткир маънавий – ахлоқий муаммолардан бўлиб қолмоқда. Эҳтимол, «Сароб» ёки «Сароб» сирасидаги асарларга қизиқишнинг ортиб, ҳозирги адабиётимизда «Сароб» анъаналарининг кучайиб бораётганлиги шундандир. Мирмуҳсиннинг «Умид», Шуҳратнинг «Жаннат қидирганлар», Ўлмас Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин», «Ёз ёмғири», Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди», Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Истеъфо» асарларида «Сароб» таъсирини яққол кўриш мумкин.

ЁЗУВЧИ. Тўлақонли реализмнинг асосий йўналиши – инсон билан жамиятнинг ўзаро муносабатини аниқ ва ҳаққоний қилиб тасвирлашга қаратилган. «Сароб»га мана шу мезон билан ёндашганда ғалати бир ҳодисага дуч келамиз. Ёзувчи йигирманчи йиллар вақелигини тарихан аниқ ва ҳаққоний кўрсатгани учун «Сароб» ўша даврда долзарб, замонавий асар саналган бўлса, ҳозир орадан элик йил ўтгандан кейин худди тарихий мавзудаги романдек ўқилади. Гап бу ерда китобхоннинг фақат ўтмиш воқеаларига қизиқишида эмас. Гап ўша муайян тарихий курашлар ёрдамида кашф этилган инсоний характерларнинг бугун ҳам ўз таъсир кучи ва аҳамиятини йўқотмаганлигида.

Бузуқ муҳит алоҳида одамдаги фазилатларни қандай емириши ҳам адабиётнинг мангу мавзуларидан бири. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Сароб»нинг бизга бугунги кунларимизда ҳам долзарб қилиб турган бир муҳим жиҳати, асарнинг ичкиликбозликка қарши қаратилган руҳини олайлик. Саидийнинг маънавий таназзули бошдан – охиригача ичкиликбозликка боғлиқ ҳолда кўрсатилади. Романда бирор жиноят йўқки, унинг маслаҳати ичкилик устида қилинган бўлмасин. Саидий улфатлари олдида мақтаниш учун гоҳо газак қилмай ичади. Аммо кўп ичган сари истеъдоди сўниб, соғлиги емирилиб боради. Охирида оқтутқаноқ бўлиб, оғиз кўпиришлари ва Муродхўжа уни жиннихонага жойлаштириш фикрига борганлиги – ҳаммаси машғум майхўрликларнинг оқибати эканлиги романда қадам – бақадам исботланиб борилади.

«Сароб»да яна бир мангу муаммо – худбинлик билан боғлиқ бўлган лоқайдлик, истеъдод билан боғлиқ бўлган муҳаббат.

Саидий романнинг бошида ора йўлда туради. Бир томонда, Эҳсон, Шариф, Шафрин ва Кенжалар муҳити. Иккинчи томонда, непман бўлиб синган отаси, синаётган поччаси. Шундай ора йўл унинг ички дунёсида ҳам бор. Саидий тўқ оилада оқбилак бўлиб ўсган, жисмоний меҳнатда қўполлашган одамларни «тўнгат» деб ёмон кўради, нозик таъб аслзодаларга алоҳида мойиллик сезади. Айни вақтда, табиат унга муҳаббатга қодир қалб ва истеъдод берган. Бу инсоний фазилатлар уни катта ҳақиқатлар ва адолатли курашлар йўлига олиб чиқиши мумкин эди. Бироқ мана шу ора йўлда унга маслақдош қиз — гўзал Мунисхон учраб қолади. Мунисхоннинг акаси Салимхон, нарёқда Аббосхон, Мухторхон — буларнинг ҳалокатли муҳитидан қизни қутқарадиган одам йўқ. Ора йўлда турган Саидийнинг ўзи ҳам маънавий нажоткорга муҳтож эди. Мана шу ўринда уларнинг икковида ҳам кучли бўлган худбинлик лоқайдлик билан иттифоқ тузади. Саидий ўз опасининг фожиавий тақдирига лоқайд. Ётоқхонадаги Шарифга муносабати ҳам лоқайд, Шафринга — ку муздай совуқ. Ҳаётнинг ички мантиғи шуки, одамларга бўлган лоқайдлик бутун ҳаётга ҳам лоқайд қарашга ўргатади. Бу эса бора — бора ўз тақдирига ҳам лоқайд бўлишга, «кел, бир гап бўлар», деб ўзини алдашга олиб боради. Саидийдаги таназзул кучайган сари лоқайдлик ҳам худди қорасон касаллиги каби ўсиб боради. У эҳтирос билан севган Мунисхонга ҳам охир — оқибат лоқайд бўлиб қолади. Бу даражадаги лоқайдлик романнинг охирида уни тирик мурдага айлантириб қўяди.

Сиз яхши биласизки, худбинлик ва лоқайдликка қарши кураш бугунги кунда ҳам адабиётнинг энг муҳим вазафаларидан бири бўлиб турибди.

ТАНҚИДЧИ. «Клим Самгиннинг ҳаёти», «Тинч Дон», «Мартин Иден»да бўлгани каби «Сароб»да ҳам худбин, адашган одамга нисбатан ёзувчининг муносабати тайин — худбинлик инсон учун маънавий оғу сифатида қораланади. Аммо «Клим Самгиннинг ҳаёти», «Тинч Дон», «Мартин Иден»да бўлган каби «Сароб» муаллифи ҳам бош қаҳрамоннинг хато қилмишларини, характеридаги қусурларини кескин қоралагани ҳолда, ундаги айрим инсоний фазилатларни асло назардан соқит қилмайди. Китобхон Саидий қилган қилмишларидан нафратланади, унинг ҳалокати муқаррар эканига иқрор бўлади; айни пайтда қаҳрамон бошига тушган кулфатлар учун ачинади, айниқса, Саидийнинг

гўзал маъшуқа Мунистон қолиб, тасқара Сорахонга йўлиқиши, маккор Муродхўжа домланинг ширин сўзларига учиб, унга ичкўёв бўлиши шу жирканч муҳитга ўзини мослаш учун уриниши — овутиши, бу хонадонда инсонлик шаъни, нафсониятининг оёқ ости этилиши, хаста опаси бошига тушган хўрликлар, буларнинг устига ишдаги, ижоддаги танназул — булар билан танишганда Саидий ҳолати изтиробларидан ўқувчи қалби ларзага келади. Бунинг устига гарчи муайян даражада худбинлик майлларидан холи бўлмаса — да, Саидий билан Мунистон орасидаги севги мулоқотларида ҳам ўзига хос жозиба бор.... Ҳам нафрат, ҳам меҳр, ҳам ғазаб, ҳам мурувват, ҳам хунуклик, ҳам гўзаллик туйғуларининг ёндош ҳолда келиши — бу сўз санъатидаги гоят муракаб ва ноёб ҳодиса! Бундай хусусият «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»да (Ўзбек ойим, Зайнаб, Хушрўй, Солиҳ маҳдум образларида) қисман кўринган эди. «Сароб»да эса жуда кучли намоён бўлади.

ЎЗУВЧИ. Бу етук реализмга хос хусусият. «Анна Каренина», «Жиноят ва жазо», «Тинч Дон» сингари буюк реалистик асарлар айни шу хусусияти билан ажралиб туради.

ТАНҚИДЧИ. Ҳаётни, инсон шахсини мураккаблиги, зиддиятлари, мусбат ва манфий томонлари билан кўрсатишдан иборат бу йўл ҳаминша мунозараларга сабаб бўлган. Айниқса, вульгар — социологизм авжига чиққан кезларда бундай йўл кўпларни чалғитган; чунончи, 30 — 40 — йилларда «Сароб»га муносабатда ҳам шу ҳол рўй берди, Саидий образни ёзувчи шахсига тенглаштириш, характеридаги зиддиятни асар, ёзувчи камчилиги деб қараш ҳоллари бўлди; масалан, К. Мусаев «Романинг бош қаҳрамони Саидий ўтакетган миллатчи бўлишига қарамасдан ёзувчи уни мақтайди, уни ўқувчига имкон қадар яхши кўрсатишга, ўқувчини Саидий изидан эргаштиришга тиришади», деб ёзади. Чалкаш зиддиятли тақдир эгалари талқинида ачиниш, афсус — надомат, алам — изтиробни тўғридан — тўғри уларга хайрхоҳлик, бу йўлни эса бутунлай хато санаш адабий саводсизликнинг бир кўринишидир. Бугунги кунда ҳам гоҳо мураккаб, зиддиятли характерларни баҳолашда шу хилдаги чалкашликларга дуч келмоқдамиз. Айрим танқидчилар моҳият — эътибори билан салбий бўлган қаҳрамонларни тасвирлаётганида нуқул қоралашни ёки, аксинча, ижобий қаҳрамонни нуқул оқлашни, ёзувчидан ҳар қадамда ҳодисага ўз муносабатини, бинобарин, ўз позициясини

ошкора этиб туришни талаб этадилар; агар ошкора муносабат изҳор этилмаган бўлса қусур санайдилар...

ЎЗУВЧИ. Бу масалада ҳали биз адабиётга эскича, ибтидоий қарашлардан тўла қутула олганимиз йўқ.

ТАНҚИДЧИ. «Сароб»да бош қаҳрамон тақдири, руҳиятидаги ўта зиддиятли фожиавий ҳолатлар гоят катта маҳорат билан кўрсатилган. Менинг назаримда, инсон учун энг оғир кўргилик, фожа ўзининг кўнгил майлига зид бориш, таъби суймаган ишни қилиш, бундан ҳам ёмони, жирканч вазиятга ўзини мослаш, тақдирнинг шафқатсизлигига, омадсизликка кўникиш, омонат асослари билан ўзини овутиш бўлса керак. Даврнинг шафқатсиз зиддияtlари, қолаверса, ўз айби туфайли Саидий севгисидан жудо, гўзал қиз Муниҳон васлидан бенасиб бўлади. Бу етмагандай Муниҳоннинг бутунлай зидди — ҳам маънавий қашшоқ, ҳам жисмоний хаста, ўта хунук, тасқара — таъвия Сораҳонга рўпара келади. Тасаввурга асло сигмайдиган ҳол юз беради, секин — аста Саидий қалбидаги Муниҳон ўрнини Сораҳон эгаллай бошлайди. Ўзувчи бу жараённи бутун зиддияtlари, оғриқлари, азоб — изтироблари билан ифода этади. Айниқса, Саидийнинг кўнгилсиз вазиятга ўзини кўниктириш, Сораҳондан фазилатлар қидириш жараёни ўзувчининг зўр бадий кашфиёти. Деярли шундай ҳол Муниҳонда ҳам юз беради. Муниҳон ҳам ўз навбатида Саидийдек кўркам, истеъдодли йигит қолиб вазият тақозоси, ака хоҳиши билан маънавий тубан, жирканч одамга зўрлаб узатилади. Муниҳоннинг гоҳо — гоҳо юзага отилиб чиққан ва, асосан, қалб ичида бурқсиб ётган алам — изтиробларини ҳам ўзувчи бор бўйича китобхонга етказди. Айниқса, бир — бирининг васлига етиша олмаган икки бахтсиз, омадсиз қалбнинг бир — бирига рўпара келгандаги ҳолатлари ифодаси реализмнинг тенгсиз эҳсонларидан!

ЎЗУВЧИ. Ҳақиқатан ҳам романда Саидий билан Муниҳоннинг ўз истакларига ва муҳаббатларига қарши бориб, суйган одамларидан нуқсон, суймаган кимсалардан фазилат қидиришлари, уларнинг мураккаб руҳий кечинмалари юксак маҳорат билан ифода этилган. Муниҳоннинг ноиложликдан қиладиган иши Саидийдан нуқсон, Мухторхондан фазилат излаш бўлиб қолади. Бу оғир савдо туфайли гўзал қиз бир неча ҳафта ичида сўлиб, ўзгариб кетади. Муаллиф ёзади: «Саидийнинг ҳам ранги кетган, чунки у ҳам бир неча ҳафтадан

бери, Мунистон сингари шу қийин ишни қилар — Мунистоннинг фазилатларидан нуқсон ясар эди. Икковининг фарқи шундаки, Мунистон ўзини алдай олмаган — фазилатдан нуқсон ва нуқсондан фазилат ясашдан ожиз келган минутларида йиғларди, Саидий эса ичар эди».

Нарироқда яна ўқиймиз:

«Иккови узоқ жим қолгандан кейин Саидий:

— Қутлашим мумкинми? — деди.

Бу сўзни у жуда тез айтди, аммо айтиб бўлгунча кўзидан ёш чиқиб кетаёзди.

— Мумкин! — деди Мунистон ўзини хурсанд кўрсатишга тиришиб.

Мунистон шу билан, бўлажак куёвини яхши кўришини, ўзини бахтиёр ҳисоблашини билдирмоқчи бўлди. Саидий бунга ишонмаса ҳам, ҳарқалай Мунистоннинг шу ҳаракати унинг юрак — бағрини эзиб юборди...»

ТАНҚИДЧИ. Саидийнинг Сорахонга кўникиши, ундан фазилат қидириш жараёни, бу жараённинг психологик жиҳатдан асосланиши нақадар катта маҳорат билан адо этилган.

Ниҳоят, «Сароб»да мени ҳайратга солган, ўйлангирган яна бир жиҳат бор: бу роман 30 — йилларнинг бошларида, бинобарин, «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён»дан салгина кейин ёзила бошлаган. Шунга қарамай, асар тили Абдулла Қодирий романлари, умуман, йигирманчи йиллар ўзбек насри ифода тарзидан анча узоқдай туюлади. «Сароб» тил, ифода жиҳатидан бугунги адабий тилимизга ниҳоятда яқин, гўё куни кеча битилганга ўхшайди. Сиз ўзбек реалистик насри тили ривожигаги жараёнларни ўрганиб, махсус тадқиқот яратгансиз. Бу ҳодисани қандай изоҳлаш мумкин?

ЁЗУВЧИ. «Сароб»нинг тили ва услуби жуда теран илмий ихтироларга материал бериши мумкин. Чунки унда янги адабий тилимизнинг ўттизинчи йилларда гуркираб ривожланганидан ва янги юксакликка кўтарилгандан далолат берадиган мисоллар бениҳоя кўп. Абдулла Қодирий тўлақонли реализмнинг йирик насрий намуналарини яратар экан, классик адабиётимизнинг нафосатга тўла образли тили билан жонли халқ тили бойликларини бир — бирига қўшиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини биринчилардан бўлиб исбот этди. Унинг «Қалвак Маҳзум»ида эски китобий тил, «Тошпўлат тажанг»да эса мутлақо китоб кўрмаган чапанининг жонли тили бир — бирдан

бутунлай узилиб қолганлиги туфайли ҳажвий кулгиларга сабаб бўлади.

Тўлақонли адабий тил шу икки дарёнинг узвий бирлашишидан ҳосил бўлишини Абдулла Қаҳҳор «Сароб»да бетакрор бир услубда намойиш қилди. Шу билан у тил бобида Абдулла Қодирий бошлаган ишни давом эттирди ва янги босқичга кўтарди.

Мунисхон ҳақида айтилган қуйидаги жумлани олинг: «Бу қиз дарёга тушиб кетган гавҳар бўлди». Отабек ҳам Кумушни гавҳарга ўхшатиши мумкин эди. Лекин ошиқ йигитнинг интизорлик туйғусини, ҳаётнинг дарёдай улканлигини, унга тушиб кетган гавҳарни топиш амримаҳол эканини фақат Абдулла Қаҳҳорнинг ўзига хос услуби билангина шундай тағдор қилиб айтиш мумкин эди. Классик адабиётимизда кўп учрайдиган гавҳарни Абдулла Қаҳҳор жонли тил дарёсига солиб, унга янгича жило беради. Муаллифнинг севишганларга илиқ муносабати ҳам шу жумлада аниқ сезилиб туради. Мағзи тўқ, маъноси теран, шакли гўзал психологик сурат биргина жумла воситасида чизилади. Тўртинчи боб «Саидий университетга кириш билан йўқолган гавҳарини — Мунисхонни топди», деб бошланади. Бу жумлада ёзувчининг завқли табассумини кўргандай бўламыз. Севишганларни топиштирган университет эса китобхоннинг тасавурида сеҳрли бир висол даргоҳи бўлиб гавдаланади.

«Сароб»даги ҳар бир жумла бунчалик хилма — хил бадний вазифаларни бажариши «полифония», «ички монолог» деган тушунчаларни ёдга солади. Рус адабиётшунослигида бу тушунчалар Ф.М. Достоевский каби улуғ ёзувчиларнинг поэтикасига нисбатан яхши тадбиқ этилган. Биз «Сароб» мисолида ички монолог ва полифония деган тушунчаларни Абдулла Қаҳҳор ижодига ҳам тадбиқ этишимиз керак. Демак, бу мавзу ҳам ҳали ўз тадқиқотчисига муҳтож.

ТАНҚИДЧИ. Сизнингча, Абдулла Қаҳҳор романлари ҳақидаги ушбу суҳбат — кузатиш, мулоҳазаларимиздан чиқадиган энг муҳим хулоса — сабоқ нимадан иборат?

ЁЗУВЧИ. Суҳбатимизнинг хулосасида ҳақиқат билан саробнинг ўзаро муносабатига эътиборни тортмоқчиман. Чунки ҳақиқатни сароб деб адашиш ёки саробни воқелик деб ўйлаб янглишиш ўтмишда бўлгани каби, бугунги кунда ҳам янги — янги шаклларда учраб турадиган ҳодисалар.

Ҳақиқат ва сароб ҳамиша бир – бирини инкор этади. Лекин шунга қарамай, биз нега уларни адаштириб, гоҳо бирини иккинчисининг ўрнида қабул қиламиз?

Саробнинг табиатда қандай пайдо бўлишини кўз олдингизга келтиринг. Саҳро бўшлиғида нурнинг қизиган ҳаво тўлқинлари орасига тушиб синишидан турли шаклдаги рўёлар кўзга кўринади. Ташна одам буни зилол сув ёки кўкалам манзил деб ўйлаб алданади. Ҳаётда бундай алданиш кишини фожиаларга олиб бориши мумкинлигини биз «Сароб» романида бор бўйича кўрамиз. Адабиётда, хусусан, адабий танқидда чинакам обод манзилларни сароб ўрнида қабул қилиш ва қалбаки рўёга муносиб бўлган оғир гоъвий айбларни яхши асарларга ҳам тақиш ҳоллари юз берди. Бунинг ички сабабларини биз юқорида қисман айтдик. Узоқдан баъзиларга сароб бўлиб кўринган адабий асарлар аслида обод бадиий манзиллар эканини биз уларнинг ичига кирганимизда ва ҳамма нарсага ҳаққоний кўз билан қараганимизда билдик.

Адабиётнинг гоъвий – бадиий қонуниятларини чуқур билиш ва баланд савияда таҳлил қилиш қанчалик муҳим эканини тасаввур этиш учун яна табиатдаги саробни мисолга олайлик. Саҳро бўшлиғида кўзга кўринадиган сароб нега обод водийларда, боғ – роғларга тўлиб турган хушманзара жойларда учрамайди? Чунки дов – дарахтларга ва маданий бойликларга макон бўлган гўзал манзилларда қуёш нури саҳро бўшлиғидаги каби ножўя синмайди. Демак, асли гўзал ва обод бўлган манзилларга сароб даҳл қила олмайди.

Айрим қаламкашлар ва танқидчилар ижодида ҳақиқат нури ножўя сингани сабабли Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳордай улкан адибларимизнинг энг яхши асарлари узоқ йиллар давомида нотўғри баҳоланиб келди. Яхшики, ҳозир бундай адолатсизликларга барҳам берилмоқда. Энди улар такрорланмаслиги учун адабиётнинг спецификасини чуқур эгаллашимиз ва талантли асарларга баҳо берганда етти ўлчаб бир кесишимиз лозим. Ҳақиқатни саробдан бехато фарқ қилиш учун асарга баҳо берувчи мутахассисларнинг ички дунёси энг гўзал водийлар каби обод бўлиши, билимга, истеъдодга, маданиятга ва бошқа фазилатларга тўлиб туриши зарурлигини унутмаслигимиз керак.

1987 йил феврал

121

УСТОЗ ИБРАТИ

(Ёзувчи Шукур Холмирзаев билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ. Биз аввало Ҳамзани, айна пайтда Абдулла Қодирий, Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳорларни биргаликда янги ўзбек адабиётининг асосчилари деймиз. Бу — уларнинг адабиётимиз ривождаги хизматларига берилган энг юксак баҳо. Бизда ҳозирги замон адабиёти қиёфасини белгилайдиган реалистик жанрларнинг таркиб топиши ва шаклланиши уларнинг номлари билан боғлиқ. Ҳамза драма жанрига, Абдулла Қодирий билан Ойбек романга, Фафур Фулом билан Ҳамид Олимжон янги шеърӣ тизимларга, Абдулла Қаҳҳор ҳикоячиликка асос солган... Жанрлар тараққиёти устида сўз кетадиган бўлса "биринчи бўлиб" деган иборани севадиган ҳамкасбларимиз бор. Сўз санъатида "биринчи" ҳали "асосчи" дегани эмас. Навоӣга қадар ҳам ўзбек тилида шеър айтган ўнлаб шоирлар, ҳатто "маликул калом"лар бўлган, бироқ ўзбек адабиётининг асосчиси деган улӯф номга Навоӣ мушарраф бўлган, чунки Навоӣ ўзбек адабиётини ҳар жиҳатдан ўз даврининг энг етук адабиётлари даражасига кўтара олди. Худди шунингдек, Ҳамзага қадар ҳам драма ёзганлар бўлган, Абдулла Қодирийгача роман машқ қилган, Фафур Фулом ва Ҳамид Олимжонга қадар янги шеърӣ шаклларда куч синаб кўрган, Абдулла Қаҳҳоргача ҳикоя битган қаламкашлар кўп учрайди, бироқ фақат Ҳамза том маънодаги драма, Қодирий етук реалистик роман, Қаҳҳор мукамал ҳикоя яратишга, бу жанрларни ҳақиқий миллий санъат намуналари даражасига кўтаришга муваффақ бўлганлар; бироқ бармоқ билан эркин вазн ўзбек ёзма шеърӣятида худди Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Уйғун, Зулфиялар ижоди орқали, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Рауф Парфи сингари бугунги шеърӣятимизнинг пешқадам вакиллари меҳнат, изланишлари туфайли бутун бошли системага айланди...^х

^х Суҳбатдаги бу хил мулоҳазалар ўтган аср 80 — йиллари — Чўпон, Фитратлар ҳақидаги ҳақиқат юзага чиқмаган кезларда айтилгани назарда тутилсин.

Сўхбатимиз Абдулла Қаҳҳор ҳақида, унинг ҳикоянавислик мактаби, санъати, ибрати ҳақида. Қизик, Абдулла Қаҳҳор "Сароб" ва "Қўшчинор"дек ажойиб романлар, "Синчалак" ва "Ўтмишдан эртақлар"дек тенгсиз қиссалар, "Шоҳи сўзана" ва "Тобутдан товуш"дек ўткир комедиялар автори, у "Сароб" романи, «Ўтмишдан эртақлар» қиссаси, «Шоҳи сўзана» комедияси учун улкан мукофотларга сазовор бўлгану лекин унинг номи тилга олинганда илк бор ҳикоялари кўз олдимизга келади. Адиб ҳаётлик вақтида ўз қўли билан тартиб берган олти томлик асарлари мажмуасининг фақат бир жилдигина ҳикоялардан ташкил топган, ижодининг бор – йўғи олтидан бири... Лекин, барибир, шу олтидан бир ижод самараси унинг ёзувчилик қиёфасини белгиловчи бош омил бўлиб қолаётир...

ЁЗУВЧИ. Бу ҳолни дунё адабиётидаям учратамиз: Тагор ҳинд романининг жаҳон романчилиги қаторидан мустаҳкам ўрин олишида мислсиз хизмат қилган, унинг инглизларнинг икки юз йиллик ҳукмронлигига қарши миллий уйғониш ва ўзлигини таниш жараёнлари бевосита акс этган «Говурмаҳон», ҳинд аёлининг ҳақ – ҳуқуқи, инсон сифатида энг олий ҳаққи – муҳаббат унга садоқатини улуғловчи, минг – минг йиллик ажойиб анъаналар руҳида тарбия топган илғор зиёлиларнинг нурли қиёфаларини акс эттиришга бағишланган «Ҳалокат», асл нияти номиданоқ билиниб турган «Хонадон ва Жаҳон», ҳинд ёшларининг кейинги изланишлари инъикос этган ва ўзининг ҳам образи киритилган "Сўнги дoston" каби машҳур роман – полотнолар яратувчиси сифатида тенгсиз бир адибдирки, биз ўзбек китобхонлари уни ҳақли равишда романнавис сифатида биламиз. Ҳолбуки, у талай драмалар – трагедиялар ҳам муаллифидирки, масалан, ўзининг илк драмаси "Зоҳид" ("Аскет")даги инсон жамиятдан четга чиқиб яшолмайди, деган ғоя – ўзининг бутун кейинги ижодига йўлчи юдуз бўлганини айтади. Тагорнинг ҳикоялари – чи? Ҳинд танқидчилиги ўз вақтида "ҳар бири – бир роман", деб баҳолаган ҳикояларини ўқимаган маърифатли ўзбек китобхони бўлмаса керак. Марҳум адабиётшунос ва таржимон – руҳи ҳамиша шод бўлсин – Тўхтасин Жалолов Тагор ҳикояларидан бутун бошли бир жилдини тилимизга ағдариб, уни бизнинг ҳам маънавий мулкимизга айлантирдики, мен журъат этиб айта оламан, ўзбек ўқувчиларининг саксон – тўқсон фоизи Тагорни ҳикоянавис сифатида биладилар. Унинг ҳикояларида ҳам ҳинднинг бутун

дарди ҳасрати, севги — қувончлари, мутаассиблиги ва улуғлиги, пироварди, унинг озодликка интилишдек энг порлоқ, инсон шаънини кўкларга кўтарадиган туйғуларини кўрамиз: уларга юракдан ҳамдард бўламиз. Ҳа, Тагор буюк ҳикоянавис ҳам. Бироқ, бу титаннинг кўлами шундоқки, у на роман, на ҳикоя, на — да пьеса ёзмаган тақдирдаям оташин публицистикаси — ҳинднинг маънавиятини кўтариш, англизлар ҳукмронлигида камситилган ва шакли — шамойилини йўқотаётган маориф соҳасидаги қаноатлари — ўқув — ўқитиш усулларидаги қолақликка барҳам бериш борасида умр бўйи ёзиб келган қайноқ публицистикаси билан ҳам бир буюк граждан — публицист сифатида тарихда қолиши мумкин эди.

Ана энди, фалакнинг чархига қарангки, ҳинд халқи кўпроқ, ва аксар ҳолларда уни, асосан, "Шоир" сифатида билар экан, ҳар тонг Ҳиндистоннинг миллий гимни — "Севгилим — Ватаним" радиолардан янграганда, беихтиёр "шоир"ларини эслашар экан: у шеър — Тагорнинг шеъри. Шуниси яна қизиқки, Тагор Нобель мукофотига шоир сифатида сазовор бўлган.

Бунга нима дейсиз?

Французлардан Проспер Мериме — жаҳон ҳикоячилигининг устозларидан саналади. Ҳолбуки, унинг айрим романлари ўзбек тилига ям ўтириди.

Толстой! Унинг сон — саноқсиз ҳикоялари, қиссаларини эсланг, драмалари ҳамон қўйилапти. Аммо уни, асосан, "Уруш ва Тинчлик" у "Анна Каренина"нинг ижодкори сифатида кўпроқ тилга олмаймизми?

Шу ўринда мен машҳур Америка адиби Скот Фиджеральдни эсламан. У умр бўйи роман ёзишга ҳаракат қилди, ёзди ҳам (унинг чала қолган "Сўнгги магнат" романи яқинда рус тилида чоп этилди) ва кўнгли тўлмагани учун қанчалар қийналиб яшади.

Аммо у биринчи навбатда ҳикоянавис сифатида қолди.

Абдулла Қаҳҳоримизни мана шулар ҳақидаги ўйлар муносабати билан "Нечук кўпроқ ҳикоячи сифатида биламиз?" деб мулоҳаза юритсак, беихтиёр бояги гап — "фалакнинг гардиши" ёдга тушади — ю, кейин жиддийроқ хаёлга толсак, бу баҳода катта ва асосли ҳақиқат ётганига иқрор бўламиз.

Абдулла аканинг суҳбатлари ва айрим нутқларини эшитишга мушарраф бўланларданман: у кишининг бу йўриғда эшитувчилар берган саволларга ҳеч иккиланмасдан: "Мен,

биринчи навбатда, ҳикоячиман" деганларини ўз қулогим билан эшитганман.

Бизда, кўпинча, адабиётшунослар бирон – бир адибнинг маънавий мулки – ижоди ҳақида фикр юритганда ва уни у ёки бу тарафдан ёндашиб таҳлил этганда, ўша адибнинг шахсига – у ҳам бир конкрет одам – шахс, пироварди, характер эканига, унинг ана шу характери, индивидуал хусусиятлари ҳам асарларига – тасвир усулларига бевосита ўтиши, қолаверса, "услуб – бу ёзувчи" деган эски ақидага амал қилмайроқ кетишларини сезамиз.

Ҳолбуки, бу ижодиётда туб масалалардан биридир.

Энди ана шу нуқтаи назардан Қаҳҳор ижодига, хусусан, унинг ҳикояларига ёндашиб қарасак, уларда ёзувчининг туб феъли атвори, ўзига хос хусусиятлари ҳам акс этганини кўрамиз.

Ҳамма яхши билади: Абдулла ака гоят камгап, гоят нуктадон, ҳар бир гапи баъзан ҳикмат қувватига эга бўлган, эзма одамларни жинидан ҳам ёмон кўрадиган киши бўлганлар.

Ана шундай одамнинг қаламидан чиққан кичик асарлар, айниқса, ҳикоялар қандоқ бўлиши мумкин эди?

Бунинг устига, ҳикоянинг ўзи табиатан қисқаликни талаб қиладиган жанр бўлса...

Мен бу ерда ёзувчи шахси – унинг туб хусусиятлари билан ҳикоя жанрининг ўзига хос жиҳатларини ажиб бир уйғунлашиб кетгани, бир – бири билан "йиглаб кўришгани"ни кўраман.

Энди ўша пайтда ўзбек ҳикоячилигининг аҳволини эслайлик. Бу борада, Умарали ака, сиз яхшироқ биласиз, деб ўйлайман. Ўша вақтда ўзбек ҳикоячилиги... ҲИКОЯЧИЛИГИ бормиди ўзи...

ТАНҚИДЧИ. Ўзбек адабиётида дидактик характердаги ёки эртак усулида ёзилган ҳикоялар қадимдан бўлган. Том маънодаги реалистик ҳикоялар ўша кезлари эндигина туғилиб, шаклланиб келаётган эди.

ЁЗУВЧИ. Менинг билганим – бир – икки ҳикояни мустасно этганда реалистик ҳикоялар бор бўлсаям – гоят юпун эди...

Ана шундай бир вақтда Абдулла Қаҳҳордек истеъдод эгаси, "сўз зарғари", жуда пешқадам адабиётлар ва улардаги ҳикоячиликнинг аҳволию, реалистик ҳикоянинг туб хусусиятлари, бу жанрга қўйиладиган талаблару, жанрнинг ўзи талаб этадиган тарафларни яхши билган адиб – бу жанрга қўл урар, унинг илк муваффақиятли намуналарини яратишга,

пироварди, ўзбек адабиётидаги бу йўсида мавжуд бўшлиқни тўлдиришга бел боғлаган экан, бир сўз билан айтганда, ўзбек миллий ҳикоячилигига тамал тошини қўйишга шайланган экан, унинг бу ишга нечоғлик улуғ масъулият ва нечоғлик фидойи — ватанпарвар — халқпарварлик билан киришганини тасаввур этиш қийин эмас.

Энди мана шу уч омилни — адибнинг “асли ҳикоячиман” деган иқрорию унинг туб табиатидаги энг характерли жиҳатларнинг ҳикоя жанрига хос характерли жиҳатлар билан омухта бўлиб кетишию унинг бу йўлдаги улкан масъулиятини қўшсак, қандай манзара кўз олдимизда намоён бўлади.

Шу мулоҳазалардан кейин ҳам “Абдулла Қаҳҳор — биринчи навбатда ҳикоянавис” дир демаслик мумкинми?!

Шу хусусда яна кўп — кўп омиллар, “қўшимча фактлар” келтириш мумкин. Бироқ ҳаммаси ҳам ана шу — сиз боя қайд этган фикрнинг тасдиғига хизмат қилади, холос.

Умуман, Умарали ака, булар бекорчиликда эзилиб ўтириб мулоҳаза юритишга ва шу жараённинг ўзидан беихтиёр завқланиб ўтиришга шароит яратадиган масалалардирки, гапни ҳозирча шу ерда тўхтатсак ҳам бўлади.

Шу ўринда бир парадокс ҳолни айтиб ўтсам, майлими?

ТАНҚИДЧИ. Марҳамат.

ЎЗУВЧИ. Камтарликдан бўлмасаям, ўзим ҳақимда бир оғиз гапирмоқчи эдим. Мен бадий ижод соҳасида “иш”ни повесть ёзишдан бошлаганман. Кейин қатор публицистик мақолалар, драма, бир иккита роман ҳам ёздим. Ҳозир янги романимнинг биринчи китоби тайёр. Бироқ... мени, мана сиз ҳам, асосан, ҳикоянавис сифатида биласиз. Баъзан менга алам қилади: ахир, умримнинг кўпи ана шу катта жанрларда бирон — бир тузук — арзирли асар яратиш машаққатларида ўтаяпти — ку, деб ўйлайман... Ҳикояга эса мен — ўзим учун “хобби” дегандай қарайман. Ишонасизми, баъзан ҳикояни ёзиб бўлганимдан кейин уни бировга кўрсатмай, редакцияларга ҳам бермай юраман. Яхши кўрган куйингни хиргойи қилгандек, ўзимга ўқиб — ўзимча завқланиб юраман. Кейин... ҳаёт шундайки, тирикчилигинг ўтиши керак: жигиддон ташвиши бор. Бирон редакцияга элтаман. Ҳикояларимга бу хил муносабатим Ҷабабини билмайман: ўзимдан излашга кучим етмайди. Ким ўзини ўзи билибди?

Мавзудан чалғидик, узр. Буям ҳалигидай “бекорчиликда эзилиб гаплашиш”га мойил бир гап эди.

ТАНҚИДЧИ. Ўзбек реалистик ҳикоячилиги туғилиш, шаклланиш жараёнида мураккаб, зиддиятли йўллари босиб ўтди; қадимий ҳикоячилик анъаналари айрим ҳолларда унинг тараққиётига тўсқинлик қилди, дидактик нақлиёт, романтик жимжимадорлик, сентиментализм, иллюстративлик, қуруқ тавсифчилик, натурализм, баёнчилик сингари реалистик тасвир кушандаларини бартараф этиш осонликча кечмади, ҳикоянинг гоҳ очерк, гоҳ фельетон, гоҳ оддий публицистик мақола томон оғиб кетиш, баъзан эса, уни хилма — хил жанрларнинг қурамасидан иборат этиб қўйиш ҳоллари ҳам бўлиб турди. Ўзбек ҳикоячилигини ана шундай хас — хашақлардан тозалаб тиниқ ва мукамал шаклга киритишда, жаҳон реалистик ҳикоячилигининг энг нодир намуналари қаторидан ўрин олишида Абдулла Қаҳҳорнинг хизмати бениҳоя каттадир. Ойбек Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоячилик маҳоратидаги тугал композиция ярата билиш, мухтасарлик, аниқлик, тилнинг соддалиги, образлар, картиналарнинг ҳайрон қоларли даражада характерли ва ифодали бўлиши, хуллас, ҳаётни чинакамига бадиий акс эттириш санъатига юксак баҳо берган эди.

ЁЗУВЧИ. Ойбек домла Қаҳҳор ҳикоячилигига шундай баҳо берган бўлсалар — жуда соз: бошқача баҳо беришларини мен тасаввур қилолмайман.

Аммо саволнамо мулоҳазаларингиздаги бир гап менга унча ўтиришмайди: “Ўзбек ҳикоячилигини ана шу хас — хашақлардан тозалаб тиниқ ва мукамал шаклга киритишда ... Қаҳҳорнинг хизмати бениҳоя каттадир”, дейсиз.

Умарали ака, балки бу гапда бошқа маъно бордир — у, мен тезлик қилаётгандирман. Бироқ гапингизни ҳарфхўрларча тушуниб, қуйидаги мулоҳазани айтмоқчиман. “Ўзбек ҳикоячилигини хас — хашақлардан тозалаб...” Йўқ, ака, ўзбек ҳикоячилигини хас — хашақлардан тозалагани йўқ. Ўшандаям “хас — хашақлар” керагидан ортиқ эди. Кейинги ўн йилликларда эса, катта авлоднинг анча таниқли вакиллари ижодидаям бу “хас — хашақлар” кўплаб яратилди ва ҳозир ҳам яратилмоқда.

Мисол учун Ҳамид Фуломдай Давлат мукофоти лауреатининг “Қўшиқ” деган ҳикояси ёки халқ ёзувчиси унвонига эга Мирмуҳсиннинг кунги кеча эълон қилинган “Қутоёқ” ҳикоясини эсланг. Бирида ошиқ йигит деворнинг бу ёғида туриб,

маъшуқасига қўшиқ айтади, маъшуқа деворнинг у ёғидан ошиғига қўшиқ айтади... Концерт қўяяпсан — а! Тагин бу "концерт"ни биров эшитмайди. "Қутоёқ"да эса, одобли, меҳнаткаш, ўтирган қиз бахтини топади, деган жўн гап айтилади, холос. Ҳикоя тарихидаги амалдор олимнинг эркатой қари қизлари эса минг бир "асарлар"да чайналиб, эзилиб кетган, тасвирлаш учун сиёҳингни аягинг келадиган "суратлар"дир. Тагин, бу асар ҳикоячилиқнинг белини синдирадиган, Қаҳҳорлар неча йил бурун рад этиб ташлаган ва, умуман, адабиётда энг самарасиз йўл — баён усулида ёзилганини айтмайсизми?

Айтмоқчи бўлган гапим шуки, Абдулла Қаҳҳор ўзбек ҳикоячилигини хас — хашаклардан тозаллагани йўқ. У ўз ижодида бу чиқиндиларни рад этди, десак тўғрироқ бўлади...

Э, гапирсанг, гап кўп.

Қаҳҳордан кейин ҳикоячилигимиз қандай аҳволга тушганини мендан кўра сиз яхшироқ кузатиб келаетган бўлишингиз керак.

ТАНҚИДЧИ. Сизнинг маломатларга тўла мулоҳазаларингиз сабабини тушуниб турибман. Начора! Буюк сўз санъаткорлари билан ёнма — ён истеъдодсиз қаламкашлар ҳам кунини кўраверар экан. Буюк бадий кашфиётлардан кейин ҳам хашаки асарлар пайдо бўлаверар экан. Бироқ, улкан сўз усталарининг, етук санъат асарларининг борлиги — адабиёт учун, китобхон учун катта бахт. Эртами, кечми улар қаршисида истеъдодсиз қаламкашлар, хашаки асарлар ўз қадрини, албатта, йўқотади. Абдулла Қаҳҳорнинг етук асарлари қаршисида яқин ўтмишда ҳам, ҳозирги кунда ҳам қанчадан — қанча хашаки асарлар қадрини йўқотмади... Агар Абдулла Қаҳҳор ва унинг тенгсиз ҳикоялари бўлмаганида, эҳтимол, ўша хашаки асарларга ҳам шукр қилиб юраверармидик...

Энди бошқа бир масалага ўтсак, Абдулла Қаҳҳорнинг қардошлар, жаҳон адабиёти традицияларини ижодий ўзлаштириш тажрибаси ғоят ибратли. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари жаҳон реалистик адабиётининг энг кейинги тажрибаларини ўзбек адабиётига дадиллик билан олиб кириш борасида Ҳамза ва Абдулла Қодирийга нисбатан бир қадам олға кетди. Шундай бўлиши табиий эди. А.Қаҳҳор, Ҳамза, Қодирийларнинг драма ва романлари туфайли реализм адабиётда тантана қилган, традиция тусига кирган бир даврда ижод этди. Ҳамза ва Қодирий тутган йўлга — китобхонларнинг ўша даврдаги савиясидан келиб чиққан ҳолда айрим "ён

беришлар"га энди ҳожат йўқ эди, ўзбек китобхонининг ҳам "тиши чиқиб" ҳар қандай "янги приёмлар"ни ҳазм қила оладиган бўлиб қолган эди. А.Қаҳҳор ҳар қанақа дидактика, сентиментал талқинлардан, орнаментал безакдорликлардан баралла воз кечиб А. Чеховнинг «халис», "объектив", "соф реалистик тасвир" йўлини тажриба қилиб кўрди ва бу йўлда катта муваффақият қозонди. А. Қаҳҳор ҳикоялари услубда, шаклда, очиги А. Қодирий романларига қиёсан қадимий традициялардан анча узоқ, рус ва жаҳон реалистик адабиёти тажрибаларига яқинроқ. Бироқ асл моҳият эътибори билан ўта миллий. А.Қаҳҳор ҳикоялари реализм ҳар бир миллий адабиёт келиши муқаррар бўлган йўл эканлигини ва миллийлик реализмда энг олий нуқтага кўтарилишини яна бир бор исбот этувчи ёрқин фактдир.

Адабиётшунослар А. Қаҳҳорга Чехов таъсири, А.Қаҳҳор ҳикояларида Чехов анъаналари ҳақида кўп гапирадилар — у лекин А.Қаҳҳор ҳикояларининг миллий ўзига хослигини ҳали етарли очиб берган эмаслар. Улкан санъаткорлардан ижодий ўрганишда икки характерли жараён бор — устозга яқинлашиш ва ундан узоқлашиш. А.Қаҳҳорда ҳам шу ҳолни кўрамыз. У дастлаб бамисоли Чехов дунёсига шўнғиб кетади, унга тақлид қилаётганини ҳам сезмай қолади; кейинроқ Чехов санъатига чуқур эҳтиромини сақлаган, ҳатто ўзи сезмаган ҳолда ундан маълум даражада узоқлашади (30 — йилларнинг ўрталарида ёзган ўтмиш ҳақидаги ҳикояларида А. Чеховга яқинлик, уруш ва урушдан кейинги ҳикояларида, хусусан, шўро давридан олиб ёзган ҳикояларида эса Чеховдан узоқлашув ҳодисасини кузатиш мумкин).

ЁЗУВЧИ. Абдулла Қаҳҳорнинг "Чеховга яқинлашуви ва Чеховдан узоқлашуви" ... Бу тўғрида жуда аниқ фактларни тўғри қайд қилдингиз, Умарали ака. "Адабиётшунослар ... (бу тўғрида) кўп гапирадилар — у лекин А.Қаҳҳор ҳикояларининг миллий ўзига хослигини ҳали етарли очиб берган эмаслар" деган гапингиз ҳам ҳалол гапки, чиндан ҳам бу масала, умуман, миллий адабиёт, миллий проза, қолаверса, миллий ҳикоя яратиш муаммоларига бориб тақалади.

Мен ҳозир ўқиганларим ва кузатганларим бўйича, масалан, Америка ҳикоячилиги, умуман, америкача миллий характер яратилиши ҳақида гапиргим келади.

Американинг энг донгли ёзувчилари ҳам, танқидчилари ҳам бир оғиздан бир фактни қайд қилишади: "Бизда миллий адабиёт

(проза ...) Марк Твендан бошланди", дейишади. Хемингуэй эса, ўзига хос дангаллик билан: "Том Соьер ва Гек Фин ҳақидаги қиссалардан бўлак ҳеч нарса яратилмади", дейди...

Хўш, Геклберри Фин билан Том Соьер қандай болалар – характерлар ўзи?

Келиб чиқиши ҳам нотайин, барча олам болаларига хос хислатлар – шўхлик, ҳазилкашлик, ортиқча насиҳатларни хуш кўрмаслик, сайр – саёҳат – саргузаштларга ишқибозлик бутун борлигини эгаллаган, адолат ва ҳақиқат тушунчалариям ўзига хос тарзда мавжуд бўлган йигитчалар.

Бироқ уларнинг энг асл орзуси нима?

Хазина топиш, бой бўлиш...

Бир дақиқа ўйлаб кўрайлик: ўзимиз кўрмаган бўлсак – да, анча – мунча эшитиб ҳамда ҳозирги замон адабиётидан ўқиб билганимиз – америкача характерларнинг туб белгиси – моҳият даражасидаги белгиси нимада?

Хазина топиш, бой бўлишда эмасми?

Демак, менимча, бу характернинг энг ибтидоий ва теран илдизи ана ўша – бизга хуш ёқиб қолган Гек Фин ва Том Соьерлардадирки, шунинг учун ўша машҳур адиблар ҳам, оддий америкалик ҳам ўзининг миллий характери ҳақида ўйлаганда, ана ўшаларни қалбига яқин олади.

Энди бу қаҳрамонларни дангал тасвирлаб бериш усулини – чи? Янада яқин олишади қалбларига.

Бироқ бугун кўзимиз тушиб тургани – америкача ҳикоячилик у мамлакатнинг фидойи адиблари тарафидан икки юз йиллар давомида яратилди: қисқалик, баённи иложи борича инкор этиш, қаҳрамоннинг "ички ҳолати" тасвирини китобхонга "ишонтиш", мумкин қадар соддалик ва яна соддаликка эришиш – бу услубнинг асосий белгиларидир.

Шу услубда тасвирланган дангал, ўйлари, кўпинча, ҳаракатларида намоён бўладиган, кези келганда, ҳар қандай авантюризмдан қайтмайдиган, пул топиш – хазинага эга бўлишни – оддий, кундалик машғулот, айни чоғда танти ва олижанобликни сира – сира пеш қилмайдиган қаҳрамонлар – америкача миллий қаҳрамонлар экан.

Мана, сизга миллий ҳикоячилик ва унда миллий характернинг акс этилиши.

Демак, сиз айтганингиздек, реализм (реалистик услуб, усул) ҳар бир миллий адабиёт келиши муқаррар йўл экан, демак,

йигирманчи асрнинг биринчи ярмида бу реалистик ижод типи бошқа илғор адабиётлар — Европа ва рус адабиётидан қонуний бир тарзда бизга ҳам ўтган — унга етишган эканмиз, демак, ана ўша йўлда миллий характерларни тасвирлаш вазифамиз бўлади — да.

Энди, бошдаги гапга — Абдулла Қаҳҳорнинг Чеховга яқинлашиши ва ундан узоқлашиши масаласига қайтсак, чиндан ҳам бошда Қаҳҳоримизнинг "Чеховга тақлид қилаётганини ҳам сезмай қолиши"ни баралла кўрамиз (бу борада адибнинг ўзи ҳикояларини биттама — битта шарҳлаб — яратилиш жараёни ҳақида ёзиб қолдирган).

Аввало, мен бир ҳолни яхши тасаввур этаман: Чеховнинг "халис", "объектив", "соф реалистик тасвир" йўлини (бу йўл аслида Чеховники эмас, балки Чехов уни ўзлаштирган, яъни, у йўл — объектив ҳақиқатдек йўл бўлган) ўшанда... ўттизинчи йилларнинг бошларида туриб, у йўлда қалам тебратиш — ҳар қандай ижодкор учун ҳам баайни ўзга сайёрага бориб, унинг нотаниш йўллари — йўлакларидан юришдек ҳайратомуз бир ҳол бўлганига шубҳам йўғ — ов. Бироқ, ўша сайёрадаги одамдан фарқли ўлароқ, бу тасвир йўли — юракка яқин, фақат кўзингни каттароқ очсанг ва миянгадаги ҳар қандай шартлиликларни бир четга йиғиштириб қўйиб мардоналик билан боқсанг, шундоқ — кўзгудагидек кўринадиган йўл эдики, Абдулла Қаҳҳор — табиатан қўрқув нималигини деярли билмаган шахс у йўлга дадил қадам босди.

Аmmo у йўлдан — энг табиий, шундоқ кўриниб турган йўлдан ўзбек "қаҳрамони" юрмаган, очикроқ гапирайлик, адабиёт саҳифаларида юрмаган эди.

Ана шунинг учун Чеховнинг "тасвир йўли"га туширилган ҳар қандай ўзбек кишисиям беихтиёр Чехов яратган рус қаҳрамонларига ўхшаб қадам ташлаган; таъбир жоиз бўлса, фақат шапкани ўрнига дўппи кийган бўлган ва беихтиёр уларнинг қисматлари ҳам Чехов қаҳрамонлари қисматларига ўхшаб кетаверган, улар тўхтаган нуқталарда булар ҳам тўхтайверган.

Буни мазкур дамда «Қаҳҳорнинг Чеховга тақлид қилгани» деб атасангиз ҳам, майли.

Бироқ биз бир нарсани беҳад гурур билан айтаемиз: Қаҳҳор жуда тез орада, умри давомида (бу қисқа муддат!) ўша реалистик тасвир йўлидан чин маънода миллий — ўзбек қаҳрамонларини

ҳам юргиза бошлади ва... буям оз: у қаҳрамонларнинг бориб тўхтайдиган нуқталарида ҳам миллийлик намоён бўла бошлади.

Бу ҳолни адибнинг "Минг бир жон" ҳикоясида, аynиқса, яққол кўраман. Эсланг энди: тасвир усули — соф реалистик усул, айтиш мумкин, шафқатсиз усул. Қаҳҳор бутун бошли қиссага арзирли ҳикояда бирон сония ҳам суюлмайди, гарчи ҳикоя биринчи шахсдан ёзилган эса — да, чучмалликдан асар йўқ. Биз ҳикояда жасур аёлниям, ўлимдан қочмоқчи бўлган сершубҳа беморни ҳам кузатиб, ғамгин тортиб, баъзан кулимсираб турамыз. Ҳикоя "фавқулодда" ўлимдан қочганининг ўлими, ўлиши тайин бўлганининг руҳий ўқтамлиги туфайли ҳаёт қолгани билан тамом бўлади.

Бу ерда шафқатсиз ва одил ҳаёт тантана қилади.

Ўзи, кўпинча, шундай бўлади: ҳаётда кўрқоқ ўлмасдан бурун ўлади.

Энди бир минут хаёл сурайлик: бу ҳикоя тасвир усули билан ҳам қаҳрамонларию улар ҳаётининг (ҳикоя кўламида) якуни билан ҳам нақадар қалбимизга яқин.

Ана энди, наҳот, биз ҳам анави Марк Твен асарлари ҳақида гапирган Американинг адиблари ва танқидчи — китобхонлари каби баралла овоз билан: "Ана, бизнинг ҳикоя, ана — бизнинг миллий қаҳрамон", дея олмасак?

Дея олмасак?... Баралла айтамыз ва Абдулла Қаҳҳор руҳига чуқур миннатдорчилик билан таъзим қиламыз!

Абдулла Қаҳҳорнинг "Тўйда аза" ҳикоясини эсланг: бир чол... Туппа — тузук нуроний чол. Унинг тенгқурлари бор, улар неvara — чеварали. Бу аломат қария эса, қартайганда ёш бўлиб, "қизиқчиликка семирган" «Хўроққанд»га ошиқ бўлади. Нима бўларди оқибати, нима? Ёш хотиннинг кўнглини оламан деб оғир чамадонни кўтараман деб абгор бўлади: ўлади.

Ўлади — да бундай одам!

Унинг чамадон кўтариши шарт эмас эди. "Хўроққанд" билан бошқа бир иш устидаям ўлар эди.

Биз бунга шак келтирамызми? Йўқ.

Қайтамга ҳар бир ўзбек одам қандайдир табассум билан: "Маъқул" дейди.

Адиб уни ўлдиргани учун эмас, йўқ: у бу аҳволда ўлиши керак бўлиб ўлгани учун.

Нақадар миллий қаҳрамон!

ТАНҚИДЧИ. Сал олдинроқ яратилган ўзбекнинг характерини, қалбини, руҳиятини бениҳоя улкан реалистик куч билан очиб берган "Асрор бобо" ва "Хотинлар" ҳикоялари қаҳрамонларини ҳам улар ёнига қўйиш мумкин.

ЁЗУВЧИ. Балли. Бундай қаҳрамонларнинг Чеховда учраши қайда!... Чехов тирик бўлиб бу ҳикояларни ўқиганда, жуда роҳатланган, пенсынени олиб: "Бу асарларни Шарқ одами яратган..." дея табассум қилган ва Абдулла Қаҳҳорнинг қайси юртдан эканига қизиққан бўларди.

Шунақа миллий қаҳрамон яратиш масаласи!

Э, Умарали ака, лозим бўлса, миллий қаҳрамонни қандайдир миллий шакллардан фойдаланиб туриб ҳам яратиш мумкинки, бу энди (бу йўригда) навбатдаги қадам бўлади...

ТАНҚИДЧИ. Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги айрим ишларда, кўпинча, унинг фақат бир тур — "Анор", "Бемор", "Адабиёт муаллими" тишидаги ҳикоялари асосидагина ёзувчи услуби, ҳикоячилик маҳорати устида баҳс юритилади. Менинча, А. Қаҳҳор ижоди ҳикоя жанрининг имкониятлари ниҳоятда кенг эканлигини намойиш этиш жиҳатидан ҳам ибратли. А.Қаҳҳор ижодида "Анор", "Бемор", "Адабиёт муаллими" сингари биргина эпизод асосида қурилган ҳикояларни ҳам, айти пайтда "Асрор бобо", "Хотинлар" тишидаги бир неча инсоний тақдирлар ҳақида баҳс этувчи, "Тўйда аза", "Нурли чўққилар" каби инсон тақдири эволюциясини кўрсатувчи ҳикояларни ҳам, оддий, осойишта кундалик ҳодисаларга асосланган "Ўжар"дан тортиб "Даҳшат"дек ўта кескин, шиддатли, фожеий воқеаларни акс эттирувчи асарларни ҳам, енгил юмор, ҳазил — мутойиба, гоҳо майин лирик руҳ билан йўғрилган ҳикоялар билан баробар захарханда, қаҳрли қаҳқаҳа, памфлет даражасига кўтарилган асарларни ҳам учратиш мумкин. Шуниси муҳимки, унинг ҳикоялари ҳар қанча хилма — хил бўлмасин — ҳамма ҳолларда бир одамнинг нигоҳи, фақат Абдулла Қаҳҳорга хос ифода тарзи сақланади.

ЁЗУВЧИ. Умарали ака, сиз агар савол берган бўлсангиз, жавобини ҳам айтдингиз: ҳа, ҳикоя жанрида қаҳрамон ҳаётидан олинган биргина эпизод тасвири орқали ҳам, қаҳрамоннинг эволюцияси, аниқроғи, мазкур характер шаклланишига бир миқдор таърифидан кейин ҳаракатта кўчиш орқали ҳам образ яратиш мумкин... ва Абдулла Қаҳҳор бу имкониятлардан имкони етган қадар фойдаланди. "Айрим илмий ишларда унинг фақат

бир тур ҳикоялари асосидагина ёзувчи услуби, ҳикоячилик маҳорати устида баҳс юритилса", — ўша иш эгаларининг чекланганлигидан ёхуд ўша тур ҳикояларни ўта севганлари, балки, умуман, улар тўғрисида кўп гапирилиб келинганидандир.

ТАНҚИДЧИ. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларига хос бош хусусият унинг гуманизмида, улардаги инсон образи талқини, бадий концепциясида бўлса керак. Устози Чеховга яқинлашув ҳам, ундан йироқлашув ҳам шу ерда яққолроқ кўринади. 30 — йилларда яратган ўтмиш ҳақидаги ҳикоялари, қисман "Ўтмишдан эртақлар"нинг айрим персонажлари талқинида Чехов ҳикоялари қаҳрамонлари билан муштараклик кучли. Чунончи, "Ўғри"даги Қобил бобо, "Ўтмишдан эртақлар"даги Бабарлар авторнинг ўзи эътироф этганидек, Чеховнинг машҳур "Ёзув ниятли киши" ҳикоясидаги Денисга қариндошдирлар; улар гўё "замона дарахтида етишган бир олманинг икки палласи". А. Қаҳҳор ҳам Чеховга ўхшаб жаҳолатнинг, итоаткорлик, қуллик, мутелик психологиясининг фожиасини очади, жаҳолатда қолиб эзилаётган, инсонлик шаъни топталаётган кимсаларга ҳамдардлик билдиргандай бўлади. Мазкур ҳикояларнинг ўзидаёқ Чеховдан фарқ қиладиган қандайдир бир оҳанг бор, ёзувчи, бир томондан, жаҳолатнинг синфий моҳиятини очишга интилади, иккинчи томондан, тасвирда "объектив"лик сақланади — ю ёзувчи позициясида қандайдир фаоллик ортади. Адиб фақат жаҳолат фожиасинигина кўрсатиб қолмай, жаҳолатга қарши исённи, протестни ҳам кўради. Бу қисман "Анор"да, Туробжон образида сезилган эди, 60 — йиллар бошида яратган "Даҳшат"да, "Ўтмишдан эртақлар"нинг қатор персонажларида эса аниқроқ, кескинроқ намоён бўлди ...

А.Қаҳҳор ҳикояларида ҳаммиша оддий одам бош қаҳрамон қилиб танланади. Ёзувчи ҳаммиша одамга ўзининг инсонлик шаънини қанчалик қадрлай билишига қараб баҳо беради. Инсонлик шаънини юксак қадрлай билган шахс катта қалб эгаси, давр қаҳрамони даражасига кўтарилади (Асрор бобо, Собирахон, Мастура, Фотима ва ҳоказо), инсонлик шаънини ерга урган кимса эса тубанлик томон кетади (Мулла Норқўзи, Умри, Мухторхон домла, Зуҳра ва ҳоказо). Худди шу ўринда ёзувчи гуманизмининг ўзига хос томони — инсонга нисбатан ўта талабчанлик хусусияти кўринади...

ЁЗУВЧИ. Умарали ака, аввало, "А.Қаҳҳор ҳикояларига хос бош хусусият унинг гуманизмида ... бўлса керак" деган

гапингизни тушунмадим. Гуманизм ва ижоддаги бош хусусият ... Қандайдир қовушмайди бу гаплар. Ёзувчи деган шоввоз, унинг А.Қаҳҳор бўлиши шарт эмас, агар унда жиндаккина виждон деганидан бўлса — бировга ҳамдара, бировга талабчан бўлса ёхуд бировнинг иши учун куйинса ва бировнинг маъқул ҳаракати учун қувонса — уни гуманист деяверинг. Дунёдаги деярли барча ёзувчиларни, агар улар инсонга мана шу жиҳатдан ёндашишган бўлса, гуманист деб аташ мумкин.

Чеховдан узоқлашиши ва унга яқинлашишида ҳам адибнинг гуманизмга муносабати, аниқроғи, инсонга муносабатидан келиб чиқиб баҳо бериш ҳам, менимча, унчалик тўғри эмас.

Чехов ҳам — буюк гуманист! У айрим одамларни қон ютиб ёзган. Аммо буни ўзи айтганидек, "билдирмаган" ва билдирмагани учун ҳам бизга кучлироқ таъсир қиладики, бунда энди — ижод техникаси рол ўйнайди.

ТАНҚИДЧИ. Тўғри. Гуманизм барча буюк ёзувчиларга хос хусусият. Аммо гуманизмнинг намоён бўлиши, талқини ҳар бир ижодкорда, жумладан, Чехов ёки Абдулла Қаҳҳорда ўзгача, ўзига хос. Бунда гап фақат ижод техникаси, ёзувчи услубидагина эмас. Гуманизмнинг ҳар бир санъаткорда ўзига хос тарзда намоён бўлиши адабиётнинг бош масаласи — инсон жумбоғи, инсонни қандай тушуниш, қандай талқин этиш билан, яъни ёзувчи концепцияси билан боғлиқ. Мен гуманизм ҳақида сўз очганимда, бу тушунча билан ёнма — ён инсон образи талқини ва ёзувчининг бадий концепцияси тушунчаларини ҳам тилга олганлигим бежиз эмас. Боя ўзингиз ҳам А.Қаҳҳор яратган талай қаҳрамонларнинг миллийлиги ҳақида гапириб, бу жиҳатдан уларнинг бетакрорлигини таъкидладингиз. Аслида А.Қаҳҳор қаҳрамонлари фақат миллийлиги билангина эмас, ўша қаҳрамон — одамларнинг бадий — фалсафий талқини жиҳатидан ҳам ўзига хосдир. Менимча, бу борада махсус тадқиқотлар олиб бориш пайти келди.

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг ифода тарзи, услуби ҳақида ўйлаганда икки ҳолат мени ҳамиша ҳайратга солади. Булардан бири тасвирнинг бошдан — оёқ деталлардан ташкил топиши. Тасвирни деталлаштиришда ўзбек адабиётида, ҳикоячилигида ҳеч ким А.Қаҳҳорга тенглаша олган эмас. Адиб услубига хос шу хусусият Сизда ўзгача бир кўринишда давом этипти. Бу йўлга қисман Ўткир Ҳошимов ҳам мурожаат этиб кўрди ("Урушнинг сўнгги қурбони" ҳикоясида) ...

Иккинчи ҳолат, А.Қаҳҳорнинг деярли барча ҳикояларида тасвир руҳига сингиб кетган юмор, киноя туйғуси. А.Қаҳҳор ҳаттоки энг кескин, даҳшатли ҳодисалар замирида ҳам қандайдир бир кулгили моментни топади ("Анор", "Даҳшат" ҳикояларини, "Ўтмишдан эртақлар"нинг "Бир бошга икки ўлим" бобини эсланг).

ЁЗУВЧИ. Умарали ака, кечирасиз, А.Қаҳҳор ҳикояларида "тасвирнинг бошдан — оёқ деталлардан ташкил топиши"га мен ҳайрон қолмайман. Хусусан, маълум бир конкрет "саҳналар"да воқеа юз берадиган бўлса! (Ҳалигидай қаҳрамон эволюцияси ҳам лозим бўлса, бу усуддан чекинишлар бўлиши табиий). Чунки асл ҳикоянинг шарти ўзи — шу... Агар сиз айтганингиздек, "Адибга хос бу хусусият менда ўзгача бир кўринишда давом этаётган" бўлса, буям табиий: воқеаларни мен ўз кўзим — ўз тасаввурим билан кўраман ва ҳикоянинг бадий ғояси талаби билан, балки ўлчови билан деталлаштираман (бу ҳам беихтиёр содир бўлади).

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида "тасвирга сингиб кетган юмор туйғуси" — уни "топиши" ҳақида сўзлайдиган бўлсак, буни адибнинг феъл — атворидан излаш керак: Абдулла аканинг анча шўх, Озод Шарафиддинов айтганидек, "аския айтмасалар ҳам", уни нуктадонлик билан тушунадиган, умуман, кулгини жуда яхши кўрадиган киши эканлари ҳаммага аён. Пироварди, Абдулла Қаҳҳор бежиз ўнлаб юмористик ҳикоялар ёзмади, ичакузди комедиялар яратмади.

Қолаверса, менинг назаримда, у киши "кулгили моментларни топишга" ҳаракат қилмаган. Бу моментлар ижод жараёнида ўз — ўзидан турилган: ахир, кулги ҳамма вақт импровизация маҳсули — ку?

ТАНҚИДЧИ. "Устозлардан ўрганиш", "устозлар анъанасини давом эттириш" деган муҳим муаммоларни тушуниш, талқин этишда анча илгарилаб кетдик, чамаси. Чинакам традицияни тақлиддан фарқ қиладиган бўлиб қолдик, устозлар анъанасини ташқи белгилардан, юзаки параллеллардан эмас, ижоднинг туб моҳиятидан қидирадиган, энг муҳими, анъаналар ғоят хилма — хил тарзда, ҳаттоки устозлар билан мунозара, баҳс шаклида ҳам кўриниши мумкинлигини эътироф этадиган бўлиб қолдик.

Ёдимда "Нурли чўққилар" эълон этилгач, шу ҳикоя хусусида ёзувчи П.Қодиров билан баҳслашиб қолган эдик; Пиримқул ака ҳикоядаги Фотима образи талқинига жиддий эътироз билдирди,

орадан кўп ўтмай унинг "Эрк" қиссаси пайдо бўлди, бу қиссадаги моҳият эътибори билан Фотимага яқин турувчи Ойшахон образи бошқачароқ тарзда талқин этилди. Чунончи, "Нурли чўққилар"да ота — она изнидан чиқмайдиган, меҳнатдан бошқасини билмайдиган Фотима ёзувчининг "мукофоти"га сазовор бўлади — ҳаётда бахтини топиб кетади; "Эрк"да эса шундай хислат эгаси Ойшахон ёзувчининг таъна — дашномларига учрайди, бахтини бой беради...

Биласиз, Пиримқул Қодиров Абдулла Қаҳҳорнинг энг суюкли шогирди, сафдоши ва издошларидан. Унинг Абдулла Қаҳҳор шахсиятига, ижодига меҳри беқиёс, Абдулла Қаҳҳор ҳақида махсус тадқиқотлар олиб борган. Аммо у гоҳо устоз адиб билан ижодий баҳс қилишга журъат этган.

ЁЗУВЧИ. "Устозлардан ўрганиш", "устозлар анъанасини давом эттириш" хусусидаги фикрларингизга тўла қўшиламан... Аммо, Умарали ака, мени маъзур тутинг, "Нурли чўққилар" ҳақида П.Қодиров билан баҳсингизга аралашини истагим йўқ (Аралашганда, "Шу хил бошқа ҳодисаларга" ҳам ўтардим).

Гап шундаки, Абдулла Қаҳҳор олдида қанчалик таъзим қилмайин, бу улуғ ёзувчи ижоди, умуман, унинг борлиги билан қанчалик фахрланмайин ва қуйидаги гапимга Сиз тугул бошқа кўп — кўп кишилар ҳам эътироз билдиришларини билганим ҳолда, шунини айтаман: "Нурли чўққилар"ни бундан ўн — балки ўн беш йиллар бурун ўқиганимда ҳам мутлақо ҳазм қилолмаган эдим: ҳикоягагина эмас, умуман, унда мавжуд образларгаям қандайдир ёмон пародия бўлиб туюлган эди.

Сиз билан суҳбат баҳонасида кунини кеча яна ўқиб чиқдим, ҳикоя ҳақидаги таассуротим заррача ўзгармай қолди: назаримда, бу асар — Абдулла Қаҳҳорнинг энг муваффақиятсиз чиққан асаридир.

Исбот талаб этасизми?

Бошқа вақт.

ТАНҚИДЧИ. Фақат "Нурли чўққилар" эмас, А.Қаҳҳор ижодида бошқа бўш ҳикоялар ҳам бор. Масалан, "Ҳамқишлоқлар"...

А. Қаҳҳор ҳикоянавислик санъатининг ҳозирги кун учун ибрат бўларли яна қандай томонлари бор? А.Қаҳҳор ҳикоялари ижодингизга қандай таъсир кўрсатган? Суҳбатларда А.Қаҳҳор айтган гаплар, асарларингизга берган баҳолар Сизда қандай таассурот қолдирган, Сизга нималар берган?

ЁЗУВЧИ. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари ҳозирги кун адиблари, хусусан, ҳикоянавислари учун том маънода бир мактаб — миллий мактабдир. Ундан биз тилга оладиган барча компонентларни — хуллас, ҳамма нарсани ўрганиш мумкин.

Айниқса, буларнинг ҳаммасини ижро этган қурол — ТИЛни ўрганиш керак.

Умарали ака, мен онт ичиб айтаман: гоҳо А.Қаҳҳор ҳикояларини варақлаганимдан сўнг қўлим қаламга бормай қолади: тилчи муаллим қаршисида иншосига "2" олиши тайин бўлган мактаб боладай довдираб турасан киши.

Вой, тилимиз шунчалар гўзалми, образли — ширалими, тавба, унда Озод ака айтгандай, ифодалаб бўлмайдиган нарсаларнинг ўзи йўқ шекилли, дейсан. Мен шу ўриңда тилимизнинг ўзига хос бир жиҳатини эслатиб ўтмоқчиман: ўзбек тили барча Шарқ тиллари сингари зар — зебари кўп, "гули, булбули" кўп, ширин — тотли оҳанглари беҳисоб тидирки, чинакам реалист ёзувчи бу тилда шафқатсиз проза яратиш учун ғоят эҳтиёт бўлиши керак: акс ҳолда, битта жумла билан бутун ҳикояни тучмал қилиб қўйиш мумкин, ё ...

Қаҳҳорнинг буюк хизмати яна шунда эканки, у ана шу сержилва тилдан конкрет манзаралар "ясаш", аниқ — тиниқ таъриф — характеристикалар бериш, хуллас: қадимдан қолган поэзияга мослашиб, унинг оҳангларига бўйсуниб келган тилимизни янги замон прозаси талабларига жуда усталик билан мослаштирган экан.

Абдулла Қаҳҳорнинг суҳбатларда айтган гапларидан талайи ёдимда қолган. Уларни бир четдан санаб ўтирмасдан, шуни дангал айтиб қўя қоламан. Абдулла Қаҳҳор жуда катта ШАХС ҳам эдиларки, айрим жабҳаларда, хусусан, адолат бобида у кишининг ўзини тутишлари — тута олишлари — бу — алоҳида бир ибрат намунаси, ростгўйлик ва принципиаллик намунаси, бошга қилич келса ҳам тўғри гапни айтадиган улуғ инсон намунаси эдики, биз айниқса, мана шу кунларда — шу даврда у улуғ зотнинг улуғлигини қайтадан кашф этаётибмиз: у эса, рўпарамизда яна — да улуғворроқ бўлиб кўринаётир.

Хуллас, Абдулла Қаҳҳор адиб сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам биз учун ибрат намунасидир.

ТАНҚИДЧИ. Абдулла Қаҳҳорнинг яқиндан билган кишилар, хусусан, ёзувчи ҳаётининг сўнгги кунларида унинг ҳузурида бўлганлар яқдиллик билан бир гапни айтадилар — бу одам чин

маънодаги ҚАҲРАМОН шахс бўлганлигини, бу жиҳатдан у ўзи яратган Асрор бобо, қолаверса, Унсин, Мастура ва Саидаларга (ажабланманг, эътиқод, қатъият ва жасорат бобида худди ўша аёл қаҳрамонларига) ўхшаб кетиши, ҳаётининг сўнгги дамларида ўз ўлимини олдиндан сезгани, билгани ҳолда худди Унсин ва Мастуралар каби ҳеч қанақа таҳликага тушмай, мардона туриб ўлимни қарши олганини ҳайрат билан таъкидлайдилар...

ЁЗУВЧИ. Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди бу жиҳатдан ҳам ибрат.

Абдулла Қаҳҳорнинг шахсан менга нималар берганини айтиб ўтиришим юқоридаги гапларнинг такрори бўлиб қолади.

Дарвоқе, битта кичкина мисол: мен университетнинг тўртинчи курсида ўқийман. "Тўлқинлар" деган повестим "Шарқ юлдузи" да босилди. Орадан бир ой ўтар – ўтмас студент дўстларим шовқин кўтариб, Абдулла Қаҳҳорнинг менга ёзган мактубини беришди.

Мен – нодон ўшанда бу ҳолга анча бепарво қараган эдим: шундай бўлади – да аслида, деб ўйлаган бўлсам керак. Чунки мен адабий муҳитдан йироқ одам эдим: туппа – тузук, ёзувчи номини кўтариб юрган айримлар, керак бўлса, сени чалиб, гўрга тиқиб юборишга қодир эканларини билмасдим...

Абдулла Қаҳҳор!...

Энди унинг хатини кўзга суртаман: "Унақа инсонлар бир келиб, бир кетар экан", дейман ўзимча ва унга рўпара бўлганим, замондош бўлганимга шукрона қиламан.

Ўша хатда "...Менимча, повестнинг номи тўғри эмас", дейилган эди. Яқинда ўша қиссам "Ёш гвардия" нашриётида чоп этилаётган бир тўпламда қайта чиқди (Умарали ака, менда хунук бир одат бор эди: бир марта чиққан асаримни қайта нашр этилишини истамасдим). Повестнинг номини ўзгартирдим: "Букри тол" бўлди.

ТАНҚИДЧИ. Ўзбек ҳикоячилигининг А. Қаҳҳордан кейинги тараққиёти ҳақида нима дер эдингиз? Қанақа принципиал янгиликлар пайдо бўлди ёки бўлаётир? Менинг назаримда проблематикликнинг кучайиши ҳозирги ҳикоячилик ривожига хос хусусиятлардан бири бўлса керак. Бироқ бу ҳол ҳикояда А.Қаҳҳорга хос ёрқин характерлар яратиш санъатининг бир оз тушиб кетишига олиб келмаётганмикан? А.Қаҳҳор ҳикояларини шартли равишда "характер – ҳикоя", ҳозиргиларни эса кўпроқ "проблема – ҳикоя" деб аташ мумкин

(баъзан “интеллектуал ҳикоя” деб ҳам аташаётир). Уларда кишини ўйлантириб қўядиган муаммолар бор — у бироқ хотирада қоладиган ёрқин характерлар кам. Маънонинг сержиллиги, образлар, характерлар кўлами, умумлаштирувчи кучи заифроқ.

ЁЗУВЧИ. Бу саволингизнинг жавоби ҳам ичида экан. Мен мулоҳазаларингизга қўшиламан. Тўғри, уларни конкретлаштириш лозим. Аммо шундоқ ҳам суҳбатимиз чўзилиб кетди. Бу масалани бошқа бир махсус суҳбатга қолдирсак...

1986 йил август

ИККИ ОФИЗ СЎНГСЎЗ

Муҳтарам китобхон! Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги ушбу мушоҳада, муҳокама, хотира ва суҳбатлар мажмуасини тартибга келтирар эканман, кўз олдимда ҳамиша икки улуғ устоз — Абдулла Қаҳҳор ва Озод Шарафиддинов сиймоси гавдаланиб, Қаҳҳордек беқиёс аллома ҳақида бирор ноҳўя гап айтиб қўймадиммикин деган андиша ҳамиша ҳаёлимни таъқиб этиб турди. Бошқаларни асло камситмаган ҳолда, Озод акачалик Абдулла Қаҳҳорга яқин, адибни, унинг шахсиятини яхши биладиган, у ҳақида "кўп ва хўб" ёзган бошқа бирор адабиётшунос бўлган эмас. Устоз ҳаётлигида Қаҳҳор ҳақида нимаики иш қилган бўлсам, барчасини унинг маслаҳати, далдаси билан амалга оширганман. "Сароб" тўғрисидаги мақола устоз илтимосига кўра ёзилган ва "Жаҳон адабиёти"да босилган. Адиб давраларидаги аксар суҳбатлар Озод ака иштирокида ўтган. Устоз ҳаётлик чоғида ёзган ҳар бир мақоламни Озод аканинг нигоҳидан ўтгач, матбуотда эълон этганман. Бу китобга кирган бир туркум янги мақола, хотиралар эса, афсус, унинг назаридан ўтмай дунё юзини кўраётир. Бироқ менга шуниси таскин берадики, "Зилзила" қиссаси, Абдулла Қаҳҳор ижодини ўқитиш масалаларига бағишланган мақолаларимнинг режасидан уни хабардор қилган эдим; "Эҳтиром", "Адибнинг бир пой галоши", "Ёшлар билан суҳбат" кўргиликлари, "Васият" хотираларини сўзлаб берганимда уларни албатта қоғозга тушириб, элга аён этишни маслаҳат берган эдилар.

Режа, ниятлар қанчалик рўёбга чиқди, буниси энди Яратганга аён.

Бир воқеа — ҳодисага гувоҳ бўлган ўн қаламкашнинг ёзганлари ўн хил чиқиши бор гап. Китобдаги камина қаламига мансуб устоз ҳақидаги хотиралар, шунингдек, адиб ижоди, асарларига оид мушоҳада, баҳс — мунозаралар, талқинларга мутлақ ҳақиқат, деб даъво қилишдан йироқман. Бир япон алломаси айтганидай, фақат мен ҳақ деган одам ёки даҳо, ёки ғирт телба. Бугунги мунаққидлар орасида даҳоликка даъвогар бирорта кимса йўқ, телбалиқдан эса Аллоҳнинг ўзи асрасин. Менинг хотира, мулоҳазаларимни Қаҳҳордек алломага ўзини яқин олиб юрган бир камтарин мухлиснинг ожизона тасаввурлари маҳсули, ўй — мушоҳадалари, деб қабул қилгайсиз, азиз китобхон!

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

МУШОҶАДА, МУҶОКАМАЛАР

Шижоат	3
Университет илҳомлари	9
Мафкуравий – сиёсий тазйиқ ва истеъдод қудрати.....	23
«Ўтмишдан эртақлар» ва абсурд	38
Абдулла Қаҳҳор дарслари	44
Тугалланмаган қисса кўлами	55

Иккинчи бўлим

ХОТИРАЛАР

Адабий танқид жонкуяри	66
Адибнинг бир пой галоши	78
Эҳтиром	83
«Ёшлар билан суҳбат» кўргиликлари	88
Васият	91

Учинчи бўлим

СУҲБАТЛАР

Бир суҳбат сабоқлари (Абдулла Қаҳҳор билан суҳбат)	95
Ҳақиқат ва сароб (Пиримқул Қодиров билан суҳбат)	98
Устоз ибрати (Шукур Холмирзаев билан суҳбат)	122
Икки оғиз сўнгсўз	141

Умарали НОРМАТОВ

УСТОЗ ИБРАТИ

(Мушоҳада, муҳокама, хотира, суҳбатлар)

Муҳаррир *Абдусалом Умаров*
Бадий муҳаррир *Акбарали Мамасолиев*
Техник муҳаррир *Рустам Исакулов*
Мусахҳиҳлар *Зулфия Жалилова,*
Муҳаматжон Турдиев

Босишга рухсат этилди. 29.03.2007 й.
Қоғоз бичими 60x84 ¹/₃₂
Босма табағи 8. Адади 500 нусха.
Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 44

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент, Х. Сулаймонова кўчаси, 33